

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

Тошкент - 2011

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

ИБРОҲИМ АБДУРАҲМОНОВ

**ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР
фанидан ўқув-услубий қўлланма**

**Мазкур ўқув услубий қўлланма К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти “Тасвирий санъат тарихи ва назарияси” кафедрасида
тайёрланиб, ўқув жараёнига тавсия этилган. Баённома №9 2011 йил 16 июн.**

МУНДАРИЖА

Кириш

1 мавзу; Фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари

2 мавзу; Қадимги давр дунёқарашлари

3-мавзу: Қадимги Миср афсона ва ривоятлари

4- Мавзу: Олд Осиё афсона ва ривоятлари

5-Мавзу; Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари

6-Мавзу: Қадимги Рим афсона ва ривоятлари

7-мавзу: Зардуштийлик дини ривоятлари

8-мавзу: Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари афсона ва ривоятлари

9-Мавзу: Буддавийлик дини афсона ва ривоятлари

10-Мавзу: Қадимги Хитой, Япон афсона ва ривоятлари

11-мавзу: Яхудийлик дини афсона ва ривоятлари

12-Мавзу: Христианлик дини афсона ва ривоятлари

13- Мавзу: Ислом дини ривоятлари

14-мавзу: Ўзбекистон тасвирий санъатида афсона ва ривоятлар талқини

Хулоса

Тест саволлари

1-мавзу: ФАНИНГ ПРЕДМЕТИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. **Фаннинг асосий тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳияти**
2. **Афсона ва ривоятлар таснифи**
3. **Афсона ва ривоятларнинг тасвирий санъат тарихида тутган ўрни**

Таянч сўзлар: *Афсона, ақида, асотир, ривоят, ҳикоят, эртас, достон, қасида, космогоник, астрал, эътиқод, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар, топонимик афсоналар, ёзма ва оғзаки адабиёт.*

Маърузанинг мақсади: тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар фанининг предмети, асосий тушунчалари тур ва туркумлари, уларнинг мазмун – моҳияти, тасвирий санъат тарихи ва тараққиёт босқичларида тутган ўрнини талабаларга ўргатишдан иборат.

1. Инсониятнинг онги пайдо бўлибдики, бутун умри давомида атрофни кузатиб, нимагадир интилиб, нимадандир таъсирланиб, ундан ўз маънавий, маиший ҳаёти ва амалий фаолияти учун керакли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилиб келади. Бу истак ва ҳаракатлар натижасида унинг бадиий тафаккури, ҳис туйғулари шакллана бошлайди. Инсоният атроф-муҳит, табиатдаги ўзгаришларни кузатар экан, унга бўлган муносабати, ҳис туйғуларини турли шаклларда ҳар хил тарзда ифодалаб келган. Қадим замонларда аجدодларимизнинг дастлабки ижодий тасаввурлари ва илк дунёқарашлари айрим қоятошларда, дашту - ўрмонларда ўз аксини топган бўлса, кейинчалик замонлар ўтиши билан уларнинг бу сифатлари турли эътиқодлар ва қарашлар шаклида, ҳар хил маъбуд ва маъбудалар қиёфаси акс эттирилган ҳайкалчаларга кўчган. Эътиқодлар ва қарашлар билан боғлиқ хилма-хил маросимлар ўтказилган, афсона ва ривоятлар тўқилган. Замонлар ўтиши билан инсон бадиий тафаккури бойиб борар экан, бу хусусият уларнинг бадиий оламида кўпроқ кузатила бошлаган. Яъни дастлабки тасвирий ва амалий санъат намуналари турфа хил кўриниш ола бошлаган. Бизгача етиб келган ашъвий манбаларни ўрганиш натижасида биз инсониятнинг энг қадимги санъат асарлари борлиқ ҳақидаги илк тасаввурлари асосида яратилганлигига амин бўлдик. Кейинчалик бу тасаввурлар турли афсона ва ривоятлардан озик ала бошлаган.

Соҳага оид асосий тушунчаларни биров теранроқ англаш учун аввало асосий тушунчалар, атамалар ва уларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Айрим манбаларида шу мақсадда “**миф**” сўзи ишлатилиб келинади. “Миф” аслида юнонча “**мифос**” сўзидан олинган бўлиб, афсона, ривоят, асотир деган маъноларни англатади. Бу хусусда Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида шундай ёзилган. “Қадимги одамнинг борлиқ, олам ҳақидаги иптидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ходисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган.

Миф қадимги одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаси бўлиб, табиат ва жамият ҳаётининг турли қирралари моҳиятини тушинтирувчи энг қадимги тасаввурлар силсиласидир.

Мифологик тасаввурлар муайян воқелик моҳиятини ҳаёлий ўйдирма воситасида изоҳласа-да, миф яратилган ва оммалашган жойида ўз ижодкори ва ижрочилари томонидан ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида қабул қилинган”

Юқоридагилардан кўринадики, миф сўзи айнан афсона, ривоят ва асотирларга нисбатан қўлланилиши ўринлидир. Аммо биз айнан афсона ва ривоятларга урғу беришни лозим топдик. Ҳозирда афсона деганда тугал мазмун асосида яратилган оғзаки ёки ёзма асар ("легенда" лотин тилидан "ёзув") назарда тутилади. Хўш, афсонанинг асл мазмун – моҳияти нимадан иборат? Манбаларда мазкур атама турлича таърифланади. Хусусан, айрим луғатларда “афсона (форсча – ҳикоят ва ривоятлар) – халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири эканлиги эътироф этилади. Уларда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ турли қараш ва ғоялар, воқеа ва ходисалар ҳаёлий тарзда ҳикоя қилинади. Афсоналар инсоннинг табиат ва жамият ходисаларини билиш, англашга бўлган қизиқиши, интилишлари натижаси бўлиб, ижтимоий ҳаёт ва маданият, дунёқараш ва руҳий кечинмалар, урф-одат ва тарихий ходисаларни ўзида мужассамлаштирган”¹

Афсоналар ҳажми жиҳатидан бироз кичик, баён қилиниши содда, бадиий тасвир воситалари оддий, тушунарли бўлади. Тузилишига кўра эртақ, ҳикоя, нақл ва ривоятларга ўхшаб кетади. Афсоналар ёзма адабиётнинг, айниқса бадиий-фалсафий, мистик, динга, тарихга, ахлоққа оид асарларнинг мавзуи, муайян қисми тарзида ғоявий – эстетик вазифани бажарган. Бунга мисол тариқасида Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” А.Навоийнинг “Ҳамса”, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, А.Ориповнинг “Жаннатга йўл” каби асарларини айтиш мумкин. Улар кишиларнинг бадиий - эстетик оламининг таъсир кучини оширишга, инсон руҳиятини янада чуқур ва тўлақонли тасивирлашга хизмат қилган.

Афсона – узоқ замонлардан бери оғиздан - оғизга ўтиб келаётган халқ оғзаки ижоди (фольклор) жанри бўлиб, одатда у ҳаёлот, орзу, ўйдирма ва бадиий тўқимадан ташкил топади. Айрим ҳолларда воқеанинг тасвирланиши жараёнида ёки оғзаки ижрода афсона воқеаларининг бўлиб ўтган даври, макони ҳам тахминан кўрсатиб ўтилади. Афсоналар инсониятнинг азалий орзу-истакларини ифодалаганлиги учун ҳам халқимиз уни бор вужуди билан тинглайди ва ундан ўз ҳаётлари учун тегишли хулосалар чиқаради. Баъзида оғзаки ҳикоят тарзида тўқилиб, турли ҳаёлий, ясама образлар орқали воқеалар ривожлантирилади. Ҳикоя қилувчилар ва тингловчилар томонидан қачонлардир гўё шундай бўлгандек қабул қилинади. Ривоятдан фарқли ўлароқ афсона замирида албатта мўъжиза, сеҳр-жоду бўлади. Афсоналар илдизлари жуда қадим даврларга бориб тақалади. Инсониятнинг илк даврларида афсоналар жуда содда ҳам қисқа бўлиб, кейинчалик синфий жамият вужудга келиши оқибатида улар мураккаблашиб боради.

Афсона ва ривоятлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимий, кичик ҳажмли насрий жанри бўлиб, у ўзининг тарихий илдизлари билан қадимги жамиятнинг

чукур қатламларига бориб тақалади. Юнон файласуфи Аристотель таъбири билан айтганда, афсоналар «ҳақиқатдан ҳабар берувчи ёлғон ҳикоялардан» озик олади. Уларнинг каттагина қисмини диний афсоналар ташкил этади. Бу турдаги намуналарда илоҳлар, пайғамбарлар, авлиёлар ва йирик диний арбоблар кароматлари ҳақида ҳабар берилади.

Афсонавий образ – тасвирий санъатда расом ёки ҳайкалтарош томонидан маълум афсонавий воқеа-ходисанинг жонлантирилган тимсолий ифодаси, воқеликнинг моҳиятини шаклий тажассуми ёки шу негизга асосан яратилган бадиий қиёфа, тасвир ёки персонаждир. Айни пайтда у бадиий тўқима, ҳаёлот махсули бўлиб, табиат ва жамиятдаги кечаётган воқеалар, ходисалар, тасаввурлар, ғайриоддий кучларнинг келиб чиқиши ва уларнинг кимлар томонидан бошқарилиши сабабларини ўрганишга хизмат қилган. Инсоннинг бадиий тафаккури шакллангач, қадимги афсоналарнинг таркибий қисми ҳисобланган илк шакллар, қиёфалар ва айрим образлар тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиётига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатган.

«Ривоят» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, ҳикоя қилмоқ деган маънони англатади. Унда воқеа ва ходисаларни баъзан ўйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоялар муҳим ўрин тутди. Кўпинча ҳажми қисқа ёки уч эпизоддан ташкил топади. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Ривоят ижрочилар томонидан воқелик ва тарихий шахс билан боғлиқ ходисалар бироз ўзгартирилиши ҳам мумкин. Мазкур меросимиз қадим аجدодларимизнинг коинот, табиат ходисалари ва олам ҳақиқатининг моҳияти, дунёнинг яратилиш синоатларини англаш, ўрганиш мақсадида яратилган хилма-хил оғзаки ҳикоялар, ривоятлар, эртаклар ва дostonлардан иборат. Шу боис уларни инсоният тафаккурининг илк меваси дейиш мумкин. Уларда қадимги аجدодларимизнинг атрофни ўраб турган борлиққа, турли-туман нарса ва ходисаларга, коинот ва ер ости дунёсига бўлган қарашларини ўз ичига олади.

Ривоятлар ер юзидаги барча халқларда мавжуд. Чунки, барча халқлар ўз тараққиётининг илк босқичларида шу тарзда фикрлаш, дунёга ривоят нигоҳи билан қараш босқичини босиб ўтганлар.

Ривоят - воқеа ва ходисаларни инсон фаолиятини баъзан ўйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя: фолкълор жанри. Ҳажми қисқа ёки уч эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлади. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Ривоят асосида воқелик ва тарихий шахс билан боғлиқ ходисалар ётади. Ғоявий мазмунига кўра, тарихий ривоятларга тарихий шахслар ҳақида тўқилган ривоятлар киради.

Тарихий ривоятларда бирор шахс фаолияти ва халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ ходисалар ҳикоя қилинади, ахлоқ ва одобнинг идеал меъёрлари ташвиқ этилиб, муаян фактлар ҳақида ахборот берилади. Бундай ривоятлар Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб, Амир Темур, Султон Махмуд ва бошқалар ҳаёти билан боғлиқ воқеа ва ходисалар ҳам ёритилиши мумкин.

Топонимик ривоятларда шаҳар, қишлоқ, қўрғон, сарой, макбаралар номи ҳамда уларнинг юзага келиш сабаблари билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Хотимасида одатда ҳикоядан мақсад таъкидланади ва муаян факт изоҳланади. (Масалан Тўрабекхоним мақбараси).

Ривоятлар бизгача кўпроқ оғзаки, қисман ёзма шаклда етиб келган. (Восифийнинг Бадаеуль Вақоеъ).

Тасвирий санъатда ижодкорлар томонидан кўплаб афсонавий қаҳрамонлар образи яратилган. Бундай қаҳрамонлар халқнинг эзгу истакларини ҳаёлан рўёбга чиқарувчи бир воситадир. Шунинг учун ҳам улар халқ идеали, азалий орзулари сифатида тасвирланади.

Афсона ва ривоятлар ниҳоятда кўп қиррали, кенг қамровли мураккаб бадиий ходисадир. Уларни бир қадар кенгроқ тасаввур қилиш учун энг аввало уларни турли нуқтаи-назардан тур ва туркумларга ажратиб, бир тизимга солиш лозим. Бизнингча, барча афсона ва ривоятларни мазмун – моҳиятига кўра қуйидаги тур ва туркумларга ажратилгани мақсадга мувофиқдир.

1. **Космогоник афсона ва ривоятлар** - дунёнинг пайдо бўлиши ва тузилиши – ибтидо ҳақидаги афсона ва ривоятлар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги);

2. **Соляр афсона ва ривоятлар** – куёш ва унинг тузилиши ҳақидаги афсона ва ривоятлар;

3. **Топонимик** характерда яратилган афсона ва ривоятлар (тоғ, дарё, денгиз, шаҳар, қалъа, қишлоқ, тепалик, боғ, водий ва ҳоказоларнинг келиб чиқиш тарихи, номларининг мазмун моҳияти билан боғланган афсона ва ривоятлар);

4. **Этногенетик афсона ва ривоятлар** – элатлар ва уруғ - қабилаларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ: (92 ўзбек уруғи, шоҳнома, ўғузнома, кўкбўри, она бўри, кўнғирот, эллинлар ва бошқалар);

5. **Ҳайвонлар ва паррандалар дунёсига оид афсона ва ривоятлар** (шеър, хўкиз, эчки, аждарҳо, хўроз, семруғ, бойўғли, қирғий, бургут);

6. **Табиатдаги воқеа-ходисалар акс этган афсона ва ривоятлар** (чақмоқ, зилзила, вулқон отилиши, шамол, ёмғир, қор, ой ёки куёшнинг тутилиши, булутларнинг кўпайиб камайиши, камалак, юлдузларнинг учиши);

7. **Тарихий шахслар** ҳақида ҳикоя қилувчи жангнома типигади қаҳрамонлик афсона ва ривоятлар (Алп эр Тўнга, Тумарис, Широқ, Афросиёб, Сиёвуш, Искандар Зулқайнар, Жалолиддин Мангуберди, Ибн Сино, Бобур, Амир Темур, Номоз ботир);

8. **Астрал афсона ва ривоятлар** – “Астро” сўзидан келиб чиққан бўлиб, осмон ёриткичлари ва ходисаларига ҳамда у билан боғлиқ сеҳргарлик ҳатти ҳаракатларига сиғинишдан келиб чиққан. Астрал эътиқодлар айниқса қадимги икки дарё оралиғи- Мессопотамия, Миср ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Бу мамлакатлардаги ибодатхоналар, расадхона (обсерватория) вазифасини ҳам бажариб, осмон ходисаларини кузатишда катта роль ўйнаган. Юлдузлар вазиятига қараб, бу билан даврий боғлиқликка эга бўлган дарёлар сув тошқини бўлишини олдиндан айтганлар. Астрал эътиқодлар асосида астрорлогия, фолбинлик ва каромат қилиш вужудга келган. Христианликдаги Вифлеем юлдузи ва Апокалипсдаги етти юлдуз ҳақидаги ривоятлар ҳамда Шарқдаги мунажжимлик Астрал эътиқодлар намунасидир. (Ўз.М.Э-я.1-том.466 б).

9. **Диний эътиқодлар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар** (Исо Масих, Мусо, Якуб, Юсуф, Сидхартха Гаутама, Нух, Иброҳим, Довуд алайҳиссалом, Биби Фотима, Биби Марям, Абу Муслим жангномаси, Ҳадис, Инжил, Таврот, Талмуд китоби ва бошқалар);

10. **Яратилиш даври ва жойига қараб ажралиб турувчи афсона ва ривоятлар** (Қадимги юнон, Рим, ҳинд, хитой, миср, япон, форс, ўзбек, араб халқ афсоналари);

11 **Антропогоник афсона ва ривоятлар** - Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсона ва ривоятлар.

12. **Сиғиниш мифлари** (муайян эътиқодий ишончлар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, мас: ҳосилдорлик, ўсимлик, сув, ҳайвон, парранда, оловга сиғиниш ҳақидаги):

13. **Тақвимий ва мавсумий** (календар) афсона ва ривоятлар (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ афсоналар. Мас: аямажуз, аҳмон-дахмон, чилла, тўқсон ҳисоби)

14. **Эсхотологик афсона ва ривоятлар** -оламнинг интихоси ҳақидаги, мас, охирзамон тўғрисидаги афсоналар:

Ҳозирги кунда эътиқод билан бирга “ақида” атамаси ҳам ниҳоятда кўп қўлланилмоқда. **Ақида** аслида арабчадан келиб чиққан бўлиб, ишонч деган маънони англатади. Яъни унинг моҳияти шундаки, мутаассиб диндорлар учун мажбурий бўлган, улар шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим деб ҳисоблайдиган диний талабларнинг айрим мажмуаларини кенг камраб олади.

Ислом ақидаларининг асоси Қуръон ва ҳадислардаги меъёр ва кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик мазҳабида эътироф этиладиган ақидалар еттитадир: оллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига ишонишдан иборат”

Мазкур меросимиз қадим аجدодларимизнинг коинот, табиат ҳодисалари ва олам ҳақиқатининг моҳияти, дунёнинг яратилиш синоатларини англаш, ўрганиш мақсадида яратилган оғзаки ҳикоялар, ривоятлар, эртаклар ва дostonлардан иборат. Шу боис уларни инсоният бадиий тафаккурининг илк меваси дейиш мумкин. Асотирлар қадимги аجدодларимизнинг атрофини ўраб турган борлиққа, турли-туман нарса ва ҳодисаларга, коинот ва ер ости дунёсига бўлган қарашлар тизимидан иборат. Асотирлар ер юзидаги барча халқларда мавжуд. Чунки, барча халқлар ўз тараққиётининг илк босқичларида асотирлар орқали фикрлаш, дунёга асотирлар нигоҳи билан қараш босқичини босиб ўтганлар.

Бундай афсоналарнинг аксарияти муқаддас диний китоблардан ўрин олган. Шу боис бўлажак санъатшунос, музейшунос ва рассомларларга “Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар” фани чуқурроқ ўқитилади. Бунда талабаларда бевосита соҳага оид рамзий тимсоллар, образлар ва унинг турли шакллари, мазмуни, йўналиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган дунёқарашини шакллантиришга қаратилади.

Мазкур фан бўлажак санъатшунос ва ижодкорларнинг касбий фаолиятида соҳага оид илмий тафаккурини чархлайди. Зеро, аксарият афсона ва ривоятлар тасвирий санъат тарихи билан бевосита боғланган ҳолда ривожланган ва тараккий этган.

Манбалардан аёнки, қадимги дунё тасвирий ва амалий санъати намуналари асосан афсона ва ривоятлардан озиқланган. Бу даврда барча сюжетлар ҳаёлий тасаввурлар ва бошқа илоҳий қарашлар энг содда характерда яратилган. Айниқса, антик давр тасвирий санъати мифалогия билан узвий боғланган. Кейинроқ Европа ўрта асрларининг ҳамма даврларида антик афсоналарни христианлик билан боғлиқ ривоятлар сиқиб чиқарган. Бу даврда христианлик афсоналари гарчи ҳал қилувчи ролни ўйнамаган бўлса-да, жамоатчилик онгида катта мавкега эга бўлган. Айниқса, европалик ижодкорлар учун битмас-туганмас мавзуга айланган.

Ўйғониш даврида антик тасвирий санъатига бўлган қизиқиш яна қайтадан пайдо бўла бошлади. Санъат тарихига “Киборлар маданияти” номи билан кирган кенг миқёсли ижодий жараён нафақат янги анъанавий сюжетларни, шу билан бирга ҳатто антик мавзуларнинг тасвирий санъатда кенг фойдаланилишига ҳам шароит яратди. Ўйғониш даври рассомлари “Библия” ривоятлари ва антик қаҳрамонлар образларида ўз даврининг идеалларини яратишга алоҳида эътибор бера бошладилар. Кейинчалик эса Ғарбий Европа тасвирий санъати намоёндалари ҳам, афсонавий образлар яратишда давом этиб, ўзига ҳос мактаб яратдилар. Бу эса маълум бир меъёردа турли афсоналарнинг ўз мазмунида тушунтирилган ҳолатлар, рассомларга эркин тарзда фикр юритишларига имконият берди.

XVII аср буюк Голланд рассоми Рембрант ўзининг “Библия” мавзусидаги туркум асарларида аслида чин маънодаги ҳаётий ҳақиқатни тасвирлашни мақсад қилган, инсонлар сезгиси ва характернинг кўп образлилигини очишга интилган: француз инқилобий классицизмнинг бошида Давид Қадимги Римни тасвирлаб берган асарида эркин фуқоровийлик ғояларини, унинг жарангдор даврини ва бошқа ҳолатларни қидирганлиги яққол кўзга ташланади.

Хўш, тасвирий санъатда **афсона ва ривоятларнинг ўзи нима**, деган ҳақли савол туғилади. Афсона – бу турли халқларнинг худолар ва қаҳрамонлар ҳақида яратилган фантазиялари асосида ифодаланган ҳаёлий, рамзий тасвирларидир. Ҳар қандай афсона ва ривоятга асосланган асар рассомнинг табиат, илоҳий, ғайритабиий кучларни тасаввурлари ёрдамида тасвирлаш натижасида шаклланади. Ҳар қандай афсона жамиат ривожининг энг пастки поғонасида пайдо бўлади ва у табиат воқеликлари ва жамоатчилик ҳаётларини тушинтириш учун хизмат қилади. Тўғри, оламни бундай тушинтириш оддийлик ва соддаликдир. Инсонларга оловни берган Титан Прометей ҳақида, деҳқончилик ва ҳунарга, ёзувга ва умуман Қадимги греклар маданиятининг пайдо бўлиши ҳақида айрим тушунчага эга бўлдилар; узок Калхидига олтин тери учун жўнаб кетган грек қаҳрамони – аргонавтлар ҳақидаги ривоятда грекларнинг Шарққа эрта савдо саёҳатлари ҳақидаги хотираларида акс этган.

Шундай қилиб, ривоятнинг манбаси, ашёси воқеликнинг ривожланиши фантастик шаклларда ўзгартирилган ҳолда акс этади. Бу турли динлар билан боғлиқ ҳолда яратилган афсона ва ривоятларга ҳам тегишли. Ҳеч қандай дин ривоятсиз яшай олмайди. Улар сезгилар, ҳиссиётлар ва турли маросимлардан, у

ёки бу жонзодлар билан (худолар ва қахрамонлар, масалан, Осирис, Зевс, Христос, Геракл, Диана, Хубби, Анахита, Аҳриман, Сиёвуш, Рустам, Сухроб, Афросиёб, Жамшид ва бошқалар) тасаввурлар шунингдек, айрим жонзодлар ҳақидаги ҳикоя(мушук, илон, лайлак, буқа, сигир, бойўғли)ларнинг ажралмас қисмидир. Ҳаммадан аввал грек-рим ривоятлари ҳақида тўхталамиз.

Биз танишмоқчи бўлган асосий манбалар: Гомерга таллуқли қадимги грекларнинг эпик поэмалари - “Иллиада” ва “Одиссея” (мил. ав. VIII-VII асрларда) Троя жанги тасвирларини ўз ичига олади. “Худоларнинг келиб чиқиши”, мил. ав. V асрлардаги Афина фожеаси ҳақида ҳикоя қилса, Эсхил, Софокл, Еврипидлар драматургияси (мил. ав. I аср) асарларида антик дунё ҳаётининг маиший кўринишлари ўз аксини топган.

Антик ривоятларнинг ватани (мил. ав. I минг йилликда – II – минг йиллик охирида) - юнонистон бўлганлигига гувоҳлик берувчи мисоллар кўп. Дастлабки асарлар турли соҳаларда маҳаллий худолар ва қахрамонлар ҳақида аста секинлик билан шаклланиб борган. Кейинчалик бу ривоятлар ҳикоялар тизимида бирлашиб, янги лавҳалар қўшилиб, мукаммаллаша бошлаган. Масалан, Фивада подшо Эдип ҳақида ҳикоя пайдо бўлди, кечроқ эса грек трагиклари томонидан, Аргосда ривоятлар яратган подшо Агамемнон ва Аттикада – Тезе ҳақида ҳикоялар ва бошқа асарлар оммалашди.

Юнон ривоятлари Рим ривоятларининг ривожига кучли таъсир кўрсатди. Рим дини аввалига ниҳоятда оддий ҳарактерга эга эди. Шунинг учун юнон маданияти Римга суқланиб кирди, у билан бирга сайр қилди, бой юнон ривоятлари ҳам шу тариқа римликлар маданий ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Кўплаб маҳаллий рим художўйлиги юнон худолари образини қабул қилди: Рим Юпитери юнон Зевси кўринишида тасаввур қилина бошланди. Римликлар юнонларга ўхшаб, худолар ва қахрамонларни, ажойиб инсонларни антрибутлари билан тасвирий санъатга муҳрладилар. Яъни улар санъатида у ёки бу кўриниши орқали фарқланувчи аломатлари билан намоён бўлди: Масалан, Геркулес уч тишлар билан тасвирланган, палицалар шер териси билан, Артимеда Пан билан, Афина Эгина ва бой ўғли билан ва бошқалар...

Юнонлар ривоятларидаги ёрқин образлар тасвирий санъатга чуқур таъсир кўрсатди. Худоларнинг ривоятлар сахнаси театр томошалари ва тасвирий санъат асарлари учун муҳим мавзу бўлиб қолди.

Юнон санъати ривоятга тескари таъсир кўрсатди: худолар образлари санъатнинг пластик образларига аниқ таъсири остида катта аниқликка эга бўлдилар.

Христианликнинг жамият ижтимоий ҳаётида катта мавқега эга бўлиши билан бутун Европада илгариги унғача шаклланган барча динларларга оид ривоятларининг сюжетлари сиқиб чиқарилди. Христианлик ривоятлари етакчи ўринга кўтарилди. Бу даврда афсоналар нафақат “Библия” ва “Евангелия”дан балки ҳатто ва – “яшаган авлиёларнинг” – фантастик “таржимаи ҳолидан” ҳам олинарди. Маҳаллий ривоятлар худолари ва қахрамонларнинг кўпгина кирралари христианлик авлиёларига кўчирилган эди. Шунга ўхшаш ўзларининг маҳаллий нусхаларидан махсус функцияларини олдилар: уларни шаҳарларнинг ҳимоячиси, раҳнамоси, касблар, экинлар ва подаларнинг кўрикчилари сифатида тасвирлай

бошладилар. Секин асталик билан у ёки бу авлиёнинг маълум иконаграфик типи ишлаб чиқилди, яъни унга қўшимча атрибут қўшиш билан бойитилди. Маслан, Себастьян - жиноятчини камон ўқлари билан, Лаврентийни темир панжара билан, Петрни – калитлар билан ифодалашди.

Ўрта асрлардаги ва черков мафкурасининг ҳукмронлиги тасвирий санъатда киборлар сюжетларининг ифодаланилишини мутлақо таъқиқлади. Аммо бу каби сюжетлар халқ санъатида доимо яшаб келди.

Тасвирий санъатда “Библия”да ёзилган христианликнинг асосий ривоятлари, янги ўғитлардан ташкил топган таълимотларга асосланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Библия – бу қадимги ёзув маданиятининг етарли даражада фавқулодда тўплам бўлиб, минг йилликлар давомида кетма – кет бир – бирига ўтиб, бизгача етиб келган ноёб намуналаридан биридир. Милоддан аввалги V асрда Вавилонда “Иудия” китоблари ва барча ашёлари ёкиб юборилган. Библия асосида янги китоблар яратилган.

Библия ўзига ҳаддан ортиқ муносабатни талаб қилади. Унда баён қилинган тарихий воқеалар афсоналар билан узвий чатишиб қолмай, ҳатто тенденцияларда диний аниқ таълимотлар тақдим қилинган.

“Евангелия” ҳикоялари оғзаки тарзда турли хил жойларда ва турли вариантлар муҳитида, арамейча тилларда ва семитларнинг тилидан бирида гапирилган. Улар II асрнинг иккинчи ярмида яъни юнонларнинг тилидаги ёзувларда, уларнинг адабий ишланмаларида шаклланиб борган. Бундай ёзувлар худди адабий ишланмаларга тенг ва улар бир нечта.

Ана шу ердан Евангеллар ўртасида қарама-қаршилик бошланади. Бизгача етиб келган Евангелия юнон тилида сўзлашув муҳити учун мўлжалланган. Тасдиқланишича, улар фаластиндан ташқарида ёзилган. Улар тарихини яратувчилар Фаластинни ёмон билганлар. Шунинг учун Евангеллар тарихий манбалар билан Библияга нисбатан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш кераклиги уқдиришади. Уларни II аср ўрталарида христианликнинг биринчи жамоалари кайфияти ва қарашларини ўрганиш учун фойдаланиш мумкин.

Хўш, Исо Масих ҳақидаги ривоятлар қачон пайдо бўлган? Бу саволга I асрнинг иккинчи ярмида Иудия дини асосида янги дин шаклланаётган вақтда христианлик ҳам унинг Исо Масих ҳақидаги асосий ривояти ҳам яратилди ва тилларда дoston бўлди деб жавоб бериш мумкин. Бундай ривоятлар турли ҳаёлий - фалсафий таълимотлар ва бадий унсурлар асосида шаккланган. Уларнинг марказий ғояси - “Мессинлар”, “Помозанник” ёки Оллоҳнинг ўғли каби худо томонидан юборилган элчилар ҳақидаги тасаввурлардан иборат. Бу қирра кўпгина динларга хос. Қадимий яхудийлар дини Яхвега ва бошқа худудларда кенг тарқалган диний қарашларда ҳам ўз аксини топган. Мессин ғояси Ветхонинг бир қанча “авлиёлик” китобларида асосий ўрин эгаллайди. Мазкур китобларнинг барчаси тасвирий санъатда Исо Масих образининг шаклланишига кучли таъсир қилган.

Юнончасига Масих (Христос) - “памазанник” қадимги яхудийчасига - “миссия” дейилади. “Исус” номи қадимги деҳқончилик худоси - Исшуадан олинган ва яхудий халқи муҳитида у кўплаб қадимги Шарқ динларига қариндош:

Бундай манзарани мисрлик - Осирис, суриялик – Адонис, кичик осиёлик – Аттист ва бошқларда кузатиш мумкин. Уларнинг асосий ғояси ҳар йили ўлиб ва янгидан жонланадиган деҳқочилик эътиқодлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғланади. Ривоятда ўлим ва Иусунинг чўкинтирилиши айнан ана шу йиғин жараёнидан келиб чиққан.

Бу борада жуда кўплаб китоблар битилган. “Кумран” деб номланган кўлёманинг кашф қилиниши айниқса, афсоналарнинг бир қадар кенгайишига сабаб бўлди. Ўлик денгизнинг Ғарбий қирғоқларида Христос ҳақидаги яна кўплаб китоблардаги тасвирларни кўрса бўлади. Ана шу ҳужжатлардан бири - авлиё Авакумнинг китобида Христоснинг иерусалимлик коҳинлар қўлида ўлгани ҳақида сўйланади. Тахминимизча, бу лавҳа Христоснинг келгусидаги образларининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Шундай қилиб, Иусунинг худо одам ҳақидаги ривоятлари турли хил илдизлардан ва унсурлардан озиқланган, у деярли икки минг йилликларда ер шарининг катта қисмида халқ оммасини ўз таъсирида ушлаб турди.

Юқорида кўрсатилгандек, турли даврларда ва халқларнинг кўплаб тасвирий санъат асарлари анъанавий, ривоятли ва диний сюжетлар доирасида яратилган.

Буюк усталар ўз даврининг илғор ғоялари асосида ўлмас, қадрли асарларни яратишди. Улар бизда гўзаллик сезгисини, ҳиссини уйғотади ва чуқур инсоний мавзуси билан ҳаяжонлантиради.

Бундай ижодий кашфиётлар ва яратмалар билан танишиш учун миллионлаб санъат ихлосмандлари олдида бир қатор саволлар пайдо бўлади: рассом афсоналарни қандай тасвирлайди. У ўз фикрлари ва ҳисийларини ифодалаш учун қандай бадиий воситалардан фойдаланади? Ҳаммадан аввал ана шу саволлардан биринчисига жавоб бериш учун - тасвирий санъатдаги афсонавий сюжетларда кўплаб тарқалган ва энг оммалашган асарларни бир ипга тизиб, яхлит ҳолда умумлаштириш лозим. Мазкур дарсликни ёзишда айнан шу масалани ёритиш, бўлажак санъатшунос ва рассомларга энг сара санъат асарларининг афсонавий образлари яратилиш тарихини ёритишни лозим топдик. Зеро бу иш биз улар билиши лозим бўлган асосий билимлар сирасига киради.

Умуман Жаҳон тасвирий санъатида оламнинг пайдо бўлиши, инсон авлодларининг вужудга келиши ва бардавомлиги ҳақидаги афсонавий тимсоллар жудаям кўп. Улардан бири бу – Одам ато ва **Момоҳаводир**. Момоҳаво деярли барча динларда мавжуд. Қадимги яхудийлар тилида ҳава-ҳаёт манбаи деган маънони англатади. Аксарият манбаларда эса у одаматонинг хотини, ер юзидаги биринчи аёл, инсон зотининг онаси сифатида талқин қилинади. Афсоналарда айтилишича, момоҳаво илоннинг алдов сўзига ишониб, таъқиқланган жаннат мевасини татиб, мазасини билган ва Одаматони ҳам уни ейишга кўндиргани учун худо қаҳрига учраган ва жаннатдан ўз эри Одамато билан бирга ҳайдалган. Қадимги ва ўрта асрлар тасвирий санъатида ва айниқса ўйғониш даври санъатида Одамато ва Момоҳавонинг жаннатдан қувилишига атаб кўплаб асарлар ишланган. Уларнинг аксариятида Одамато ва Момоҳаво кийимсиз ҳолда тасвирланади. Жумладан италян рассоми Мозаччонинг “Жаннатдан қувилганлар” асари бутун дунё тан олган энг яхши картиналар қаторига киради. Шунингдек, А.Дюрер ва бошқалар ижодида мазкур мавзуга кўп бор мурожаат қилинган.

“Одам ато ва Момо ҳаво” Генрик Голциус (1558-1617) .,м.б.Голландия. Библия афсоналарида ҳикоя қилинишича, Худо биринчи одамларни - Одам ато ва Момо ҳавони яратади. Одам атонинг қовурғасидан Момо ҳавони пайдо қилади – ва уларни жаннат боғига қўйиб юборади. У ердаги дарахтлар орасида “яхшилик ва ёвузликни англатувчи дарахт” ўсаётган эди. Аммо унинг ҳосилини узиш мумкин эмас. Момо ҳаво “чақирувчи илон”, шайтоннинг аврашларига берилиб, чидаб тура олмади: таъқиқланган ҳосилни узиб олиб тишлади ва ундан татиб кўриш учун Одам атога ҳам беради.

Бундан Ғазабланган Оллоҳ жаннатдаги биринчи одамларни кувиб юборади ва уларни ерда оғир ҳаёт кечирувчиларга айлантди: Одам ато “юзларида тер билан ўз меҳнати эвазига нонини топиши” керак эди. Момо ҳаво эса “азоблар билан болаларни туғиши”га тўғри келади.

Деярли барча динларда бирдек эхтиром кўрсатиладиган пайғамбарлар ҳам талайгина. Шулардан бири Иброҳим алайҳиссаломдир. У баъзи яҳудий афсоналарида Аврам шаклида талаффуз қилинади. Афсонавий пайғамбар – Иброҳим яҳудий, христиан диний адабиётларида Аврам, Исломда эса Иброҳим номи билан зикр этилади. Иброҳимнинг ўғиллари Исҳоқ (Исаак), Исмоил (Измаил), Ёқуб (Иаков) номи билан танилган. Аврам (Иброҳим) Библияда яҳудийларнинг аждоди, куръонда эса арабларнинг аждоди дегувчи афсоналар кенг тарқалган. У дунёда биринчи бўлиб яккахудоликни тарғиб этган пайғамбардир. Милoddан аввалги минг йилликнинг бошларида худо йўлида қурбонлик учун инсон, хусусан болалар ўрнига ҳайвонларни сўйишга ўтила бошлаганлиги ҳақидаги ривоятларга асосланган. Библия афсоналарига қадар Иброҳим қабила худоларидан бири бўлган. Тасвирий санъатда бу афсонага атаб бир қатор картиналар ишланган. Голланд рассоми Рембрантнинг кўплаб рангтасвир асарлари мавжуд. “Ўз ўғлини қурбонлик қилмоқчи бўлган Иброҳим” номли асари бу борада катта ютуқларни қўлга киритди. Бу асар ҳозирда ҳам бутун дунёда энг ноёб дурдона сифатида эъзозланиб келинади.

Шундай асарлардан яна бири италиялик рассом Якопо Виньяли (1592-1664) томонидан ҳам яратилган. Асар “Аврам ва уч фаришта” деб номланади. М.,м.б. Худди шу номда Себастьяно Риччи(1660-1734)нинг “Аврам ва уч фаришта” асари ҳам мавжуд. М.,м.б. Италия. Питер Ластман (1583-1633)нинг. “Иброҳим ва уч фаришта” асари эса янаям рамзийликка асослангани билан эътиборлидир (Ё.;м.б. Голландия). Унга қуйидаги афсона асос бўлган. Ярим иссиқ жазирама кунда чайлада ўтирган Иброҳимнинг олдида уч йўловчилар келишади ва шу ерда тунаб қолишни илтимос қилишади. Иброҳим одам шаклига кирган бу фаришталардан шубҳаланмай меҳмонларни, қувноқлик билан кутиб олади. Дастурхон устида Иброҳимга улардан бири хотини бола кўрмаётганини айтиб ундан ёрдам сўрайди. Иброҳим меҳмонларга хотининг Сарра яқинда ўғилга эга бўлади, дейди. Тез вақтда илоҳий таъбир амалга ошиб, чақалоқ дунёга келади ва унга Исҳоқ деган исм берадилар.

Эрмитажда Ғарбий Европада XVI-XVII асрлар рангтасвири сюжетида кенг тарқалган асарларнинг кўпи сақланади. Уларнинг биридаги картинада толиққан йўловчилар тасвирланади, бошқаларида меҳмондўст Иброҳимнинг чайласидаги

дастурҳони атрофида ифодаланади (Рембрант, Ван Рейн 1606-1669 “Иброҳимнинг қурбонлик келтириши” М.,м,б. Голландия).

Иброҳимни синашга қарор қилган худо, ўзининг яккаю ёлғиз ўғли Исҳоқни қурбонликка келтиришни башорат қилади, - дея илоҳий ҳикоя қилинади. Иброҳим тоғнинг юқорисига кўтарилади, қурбонлик учун жой ҳозирлайди ва аллақачон ўсмирни бўғизлашга тайёр бўлганда, фаришта пайдо бўлди ва қарияни қўлидан ушлаб, буталар орасида адашган кўзичоқни кўрсатади, Иброҳимнинг ўғли ўрнига кўзичоқ қурбонлик қилинади.

Библия афсонаси асосида ўз даврининг гуманистик ғоялари жамланган. Рембранднинг асарлари чуқур инсоний мазмун билан тўйинтирилган. Рассом қудратли эзучи кучни айблашга мажбур бўлган ота драммасини кўрсата туриб, қария образида бағрикенглик ва ор-номусга алоҳида урғу беради. Бўлиб ўтаётган воқеаларни ҳали англамаган Иброҳим уни хаддан ортиқ синов имтиҳонларга дучор қилади. Асарда одамлар осмондан келган элчига қараб ҳайратга тушаётган ҳолати ҳам шундан далолат беради.

Хуллас, тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда санъат асарларида акс этган афсона ва ривоятлар ҳақида ҳолис, тўғри илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда турли халқлар асотирлари, динларнинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти таълимоти ва тарихи ҳақида умумий тушунчалар беришдан иборат. Айни пайтда мазкур фан бакалаврият босқичидаги бўлажак рассом ва санъатшунос талабаларда бевосита соҳага оид турли рамзий образлар ва унинг шаклу-шамойиллари, мазмун-моҳияти, йўналиши ва тараққиёт босқичлари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара олишига яқиндан кўмаклашади. Бу борадаги илмий дунёқарашларини шакллантиради.

Айни пайтда уларнинг касбий фаолиятига оид илмий тафаккурини чархлайди, эътиқоди соғлом, маънавиятида миллий, диний ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг ўзига хос жиҳатларини тарбиялайди. Шунингдек, афсоналарнинг тасвирий санъатда тутган ўрни, диний эътиқодларнинг, ҳар бир оқимлари ва йўналишлари ҳақида етарлича илмий тасаввурга эга бўлиб боради. Зеро, ҳар бир рассом ёки санъатшунос афсона ва ривоятларнинг умумий таърифи, уларнинг келиб чиқиши, муқаддас манбалари, жаҳонда мавжуд бўлган барча асотирларнинг умумий хусусиятлари, таниқли рассомларнинг улардан илҳомланиб чизган ва яратган тасвирий санъат асарлари, турли халқларининг ривоятларга оид азалий қадриятлари тўғрисида етарли билимга эга бўлади, уларни илмий таҳлил қилишни ўзлаштирадики, бу билим ва кўникмалар бугунги кундага жаҳон бадиий жараёнларида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликларни англашда жудаям муҳим.

Афсона ва ривоятларнинг тасвирий санъат тараққиётида тутган ўрни, унинг инсониятга ўтказган ижтимоий-психологик таъсири, уларнинг тартибга солувчилик, тасалли берувчилик каби жамиятдаги устувор вазифалари, дунё маданияти ва санъат шаклланишидаги ўрни, авесто, буддавийлик, христианлик, ислом каби дунё динлари ва конфуцийчилик, яҳудийлик, ҳиндуийлик, брахман, ведалар, даосизм каби миллий динларнинг келиб чиқиши, тасвирий санъатда

мазкур дин ривоятлари образлари ва рамзий тимсолларининг яратилиш тарихи ва таҳлилини билиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Диний бағрикенглик тамойилларига амал қилиш, дунёқарашлар эркинлигини таъминлаш жараёнида жамиятнинг барча аъзоларини айниқса ёш авлодни баркамол шахс сифатида шаклланишига кўмаклашиш, Ватанига ва миллий кадриятларимизга садоқатли, ҳар томонлама етук комил инсонларни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Афсонавий дунёқараш қадимий давр инсонларининг тафаккури, орзу-умидлари асосида вужудга келади. Қадимги давр ижодкорлари асарларида эса давр афсоналари ва тарихий жараёнлар ўз аксини топади. Шунинг учун санъатшунос, музейшунос ҳамда мусаввирлар учун шу йўналишдаги асарларни тушинишда қадим замонлардан вужудга келган афсоналарни ўрганиш ва ўзлаштиришда муҳимдир.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Афсона сўзининг маъноси нимани англатади?
2. Ривоят деганда нима тушунилади?
3. Афсона ва ривоятларнинг тур ва туркумларини айтинг?
4. Тасвирий санъатда афсона ва ривоятларнинг аҳамияти нимада?

Адабиётлар:

1. Миллий ғоя; тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.; Академия., 2007
1. Жўраев У. Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т.1998
2. Мифы народов мира в 2х томах . М. 1973
3. Мифологический словарь М. Советская энциклопедия 1991
4. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Т.: Янги аср авлоди. 2009
5. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. Т.: 2009
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг барча жилдларида келтирилган маълумотлардан кенг фойдаланилди.
7. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009

2-Мавзу: ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ИЛҚ ЭЪТИҚОДЛАРИ

Режа:

1. Қадимги даврда илқ дунёқарашларнинг шаклланиши.

2. Инсониятнинг илк эътиқодлари.

3. Қадимги давр тасаввурлари

Таянч сўзлар: дафн маросимлари, ов манзаралари, тотемизм, анимизм, шомонлик, сеҳргарлик, фетишизм, иптидоий дунёқараш, илк диний тасаввур, тош, суяк ва темир бронза даври турмуш тарзи ва меҳнат фаолияти.

Маърузадан мақсад: Ер юзида инсониятнинг пайдо бўлишидан то бадиий тафаккури, фел атвори, ҳаётий тажрибалари ва борлиқ тўғрисидаги илк дунёқарашлари, эътиқодлари шаклланиш жараёнлари, турли маросимларнинг келиб чиқиши ва уларнинг инсоният маънавий оламининг шаклланишидаги амалий аҳамиятини ўргатишдан иборат.

Қадимги даврлардаги илк одамлар жисмоний, физиологик ва бошқа соҳалар бўйича ҳозиргилардан кескин фарқ қилган. Бу нафақат уларнинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл-атвориға, балки, фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишига, оламни тасаввур этишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Илк одамларда ҳаётий тажриба, билим даражасининг етишмаслиги учун доимо тасаввурини такомиллаштириб бориш, олдинда турган ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишга ҳаракат қилиб келган. Бунинг учун доимий интилиш, амалий тажрибани узлуксиз кўпайтириш, табиат кучларига мутлоқ тобелик эмас балки ундан қутилишга тиришиш, атроф-муҳит ва табиат инжиқликлари, ўзгаришлари сирини билишни хоҳлаган. Натижада инсониятнинг илк қадамидан нафақат мантикий талабчанлик, балки ҳиссий-ижтимоий, ҳаёлий-фантастик муносабатлар шакллана бошлаган.

Ҳар бир жамоанинг ўз яшаш тартиби, қоидалари бўлган. Улар мавжуд қонун - қоидаларидан чиқмаган ҳолда 20-50 кишидан иборат бўлган кичик қабилаларга бирлашган. Биргаликда меҳнат қилишган, бу жараёнда овға чиқиш, озуқа излаш, қурол ясаш, турар жойни жиҳозлаш, оловни сақлаш ва бошқа масалалар ҳал этилган. Шунингдек, доимий ижтимоий муносабатлар, оилавий уруғдошлик алоқалари ва ҳодисалар жараёни - никоҳ алоқалари, туғилиш ва ўлиш қабилар, жамоанинг руҳ ҳомийлари, ғайритабиий кучлар ва воқеълик ўртасидаги ғайриоддий алоқалар тўғрисида ибтидоий тасаввурлар мустаҳкамланиб борган. Реал ҳаёт билан бир қаторда ўзга дунё мавжудлиги, марҳумлар тириклар ҳаётига таъсир эта олиши тўғрисидаги қарашлар юзага келган.

Авесто, Таврот, Инжил, Библия, Қуръони Каримда инсониятнинг яратилиши, унинг ер юзидаги илк ҳаёти ўзига хос тарзда талқин қилинади. Дунё ва инсониятнинг ягона яратувчи (Авестода Ахурамазда, Тавротда Яхве, Инжилда Ота худо, Қуръонда Аллоҳ) тамонидан яратилганлиги баён этилади. Одамзоднинг диний тасаввурича, Худо инсониятнинг отаси - Одамни яратгач, унга маълум йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни берган. Бу кўрсатмалар дин деб аталади. Диний таълимотга кўра, инсоннинг пайдо бўлиши ҳам, диннинг шаклланиши ҳам босқичма-босқич, соддадан мураккабга қараб ривожланиб борган. Барча илмий адабиётларда диннинг пайдо бўлиши борасида билдирилган фикрлар илмий гипотезалардан иборат. Диний адабиётлардаги ушбу масаланинг талқини эса ҳар бир инсоннинг диний эътиқодига боғлиқ.

Ов қилиш маросимлари ва ўйинлари. Қадимшунослар томонидан олиб борилган изланишлар жараёнида ер юзининг турли жойлардаги ғорларда

ибтидоий одамлар томонидан чизилган расмлар топилган. Ғорлардаги суратларнинг кўпчилиги ов саҳнаси, одам ва ҳайвонларнинг тасвирлари, ҳайвон терисини кийган ярим одам ва ярим ҳайвон қиёфасидаги мавжудотлар суратлари акс эттирилган иборат. Суратлардан маълумки, қадимги одамлар ўзлари ва ҳайвонлар ўртасидаги табиий ва ғайритабиий алоқалар мавжудлигини тасаввур этганлар. Бу тасаввурлар тириклар билан марҳумлар ўртасидаги воситачилар, сеҳргарлар, шаманлар фаолиятининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида, хусусан жанубий вилоятларда бу борада бой манба борлиги бизгача аниқланган. Жумладан, М.Раҳмонов ўз тадқиқотида Сурхондарё вилоятидаги Айритом, Зараутсой ва эски Термиз ҳаробаларидан қўлга киритилган қазилмалар энг қадимий ов манзаралари эканлигини ёзади ва овчилик саҳнаси акс этган кўтос овлаш манзарасини мисол тариқасида келтириб ўтади.

Шеробод туманидаги Зараутсой сойидан топилган суратда қадимий аجدодларимизнинг ҳайвонлар қиёфасига кириб ов қилиш жараёни ўз инъикосини топган. Биробарин, юқори полиолит давридаёқ ниқоб, бошқа қиёфага кириш хунарининг дастлабки унсурлари кузатилган. Яъни, юқоридагилардан келиб чиқиб, тасвирий ва театр санъатининг дастлабки унсурлари қадимий даврларданок юртимизда шакллана бошлаган деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо, овчилик билан “овчилик ўйинлари”ни фарқлаш керак. Негаки, овчилик ўйинлари ов қилишдан анча кейин пайдо бўлган ҳодисадир. Ов олдидан ва овдан кейин жамоа табиат ҳодисалари ва айрим ҳайвонларга сиғиниб, турли йиғинлар ўтказишган. Бундай йиғинларда улар турли-туман тақлидий рақслар, образлар яратган. Шу тариқа аجدодларимизнинг (пантомима) ўйин санъати шакллана бошлаган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида овдан олдин ўтказиладиган ўйинларда қабиладошлар бўлажак овга тайёргарлик кўришган бўлса, овдан кейинги ўйинларда ҳамма овнинг ўнгидан келганлиги учун хурсандчилик қилишган, руҳан бойишган. Ов жараёнида одамларнинг қўллари такомиллашиб борган, шу билан бирга идрок-фаҳм этиш лаёқати ҳам шакллана бошлаган. Натижада эстетик сезги ва ижодий қобилияти вужудга келган. Буни баъзи овчилик ўйинларида дастлабки чолғу асбоблари ишлатилганлигидан билса бўлади. Шу тариқа рақс кўшиқ ва театр каби санъат турларининг энг содда унсурлари пайдо бўлиши учун мустаҳкам пойдевор ҳозирлаган.

Ов билан боғлиқ ҳолда майдонга келган ва жанговар кайфиятда ўтадиган ўйинлар ниҳоятда кўп бўлган. Уларда аجدодларимизнинг ов жараёнига пухта тайёргарлик кўриши ўз аксини топган. Мана шундай ўйинларнинг айримлари бизнинг давримизгача етиб келган. Қадимда мавжуд бўлиб, даврлар ўтиши билан турли ўзгаришларга учраган ва ўспиринларнинг “Раста” деб аталувчи ўйини шулар жумласидандир. Маросимда ўспирин жиддий имтиҳонлардан ўтказилган. Имтиҳонлар ўзига ҳос мусобақалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмуни қабилачилик даври урф-одатлари ва оғзаки ижодига бориб тақалади. Ўспиринлар ов қуроаларидан фойдаланиш маҳоратларини, қабила ўйинларини, кўшиқларини афсона ва ривоятларини билишларини, эътиқодларини намойиш этиб, балоғат ёшига етганлигини исбот қилганлар. Маросимда турли жанговар рақслар ҳам ижро этилган. Барча шартлардан муваффақиятли ўтган ўсмирлар болалик

одатларини ташлаб, катталар билан бирга овга борганлар. Улар мустақил шахс сифатида тан олинган.

Маросим катта томоша сифатида тантанавор руҳда ўтказилган. Ўспирин ўзининг жасурлиги, куч-қудрати, ижодкорлик қобилияти ва ижрочилик маҳоратини намоиш этиш орқали қабиладошларини ҳаяжонга солган. Ўз навбатида бундай синовлар ёшларнинг ҳаётга тайёргарлик кўриш даражаси ва санъатга бўлган муносабатини белгилаб берган.

Тотемизм. Илк эътиқодий дунёқарашлардан бири бўлиб, ибтидоий жамоа даврида вужудга келган. Унинг негизида инсониятнинг табиатдаги ўзгаришларга сиғиниши ва унинг илоҳийлаштириши мужассамлашган.

Тотемизм - хиндулар тилидан «О тотем» яъни «унинг уруғи» деган маънони англатади. Унинг моҳиятига ишонувчилар билан айрим ҳайвонлар ёки ўсимлик дунёси орасида ғайритабиий алоқа, яқинлик, қон-қариндошлик бор деб фараз қилишади. Тотем сўзи - Шимолий Америкада яшайдиган Ожибва қабиласи тилида «унинг уруғи» маъносини англатади. Уруғдош гуруҳлар ўзларини умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ва ўсимликдан келиб чиққан деб билганлар. Тотемлар ва одамлар орасидаги алоқалар узоқ ўтмишга тегишли бўлиб, уни қадимги ривоятлар тасдиқлайди. Масалан, Австралия Аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардаги тасаввурлар шундан далолат беради.

Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар, маросимлар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилган. Табу-таъқиқлаш, яъни тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни таъқиқлаш тизими пайдо бўлди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабила бошлиқларига тотемни ейиш руҳсат этилган. Тотемизм уруғчилик жамоаси - ижтимоий жамоаларнинг энг биринчисида диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Тотемизмнинг асосий вазифалари - бирлаштирувчилик ва тартибга солувчиликдан иборат эди. Тотемизм илк диний шакллардан бири бўлишига қарамасдан ҳозирда ҳам унинг қолдиқлари баъзи халқларнинг урф-одатларида, эътиқодларида сақланиб қолган. (Масалан, Ҳиндистонда сугир, Австралияда кенгуру, қирғизларда оқ буғу афсонавий бахт келтрувчи ҳайвон сифатида улуғланади).

Анимизм - латинча «анима» сўзидан олинган бўлиб, «жон», «руҳ» деган маънони англатади. Аждодлар руҳлари, тирик инсоннинг жонлари борлиги ва табиий кучларнинг жонлантирилиши каби анимистик афсоналар ибтидоий даврда пайдо бўлган. Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини руҳлантириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклидир.

Ибтидоий одамлар табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ҳодисалар (туш кўриш, галлюцинатсия, ўлим ва ҳоказо)ни тушунмаган. Улар жон тана билан боғланган у танадан чиқиб кета олади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста-секин абстракт тафаккур ривожланиши билан моддий нарсаларга боғлиқ руҳ тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Руҳлар яхши, саҳий ҳамда ёмон, ёвуз руҳларга бўлинган. Руҳлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади деб тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга қурбонликлар қилганлар.

Анимизм тотемизм билан бир вақтда шаклланган. Анимизм табиатнинг қудратли кучларини-осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол момақолдирок ва чақмоқларни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билар эди. Ибтидоий одамлар тоғлар, дарёлар, адир, ўрмонлар, дарахт, харсанг тош жарликлар ҳам жонли, тафаккурли, сезувчи ва ҳаракат қилувчи, яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин деб тушунганлар. Қурбонликлар қилиб уларнинг ҳаққига дуо қилиб, маросимлар уюштирилган. Анимизм замонавий динларнинг асосий ақидавий қисмини ташкил этади. Жаҳон динларида ҳам руҳлар ҳақидаги таълимот мавжуд.

Шомонлик ёхуд сеҳргарлик («шомон» сўзи тунгус тилидаги маъноси «сеҳргарлик»). Сеҳргарлик (афсун, магия) реал натижа олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида амалга ошириладиган ритуал урф-одатлар мажмуасидир. У тотемизм ва анимизм билан бир вақтда пайдр бўлган бўлиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан ҳаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. У қадим ўтмишда пайдо бўлган бўлиб, минглаб йиллар давомида ривожланган.

“Афсун” араб тилидан олинган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилидаги мафтун қилиш, сеҳрлаш, авраш деган маъноларни англатади. Афсуннинг таркибий мазмуни рўй бераётган воқеа-ходисаларнинг табиий жараёнига мўъжизавий таъсир кўрсатиш хусуситига эга деб ҳисобланадиган сўзлар, иборалар йиғиндисидан ташкил топади. Афсунга балони даф этиш ёки балога гирифтор қилиш, ҳасталикдан шифо топиш, омадга ёр бўлиш усули сифатида қаралган. Афсунгарлик урф- одатлари ва маросимлари билан махсус кишилар-шомонлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Ўтмишда кўпроқ аёллар шомонлик билан шуғулланганлар. Шаманлар, афсунгарлар жазавали , асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлишларига уларга жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига чуқр ишонганлар. Шомонлар ритуал ҳаракатлари орқали - овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавга солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган. Шомон маросим охирида бир ҳолатга келиб ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар эди. Шунинг учун унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Афсунгарлик одамларнинг фикр юритиши, онгининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади. Бу диний онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Сеҳргарлик замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

Фетишизм. Манбаларда икки хил мазмунда талқин қилинади. 1. Фетишизм - португалча «фетишо» сўзидан олинган бўлиб, «сеҳрли нарса» деган маънони англатади. Фетишизм жонсиз нарсаларнинг ғайритабиий хусусиятига эга деб ишониш ва уларга сизинишдан иборатдир. Мазкур эътиқодий дунёқарашлар таъсирида ибтидоий давр ижодкори ўз асарларини яратди. 2. Фетиш сўзи французча *fetishe*- бут, санам, тумор маъносидаги сўзни англатади) У табиатдаги жонсиз предметларга сизинишдир. Фетиш ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир этиш кучига эга. Сизиниш объектлари, яъни фетишлар - тош, таёқ, кўзмунчоқ, тумор ва

хар қандай буюм бўлиши мумкин. Фитешизм динининг қадимги унсурларидан бири. Барча ибтидоий халқларда бўлган.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда, туморларда жамоалар ғайри табиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм якунловчи босқич бўлиб қолди. Дунё ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узоқ вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди. Барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар ҳозирги даврда сақланиб қолган.

Икки бошли илон шаклидаги туморни айнан фетишизм қолдиқлари дейиш мумкин. Йирик тумор икки захарли илон кўринишида бўлиб, XIX асрда Фарғона водийсининг Сўх қишлоғидан топилган. Тош маҳорат билан сайқалланган, илон танасидаги яссисимон ўймалар ганч билан тўлдирилган, бурғуланган кўзлари ва тиши учун мўлжалланган чуқурчалар қимматбаҳо тошлар билан ишлов берилган.

Қадимги давр тасаввурлари. Ибтидоий одамнинг тасаввури, эътиқодлари мажмуаси, ҳаётдаги қийинчиликлари, муаммолари, ютуқлари оғзаки ижодда акс этиб, у одамларнинг онгида қолиб, турли афсоналарнинг яратилишига сабаб бўлган. Ибтидоий мифологияни ташкил этган ижод доим одамларнинг маънавий ҳаёти, ибодати, ҳиссиётлари ва диний тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Масалан, оловни топиш, оила ва никоҳлар шаклини ўрнатиш, меҳнат ва ов қуролларини яшаш, бошқа жасоратларга оид ақидаларни ташкил қилиш. Космогоник сюжетлар ибтидоий мифологияда катта ўрин эгаллаган, яъни ер ва осмон. қуёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот, одамнинг яратилиши тўғрисида ривоятлар, афсоналарда диний тасаввурларнинг таъсири намоён бўлган. Ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият, аёл ва эркеклар орасидаги алоқалар ибтидоий тасаввурларда тасвирланган эди.

Неолит давридаги диний тасаввурлар. Неолит-янги тош даври, янги тош ишлаш, янги усуллар даври бўлиб, у одамларнинг турмушини, уларга таъсир этадиган барча соҳаларни тубдан ўзгартирди. Дехқончилик-зироатчилик, чорвачиликни ривожланиши, ўсимликларни ўстириш, озуқа захираларини ҳосил этишни, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш одамлар ҳаётида озуқа захираларини ҳосил этиш, гўшт, сут, теридан фойдаланишни ўргатди. Лойдан идишлар, уй қуриш учун фойдаланишни билиб олинди. Тош буюмларни силлиқлаш ва сайқал бериш шаклланди. Одамлар ўтроқ ҳаёт кечиришга ўта бошлаб, зич ва кўпчилик гуруҳлар билан ўрнашарди. Қишлоқлар кенгайиб, атрофларида кичик қишлоқчалар ўрнашар эди. Аҳоли кескин кўпайиши янги ерларни ўзлаштиришга, ҳаёт тарзини ўзгариши диний тасаввурларнинг ривожланишига янги имкониятлар яратди.

Диний маросимларни қадимда қоҳинлар олиб борган. Худолар ва одамлар ўртасида воситачи ҳамда қурбонлик бағишланадиган барча маросимлар анан қоҳинлар томонидан тартибга солиниб, бошқарилиб турилган.

Дехқончиликнинг эҳтиёжлари-ҳосилни узоқ вақт сабрсизлик билан кутиш, аниқ вақтни ҳисоблаш муҳимлигини, ер фаслларининг цикллари билиш-буларнинг ҳаммаси дехқон қабилаларининг осмону ерга, қуёшу ойга, ёмғиру шамолга янги қизиқишини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Қудратли руҳларга боғлиқлик сезиларли ва кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илтижо ва қурбонлик уларга аталиб, улар қудратли худоларга айлана бордилар. Худолар учун меҳроб ва черковлар ташкил этилиб, уларга махсус мутахассис хизматкорлар-келажакдаги қўҳинлар хизмат қиларди. Баъзи тангриларнинг кўриниши ҳайвон, қуш, балиқларнинг ё боши, ё танаси шаклида бўлар эди. Мифологик жиҳатдан бу қаҳрамонларнинг тангрига қариндошлиги сақланиб қолган. Фетишизмнинг характери ўзгариб, тангриларнинг бутлари, меҳроблар, черковлар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди.

Баъзан бутлар ўрнига рамзий ҳайкалчалар, турли шаклдаги тошлардан фойдаланилди. Бу ҳайкал ва қурилмалар ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб қолди.

Афсун ҳам ўзгариб, афсунгарлар энди илоҳлар билан алоқа маросимлари, диний маросимлар, ибодат ва қурбонлик қилиш тартиблари юзага келди. Янгиликлар фол ва башорат юзага келди. Фол ва башоратнинг мақсади истакни билиш эди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Фетишизм диннинг қандай кўриниши?
2. Анимизм қандай эътиқодга асосланади?
3. Шомонлик деганда нимани тушунаси?
4. Тотемизмда нимага сажда қилинади?

Адабиётлар:

1. Жўраев У. Саиджонов Й. «Дунё динлари тарихи». Т., 1998
2. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т., 2009
3. Мень А. История религии М., 1994
4. Мифы народов мира в 2х томах . М., 1973
5. Мифологический словарь М., Советская энциклопедия,- 1991
6. Мифологический словарь М., 1965
7. Парадовский, Ян. Мифология. М., 1971
8. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т., 2009
9. Диншунослик асослари. Тошкент., 1995

3-мавзу: ҚАДИМГИ МИСР АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа:

- 1. Қадимги Миср динининг ўзига ҳослиги**
- 2. Миср дини ва дафн маросимлари**
- 3. Миср тасвирий санъати ва меъморчилиги**

Таянч тушунчалар: Нил, Миср эҳромлари, Ра, Птах, Амон, Осирис, Гор, Исида, Сохмет-шер, Хафра, Сиа, Маат, Яджет, Себек, Тотпавион, Нут, Геб, Тот, Хонсу, Ка, Ба, Пиктография, Петубастис, Синухет ҳикояси

Маърузанинг мақсади: Қадимги Миср афсона ва ривоятларининг жаҳон тасвирий санъати айниқса, Шарқ халқлари тамаддуни ривожига тутган ўрни, илмий ва амалий аҳамияти, рамзий тимсоллари ва бадий анъаналарини талабаларга янада чуқурроқ ўргатишдан иборат.

Миср – Африканинг Шимолий Шарқий қисмидаги Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган энг қадимий давлатлардан биридир. Бу юрт афсона ва ривоятлари тарихи бир неча минг йилликларни кенг қамраб олади. Яъни Миср бадий маданияти салкам беш минг йил давомида шаклланди. Қадимги мисрликлар санъатининг шаклланишига ижтимоий - иқтисодий тараққиётнинг ўзига ҳослиги – Нил водийсининг маҳаллий аҳоли томонидан ўзлаштирилиши, водийдаги серунум ерларда деҳқончиликнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бу эса Миср иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Натижада турли соҳаларда янги ютуқлар қўлга киритила бошланди. Илм - фаннинг янги қирралари кашф этилди.

Миср санъати тарихи санъатшунослар томонидан қуйидаги даврларга бўлиб ўрганилади

1. Сулолаларгача бўлган давр (эрамиздан аввалги мингинчи йиллар);
 2. Қадимги подшолик (эрамиздан аввалги 3200-2400-йиллар);
 3. Марказий подшолик (эрамиздан аввалги XX1 – X1X аср бошлари);
 4. Янги подшолик (эрамиздан аввалги ХУ1 – Х11 аср);
- Сўнги давр (эрамиздан аввалги Х1 аср -332 - йиллар)

Миср дини. Мисрликлар нафақат тарихи балки диний эътиқодлари, бадий маданияти билан ҳам бутун дунё цивилизациясини бир қадам олдинга бошлаган халқлардан биридир. Манбаларда қайд қилинишича, қадимги Миср илоҳиётида антик дунё динлари кенг тарқалиб, христиан ақидалари, урф одатларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Уларнинг диний анъаналари тартиб ва қоидалари ниҳоятда мустаҳкам ва қатъий бўлган. Фетишизм, тотемизм айниқса, ҳайвонларга топиниш Мисрда узок вақт давом этган. Политеизм ҳам кенг тарқалганлиги тўғрисида айрим маълумотлар учрайди. “Миср худоларининг пантеони жуда катта бўлиб, у илк уруғчилик даврида вужудга келган маданиятга бориб тақалади. Мисрликларда деярли ҳар бир маъбуд ҳайвон кўринишидаги қиёфаларда тасвирланган. Унга одамлар тотем - ҳайвонга, қабила бошлиғига сиғинишган. Буни тасдиқловчи ҳайкаллар Миср худудидан жудаям кўплаб топилган.

Баст – мушук кўринишидаги маъбуда,

Анибус – ўликлар оламининг подшоси, бўри бошли қилиб тасвирланган.

Тот - ақл ва ёзув худоси, Ой ҳам шу маъбуд томонидан изга солинади деб тушинишган.

Сохмет - шер бошли уруш илоҳаси.

Ра - барча мавжудодларга иссиқлик ва ёруғлик берувчи Оламни яратувчи, қуёш худоси, олий худоларидан бири. Афсоналарга кўра, Ра хаосдан келиб чиққан. Қоронғулик устидан ғалаба қилгандан сўнг қуёш пайдо бўлган. Ра дунёни яратиб, унинг ҳукмдорига айланди. Оллоҳнинг кучи шунда эдики, унинг сирли илоҳийлиги ҳақида ҳеч ким билмаслиги керак эди. Ранинг чевараси Исида олий ҳукумдор бўлишни хоҳлади ва бу номни айёрлик билан эгаллашга қарор қилди. У илонни яратади ва қария Рани чақишга буюради. Илон Рани чақади. Рага фақат Исида ёрдам бера олар эди. Бироқ Исида унга ўз сирини айтмагунча даволамас эди. Ра узоқ вақт рози бўлмай туради. Ниҳоят у ўз сирини айтишга мажбур бўлади. Ра ўз кучини йўқотиб, у дунёни бошқариш ҳукуқидан маҳрум бўлади. Ибодатхоналар бўшаб, одамлар унга қурбонлик келтирмай қўядилар. Худо жазо учун инсониятнинг ҳамма зотини йўқотишга қарор қилди ва ерга даҳшатли Сохметни юборди. Нотинчлик бошланди. Ҳалокатга маҳкум қилинганлар Радан ёрдам сўраб илтижо қилдилар. Худо уларни эшитди ва Сохметни тинчлантирди. Сохмет одамлар орасида бошқа яшашни хоҳламади ва осмонга учиб кетди. Ра у ерда Нилнинг устида ўзига ёқгандек сузиб юрди, у осмонни қуёшли ёруғ ва иссиғи билан хушнуд қилиб юрди. У осмонда кеча-кундузлик йўлга чиқиб, ғарбий тоғларга сузди, у ерда мисрликлар тасаввурлари бўйича, ер ости подшолиги, кундузги сайрдан тунгисига ўтди ва нилнинг остидаги ердан сузиб юрди. Ра ярим тунда ўзининг абадий душмани Амон билан жангга киришди. Мазкур даҳшатли илон худони ҳалок қилиш учун Нилнинг ҳамма ер ости сувини ичади, бироқ Ра ундан ғолиб келади ва ютган сувларини чиқаришга мажбур қилади. Ра яраланган илоннинг танасидан ўтиб олди ва бошқа саёҳатга, яъни шарқий тоғларга ўтиб, осмонга кўтарилди. Қуёш кўтарилгач, худо янгидан Нилнинг осмонида сузди. Қадимги Мисрликлар Рани бошида қуёш гардиши билан бўлган одам образида тасаввур қилишган.

Бир куни Ра билан Сохмет ўртасида жанжал келиб чиқади. Ғазабланган худо мурожаат қилади ва Мисрни ташлаб кетади. Нубияга кетаётганда унинг олдидан нима учраса, ҳаммасини йўқ қилади. Унинг иссиқ нафаси билан ер чўлга айланади.

Ра Сохметнинг кетиши билан ғамгинликка тушди ва Нубияга ўғлини оқиллик худоси Тот билан бирга жўнатади. Худолар Сохметни Мисрга қайтишга кўндирдилар. Ҳали Нубиядалигида Сохмет акаси билан унаштирилди. Тантанали жараёнлар вақтида худолар Мисрга қайтишади. Уларни ҳамма шаҳарларда қувноқ кўшиқлар, рақс билан совға сифатида вино ва пиволар билан кутиб оладилар.

Ҳар йили баҳорда табиатнинг гуллаши чоғида қадимги Мисрликлар Сохметни Нубиядан қайтиши ва унинг тўйи муносабати билан байрам қилишган. Бу байрам “ягона узум гуллари ва Нилнинг тўлган куни” деб номлаган.

Сохмет ҳақида бошқа бир машҳур ривоят ҳам ўзининг характери бўйича худонинг қўрқинчли ғзаби ҳақида ҳикоя қилади.

Одамлар Рани ёдга олмай қўйганларида, у Сохмет ёрдами билан бўйсунмаганларни ҳалок қилишга қарор қилди. Шеър қиёфаларига киритдилар, худо эса инсониятнинг зотиға ҳалокатни даф қилди. Ра норози бўлиб қизларининг ғазабини қисқартиришга ҳаракат қилди, аммо у ҳукмрондан узр сўради.

Шунда худолар Сохметни маст қилишга қарор қилдилар. Далаларға кўплаб арпали пиво, инсон қони тўкилгандек, тўкиб чиқилган эди, шуни у ичиб юборди. Маст бўлиб қолган қизи каттиқ ухлайди, уйқудан тургандан сўнг, ўзининг ғазабини унутди ва инсонлар қутқарилди.

Амон - худди Ра қаби қадимги Миср афсонасида - қуёш худоси, қирғий бошли қиёфада тасвирланган. У ўз паноҳида асровчи ҳимоячи тангри ҳисобланган. Амон умумий Миср расмий худосига айланган. Мисрнинг баъзи ерларида Амон хотинини илоҳа маъбуда Амаунят десалар, бошқа ерларида илоҳи Мут деганлар, уларнинг ўғиллари - худо Хоҳу деб аталган. Амонда қўй ва ғоз муқаддас ҳайвон ҳисобланган. Атик даврларға оид ёзувларда - Амон ўзида бутун табиатни гавдалантиради, табиатдаги турли офатлар унинг намоён бўлиши деб ҳисобланган.

Амон Ра - қадимги Миср худоларидан бири Амон Ра нинг эътиборини орттириш учун уни қадимги Қуёш худоси Ра билан тенглаштирилган ҳамда унга худолар подшоси фиръавннинг отаси сифатида эътиқод қилинган. Даставвал Амон Ра иккита худо бўлган: Фива шаҳри ҳомийси Амон ва Қуёш худоси Ра, сўнгра иккаласи ягона худоға бирлашган. Ўрта подшолик даврида унга сиғиниш расмий тус олган. Мил. авв. Х11 – Х111 асрларда подшолар урушлар олиб борган вақтларида Амон - Ра босиб олувчиларнинг ҳомийси ва ғалаба келтирувчи тангри сифатида машҳур бўлган. Ҳарбий ўлжаларнинг талайгина қисми Амон-Ра эҳромиға келтириб берилган. Шу туфайли руҳонийларнинг бойликлари ва нуфузи оша борган.

Амон Ра тимсолиға ҳайкалтарошликда бир қатор ишлар бажарилган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда бронзадан ишланган ҳайкал Қадимги мисрликларнинг асосий илоҳларидан бири - Фиръавнларнинг ҳомийси, қуёш худоси ҳайкали мавжуд. Худо Ра билан кескинликда бўлади. Асарда фиръавнларни тожду – тахтда ўтирган ҳолатда кийинтириш биринчи режаға кўтарилган. Ҳайкалда Амоннинг қўй кўринишидаги боши, тепасида эса қуёш доира шаклида тасвирланган.

Мина. Қадимги Мисрда ҳосилдорлик ва чорвачилик худоси, одамларнинг туғилиши ва чорванинг кўпайиши ҳомийси, чўл ҳокими ва қизил денгизға борадиган карвон йўлининг ҳимоячиси сифатида эъзозланган. Бир қўли юқорида, икинчиси эса қамчи ушлаб турган одам қиёфасида тасвирланган. Мисрликлар Минанинг ёғочдан ишланган буюмиға сиғинганлар.

Сфинкс - Қадимги Мисрда танаси шерники, калласи одамники (баъзан ҳайвонники) бўлган афсонавий маҳлуқ тимсолидаги ҳайкали шундай ном билан машҳур бўлган.

Буқа. Айрим уй ҳайвонлари илоҳий ҳисобланиб, улар махсус ибодатхоналарда сақланганлар. Ибодатхоналарда улар яхши парвариш қилинган. Масалан, илоҳий ҳайвонлардан бири - буқа худди шундай парвариш қилинган, у куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Мисрликлар бундай буқаға сигир танлашда ҳам

катта аҳамият беришган. Агар бука ўлиб қолгудек бўлса, уни мўмиёлаб, маросимлар ўтказиб алоҳида бир қабрга кўмишган. Ва унинг ўрнига янги туғилган хўкизча излашган. Бу жуда мушукул иш ҳисобланган, чунки хўкиз қора рангли бўлиб, пешонасида учбурчак шаклдаги оқ белгиси бўлиши керак эди. Бундай хайвонни топиш жуда мушукул ҳисобланган.

Мисрликлар дарахтларга, ўсимликларга ва гулларга ҳам эътиқод қилишган. Кейинчалик даврлар ўтиши билан маъбудалар инсоний қиёфада тасвирлана бошланганлигига гувоҳ бўламиз.

Бутун дунёда бўлгани каби мисрликларда ҳам қуёшга сиғиш кенг оммалашган. Мисрнинг ўзи “Қуёш мамлакати”, унинг фиръавнлари эса “қуёшнинг ўғли” деб аталган. Қадимги подшоликда Ра – қуёш худоси ҳисобланган, кейинчалик у Амон-Ра номи билан алмашган. Янги подшолик даврида эса, фиръавн Амонхотеб – 4 (Эхнотоп) диний ислохот ўтказиб, яккахудоликни жорий этади. Яъни у ҳаммани Атон (қуёш шуъласи)га сиғинишга даъват этади. Қуёшнинг белгиси (рамзи) турлича бўлиб, у қанотли шер қиёфасида тасвирланган. Шер кўпинча қуллар билан яқин деб тасаввур қилинган. Яъни бу қуллар нур шаклидаги лочин кўринишида ифодаланган. Унга атаб кўп мадҳиялар тўқилган ва айтилган.

Исида – барча оналар ва аёллар худоси.

Сет – зулмат ва ёвузлик худоси.

Гор (Хор) – Осириснинг ўғли бўлиб, зулматни енгувчи худо ҳисобланган ва лочин қиёфасида тасвирланган. “Осирис ва Гор” тўғрисидаги афсона қадимги Миср динини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Афсонада айтилишича, Осирис – ҳосилдорлик худоси, қачонлардир Мисрнинг подшоси бўлган. У одамларга ерга ишлов беришни, боғлар яратишни ўргатади. Ўзининг акаси Сет томонидан ўлдирилади. Сет – зулмат ва ёвузлик худоси ҳисобланади. Осириснинг ўғли Гор Сетни майдонга яккама якка курашга чақиради ва бу жангда уни мағлуб этади. Шундан сўнг, Гор мутлоқ ғолиб чиқиши учун ўзининг кўзини Осирисга бериб, уни қайта тирилтиради. Қайта тирилган Осирис эса ерга қайтмайди, у ер ости салтанатининг ўликлар подшоси бўлиб қолади. Шундай қилиб, унинг ердаги меросхўри сифатида Гор тириклар салтанатини бошқара бошлайди ва одамларни кўплаб эзгу ишларга бошлайди. Мамлакат тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритади (Р.Ражабов. қадимги дунё тарихи., 57-58 бетлар).

Исида ўғли Гор билан. Бронзадан ишланган ҳайкал. Мил.ав.VII-VI асрлар.

Исида қадимги Миср ривоятларидаги ер худоси, Нутнинг қизи, Нут Осириснинг эри. (Осирисга қаранг) Миср фиръавнларнинг илоҳийлашган онаси. Исида ўзида ҳосилдорлик ва оналикни намоён этган. Мисрликларнинг тасаввурлари бўйича, сеҳргарлик сирлари билан шуғулланган ва бу унга худолар устидан куч ва ҳукмини ўтказишга имкон берган. (Ра: қаранг). Баъзи асарларда Горнинг ўғли билан тиззасида ўтирган ҳолда тасвирланган.

Мисрликлар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлагач, турли хил табиат кучларини ўзида ифодаловчи маъбудалар вужудга келган.

Нут. Осмон жисмлари маъбуди

Геб. Бутун ер юзини бошқарадиган маъбуд

Хапи. Деҳқонларнинг барчаси Нил дарёси илоҳига сиғинишган.

Сопду. Мисрнинг шарқий чегараларини ҳимоя қилувчи худо. У лочин ёки бошида иккита пати бўлган узун сочли ва соқолли одам шаклида тасвирланган. Мисрликлар Сопдунинг ўтқир” тишларига топинишган.

Мисрда қадимдан ниҳоятда кўп **жоду китоблари** яратилганлиги ангиқланган. Мисрликлар дунёда энг қадимги ва ниҳоятда қизиқарли ғоялар, бадиий образлар билан суғорилган бой адабиётларни яратдилар. Бунинг учун кулай омил бўлиб афсона ва ривоятлар хизмат қилди. Илк асарлар эрамиздан аввалги 4 минг йилликда пайдо бўлган. Эртақлар, дидактик насихатномалар, зодагонлар таржимаи ҳоллари, диний матнлар ва поэтик асарлар қадимги подшолик давридаёқ пайдо бўлган. Уларнинг айримлари қисм ҳолида бизгача етиб келган. Мисрлик қоҳинлар ва олимлар томонидан ўқиладиган афсунлар, дуолар, илтижолар, шарҳлар йиғилиб, ўз вақтида тўплам қилинган. Шулардан “Эҳром матнлари”, “Сарқафа матнлари”, “Мурдалар китоби” бирмунча тўлиқроқ ҳолда сақланиб қолган.

“Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя” – қадимги миср адиблари томонидан яратилган ноёб асарлардан биридир. Унда подшо конларга қилинган машаққатли саёҳат ҳақида сўз юритилади. Ҳикоя қилинишича, сайёҳлар денгизда даҳшатли довулга дуч келадилар. Довул уларни “руҳ ороли”га улоқтириб ташлайди. Оролда улкан илон қиёфасидаги олийжаноб подшо яшар экан. Илоншоҳ сайёҳларни яхши қабул қилибди. Уларга кўп олтин, кумуш, фил тишлари, хушбўй нарсалар, ит ва маймунлар бериб, Мисрга кузатиб юборибди.

Янги подшолик даврида фиръавн Аменхотеб ягона дин - куёшга Атон худосига сиғинишни жорий етишга уринган. Фиръавн бу борада янги пойтахт «Ахетатон»ни қуриб, ўз исмини Ехнатон, яъни «Қуёш шульаси»деб ўзгартиради. Аммо кейинги фиръавнлар даврида аввалги динларга қайтилади.

Мисрликлар оддий одамлар кўзига кўринмайдиган худолар улар учун махсус қурилган ибодатхоналарга келиб яшайди деб ишонганлар. Ибодатхонада худоларнинг катта ҳайкаллари жез ва сополдан ясалган кичик ҳайкалчаларини ўрнатганлар. Сиғинувчилар худолар шу ҳайкаллар ичида жойлашиб, уларнинг арзларини эшитиб, инъомларини қабул қилади деб тушунганлар. Худоларга хизмат қилувчи қоҳинлар шу ибодатхоналарда яшаган. Бош қоҳин муқаддас удумларни бажариш - ҳайкални хушбўй суюқликлар билан артиб – тозалаш, кийинтириш, тансиқ таомлар беришга жавобгар эди. Ишлар битганидан сўнг худога ҳурмат бажо этиб, қоҳин орқаси билан юриб узоқлашган. Қоҳинлар фиръавнлар каби халқ орасида катта ҳокимиятга эга эдилар. Сабаби аҳоли уларни худолар номидан гапирадилар деб ишонишган.

Мисрда ибодатхонага элтувчи йўлнинг икки томонига сфинкслар ҳайкаллари ўрнатилган. Дарвозанинг икки томонида салобатли, тошдан ўйиб ясалган бўртма тасвирлар туширилган миноралар бўлган. Уларнинг олдида гранит тошдан ўйиб ясалган фиръавннинг тахтда ўтирган ҳайкали шрин олган. Ибодатхона ичида махсус хона худонинг ҳайкалчаси сақланган. Унга яқин хонада «Муқаддас қайиқ» бўлган. Байрам кунлари ҳайкалча қайиққа ўрнатилиб қоҳинлар томонидан ибодатхона ҳовлисига халқнинг олдига олиб чиқилган.

Худолар ҳақида кўплаб афсоналар яратилган, масалан «Осирис ҳақидаги афсона»да: Миср подшоси бўлган деҳқончилик ҳомийси Осириснинг укаси сарик

сочли, қизил кўзли, эшак бошли Сет ҳасад қилиб ўлдириши ҳикоя қилинади. Осириснинг синглиси Исида ўғли Горни асраб - авайлаб ўстиради ва кейинчалик Сетни енгишида унга кўмаклашади. Ниҳоят, Исида Осирисни мўъжизали тирилтириши ва уни ерда қолишни истамай «нариги дунё»да фиръавн ҳамда кози бўлиши ҳикоя қилинади. Гор фиръавнлар, Исида эса барча аёллар ва оналар ҳомийсига айланади.

Қадимги мисрликлар фиръавнга ҳам худо сифатида муносабат билдиришган. Уни “қуёшнинг ўғли” деб аташган.

Миср тасвирий санъати қадим замонлардан турли тимсоллар, афсона ва ривоятларга ниҳоятда бой бўлган. Дунёнинг яратилиши, оламнинг бунёд бўлиши, одамларнинг қилган гуноҳлари учун у дунёда жазо муқаррарлиги ҳақидаги афсоналар дастлаб айнан Миср ва Олд Осиё ҳудудларида пайдо бўлган. Илк афсоналарда қуёш худоси РА билан илон АПОП образидаги зулмат кучлари ўртасидаги ўзаро кураш, Осириснинг ўлими ва қайта тирилиши ҳақидаги лавҳалар асосий ўринни эгаллайди.

Ўрта подшолик даври ХI – ХII сулола ҳукмронлигига тўғри келади. Бу даврда УI сулола давридан марказий ҳокимият кучсизлана бошлайди. Натижада тасвирий санъатда ҳам айрим ўзгаришлар юз беради. Аммо ҳайкалтарошликдаги асосий тамойиллар ўзгармай қолди. Энди кишилар танаси тик турган ҳолатда тасвирланадиган бўлди. Фиравнлар тасвири фақат қабристонларда ва кўпчилик учун тақиқланган ибодатхоналардагина эмас, балки ҳамма кўриши мумкин бўлган жойларга ҳам ўрнатила бошланди. Натижада фиравнлар улуғворлиги, таъсирчанлигини халқ англай бошлашига туртки бўлди.

“Фива усталари тамонидан яратилган Фиравн Ментухотепа I (Каир музейи) ҳайкали шундай монументал ҳайкаллар сирасидан. Қуйи миср тепасида оқ либос кийган Осирис Фиравн каби тахтда ўтирибди. Бази деталлари кўпол ишланган. Оғир Улкан оёқлари бесўнақай гавдаси Осирис худоси қиёфасидаги фиравнни даҳшатли, улуғвор эканлигини таъкидлайди. Ҳайкал бўялганлиги туфайли унинг таъсирчанлиги янада кучайтирилган

Идеаллаштириш оқими билан бирга фиравнлар ижодида реалистик оқим ҳам мавжуд эди. Фива усталари ХII сулола Фиравнларининг қатор ажойиб портретларини ҳам яратишган. Бу портретларда рассомлар мураккаб ички ҳаяжонини образ юзидаги аломатлар орқали акс эттиришга ҳаракат қилишган”

(А.Эгамбердиев, С.Саидова, Р.Ражабов. Тасвирий ва меъморчилик санъати тарихи. Ўқув қўлланма. Т., Ўқитувчи.; 2007. 21-22 бетлар)

Миср афсоналарида насиҳатнома ва башоратлар, дидактик жанр тўлароқ акс этган. Насиҳатномалардан энг қадимгиси “Птахотеп насиҳатномаси” дир. Кейингилари “Гераклиопол подшоси Ахтоянинг ўғли Меркаяга насиҳати”. “Фиравн Аменхемхет I нинг насиҳатномаси” каби асарларда давлатни бошқариш қоидалари баён қилинган. “Ахтоянинг ўғли Дауфага насиҳати”да мирзоликни бошқа касблардан афзаллиги кўрсатилади.

Янги подшолик (эрамиздан аввалги ХУI – ХУ асрлар) даврида Афсоналар, ҳикоятлар мазмунан бироз бойитилганлиги кўзга ташланади. Бу даврга келиб Оғзаки афсона ва ривоятлар жанрларининг хилма-хиллиги кўпайди. Юқори даражада ёзилган прозаик асар - “Синухет ҳикояси” кенг тарқалди. Миср

адабиёти ғоявий – бадий тугалланиш даврини бошидан кечирди. Насихатномалардан “Ани насихати”, “Аменемопе насихати” да турмуш ахлоқи ва анъанавий ахлоқ қоидалари батафсил баён қилинади.

Эртактлар. Миср адабиётида алоҳида бир жанр сифатида шаклланади. Улардан энг машҳурлари “Фиравн Хуфи ва сеҳргарлар”, “Эгри ва тўғри тўғрисида”, “Икки ака ука тўғрисида” ва фиравнлар Петурбастис тўғрисидаги бир неча эртактлар халқ орасида маъхур бўлди.

“Синухэт ҳақидаги қисса” Қиссада айтилишича, Сенухет Мисрдаги аёнларнинг бири бўлган. У фиръавннинг қаҳр-ғазабидан қўрқиб, Осиёга қочиб кэтган. Чўлу-биёбонда Сенухетнинг ташналикдан ҳалок бўлишига сал қолган. У бундай деб ҳикоя қилган: “Нафасим тикилиб, томоғим қақраб ёнар еди, шунда мен бу ўлим шарбати бўлса керак”, дедим. Чўл-биёбонда пода ҳайдаб кетаётган кўчманчиларга дуч келиши туфайлигина у ўлимдан қутулиб қолган. Осиёда Сенухет бир қабила раҳбарининг хизматига кирган ва қўшин бошлиғи қилиб тайинланган. У ўзининг ҳарбий юришлари тўғрисида қуйидагиларни ҳикоя қилган эди. “Мен қайси бир мамлакатга бостириб бормай, ўша мамлакат фуқаросини яйловлардан ва сув ичиб турган қудуқларидан маҳрум этганман, чорва молларини ҳам, ўша мамлакат аҳолисини ҳам ҳайдаб олиб кетганман”. Сенухет бойлик ва иззат-икром ичида яшаган, лекин у агар ўлсам, Осиёда менинг жасадимни сақлаб қола олмайдилар деб қўрқар эди. Фиръавндан рухсат олган Сенухет яна Мисрга қайтиб келган. У саройда фиръавннинг амри билан уни турғазмагунларича шу аҳволда юзини ерга қўйиб ётаверган. Сенухет учун уй ва мақбара қуришган.

Миср адабиётининг “Арфа чалувчи кўшиғи” поэтик асари ўша даврда юксак адабий жанр шаклланганлигининг далилидир. Кўпгина афсоналар қайта ишланган, диний мадҳиялар Осирис машаққатлари, худо Ранинг ер ости подшолигига саёҳати ҳикоя қилинган туркум афсоналар машҳур бўлган “Кўнгли қолган кишининг ўз руҳи билан суҳбати” номли фалсафий диалог шаклида ёзилган асари диққатга сазовор. Диалогда дунёдаги адолатсизлик, ҳудудсизлик ва ёвуликдан азоб чеккан киши тақдири ҳикоя қилинади.

Миср маданиятида ўлим билан ҳаёт доимо бир-бирига қарама қарши турган. Ажалсиз руҳ миср маданиятида алоҳида ўрин эгаллаган. Мана шу ажалсизликка интилиш кўмиш маросимларининг шаклланишига олиб келган. Диний маросимларда ҳар бир одам алоҳида хусусиятга эга бўлган. Масалан, сах-инсон танаси, шунт-унинг сояси, рек-унинг исми, ах-унинг арвоҳи ҳисобланган. Бу ерда энг муҳим ролни Ра-инсоннинг жони, яъни ажалсизликнинг негизи ўйнаган. Миср динига кўра Ра ўз жасадига бирикиши ва қайта дунёга келиши керак бўлган. Чунки, одам ўлганда, унинг фақат танаси ўлади, аммо руҳи абадий яшаш учун нариги дунёга, ўликлар салтанатига мангу яшаш учун кетади. Шундай қилиб, инсоннинг танасини абадий сақлаш фикри туғилади ва мўмиёлаш жараёни вужудга келади. Шунингдек, уларнинг танаси ҳеч қандай шикастлар етмаслиги учун ёки бошқа шовқинлардан холос бўлиши учун пирамидалар қуриш фикри туғилган. Ўлик 70 кун мўмиёланиб кўмилган. У етмиш кундан сўнг нариги дунёга мангу яшаш учун руҳи жўнатишган. Ўликлар салтанатига борган одамларни иккинчи ўлим кутган. Бу эса асосан “Ўликлар китоби”, “Дарвозалар китоби”, “Ер ости ғорлари китоби” каби асарларда ўз аксини топган.

Қадимги мисрликлар ой, қуёш, Нил водийси, унинг атрофидаги саҳрони, йиртқич ҳайвонлар ва табиатнинг ҳар хил кучларини илоҳийлаштирганлар. Улар сунъий суғориш тизимини ташкил қиладиган, инсонлар устидан амр қилувчи фиравнга эътиқод қилдилар.

Мисрликлар мингга яқин ҳар хил худоларга сиғинганлар. Худолар маҳаллий ва умуммиср миқёсида эътиқод қилинган илоҳларга бўлинган. Қайси бир ном ҳукмдори – умуммиср ҳукмдори фиравнлик тахтига ўтирса, шу номнинг худоси умуммиср худосига айланган. Мисол учун ном маркази бўлган Фива Миср пойтахти бўлганда ҳеч кимга маълум бўлмаган Фива худоси Амон худолар ичида бош худо деб тан олинди.

Миср Нуббия, Фаластин, Сурия билан яқин алоқада бўлгани сабабли чет эл худолари Апат, Астарта, Семит, Дедун (куч худоси) Миср худолари пантеонига қабул қилинган.

Худоларнинг кўплиги, уларнинг вазифаларини бир-бирига боғланиб кетиши кохинларнинг худолар пантеонини тартибга солиш, улар ўртасида аниқ муносабатларни ўрнатиш вазифасини кўяди. Гелиопол кохинлари маълум даражада худолар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг дунёни яратишдаги ролини кўрсатадиган тизимни ишлаб чиқдилар. Шунга кўра, дастлаб ибтидоий сув худоси Нун яшади, ундан худо Атул (Ра) пайдо бўлди. Атул Ра ўзидан сув худоси Шу ва унинг хотини Тефнут намликни пайдо қилди. Улардан ер худоси Геб, осмон худоси Нут туғилиб, ўз навбатида улардан Осирис, Исида, Сиа ва Нефтуда туғилган. Бу қадимги илоҳлар илк илоҳий тўққизлик-Эннеада оиласида бирлашди, ана шулардан бошқа Миср худолари тарқалади.

Кохинларнинг Фива мактаби эса илк худо, худолар ва одамлар дунёсини ўз илоҳий сўзи билан Плас яратган деб ҳисоблаганлар. Кохинлар тўққизликни ажратишдан ташқари худоларни бирлаштирган бошқа оилаларни яратганлар. Оила ота - худо, она-маъбуда, ўғил-худо (худолар триадаси)дан ташкил топган. Шундай бирлашганлардан Осирис, Изидда, Хор (Абидос триадаси), Плакс, Сохмет, Неферрум (Метфис триадаси), Амон, Мут, Хонсу (Фива триадаси).

Мисрда Фиравнлар шахсини илоҳийлаштириш алоҳида рол ўйнади. Кохинлар таълимотига кўра, фиръавн инсон кўринишидаги худонинг аксидир. У икки хил – инсон ва илоҳий табиатга эга бўлган. Унинг туғилиши Амон Ра билан фиравннинг ердаги онаси никоҳи натижасидир. Ерда фиравн худо Горнинг акси сифатида бошқарган ўлимидан сўнг худо бўлиб Осирис билан тенглаштирилган. Подшолик қилаётган ва вафот қилган фиравн ўз ибодатхонаси, кохинларнинг қурбонлик келтириши кабиларга эга бўлган. Фиравннинг илоҳийлигини рамзий акс этиши сфинкс кўринишида бўлган. Мисрда ягона худога сиғиниш концепцияси ўз ўрнини топмади (Эхнатон ислоҳоти).

Диний урф одат, анъаналарга Мисрда қатъий риоя қилинган. Худоларга сиғиниш учун ибодатхоналар, ҳайкаллар бунёд қилинган. Минглаб кохинлар диний маросимлар ва байрамларни ташкил қилганлар. Миср динида у дунёдаги ҳаётга катта ўрин берилган. Инсон гўёки уч асосий субстанция жисмоний тана, унинг маънавий кўриниши (Ка) ва унинг руҳи (Ба) дан иборат. Фақат шу уч унсурнинг биргаликда яшашга имкон беради. Демак, шундай экан, одамларнинг

жасадини сақлаш (мўмиёлаш) керак. Ана шундагина мўмиё олдида (Ка ва Ба) туради. Ўлимдан кейинги ҳаёт бу ҳаётнинг давоми деб тушинилади.

3. Нилнинг аҳолиси, моддий ресурслари ва Мисрнинг сиёсий қудрати меъморчилик ва тасвирий санъатининг гуллаб яшнашига сабаб бўлган. Меъморчилик ва тасвирий санъат секин-аста мавжуд тузумни, унинг давлатчилигини ва маънавий қадриятларини мафкуравий оқлашга хизмат қила бошлайди.

Миср меъморчилиги, ҳайкалтапрошлиги ва рельеф санъатида бадиий восита ва бош мақсадларни асосий арсеналини шакллантирди. Эрамиздан аввалги учинчи минг йилликдаёқ Миср санъатининг етакчи йўналишлари бўлган худо ва Фиравнларнинг чексиз қудрати ғоясини ташкил этиш шаклланди. Бу ғоялар пирамида ва ибодатхоналар, улкан ҳайкалларда ўз аксини топди.

Меъморчиликда худо Фиравн пирамида-қабрлари, ибодатхоналар қуриш устувор аҳамият касб этди. Соғаналарнинг икки хили: ер усти соғаналари (6-сулола пирамидалари) ва қояга ўйилган сағаналар (янги подшолик даврида) кенг тарқалди.

Пирамида ва сағаналар қуриш учун 1-2 сулола Фиравнлари дафн қилинган мастабалар намуна бўлиб хизмат қилди. 3-сулола фиравнлари Жосер учун баландлиги 60 метр бўлган зимнапоясимон илк пирамида мастаба эди. 4-сулола фиравни Хуфи пирамидаси (146.6 м баландлиги, узунлиги 233 м, майдон ҳажми 54 минг кв м, 2 тонна 2,3 млн. Тош), Ҳафра пирамидаси (баландлиги 140м, узунлиги асоси 220м). Ҳафрадан кейин пирамидалар кичик ҳажмда қурила бошланди. Ибодатхоналар қурилиши ўзгача меъморчилик шаклида бўлди. Кармак ва Луксорда Амон-Рага бағишлаб ибодатхоналар қурилди. Бу ибодатхоналар харобалари бизгача етиб келган. Улар жуда баҳайбат ҳажмда атроф манзарага қўшилиб кетган, ҳашаматли безалган эди. Уларда юзлаб кенг хоналар, катта ҳовлилар, худоларнинг улуғвор ҳайкаллари, сфинкс, ва алеялар мавжуд. Кармак ибодатхонасида колонна зали 5.5 минг кв. метр бўлиб, 134 колонна бор. 12 марказий колоннанинг баландлиги 21 м, 10м, айланаси 15 м. Ҳар қайси колоннанинг юқори майдонида юз кишини жойлаштириш мумкин. Ибодатхонада 500та тошдан, 17 минг жез ҳайкал ва ҳайкалчалар мавжуд бўлган қадимда яшириб қўйилган жойидан топилган.

Даяр-ал Бахрдаги малика Хатшепсут ибодатхонаси ва Рамзес 3 нинг Мадинат Абудаги (Фива) ибодатхонаси улуғвор қурилган. Яна шундай ибодатхоналар қояларга ўйиб ясалган (Рамзес 3 нинг Нубиядаги Абу Симбел ибодатхонаси).

Подшо саройи қароргоҳи монументал шаклда қурилган. Барча ибодатхона ва саройлар, рельефлар, бой деворий рангтасвирлар билан безатилган.

Миср эҳром(Пирамида)лари – ичи бўш бўлганлиги боис “она ер тимсолидир. Айни шу сифатда фиръавнларнинг даҳмасига айланган.

Пирамида яхлит шакл сифатида учбурчак рамзлари билан қиёсланади ва Узоқ Шарқ халқларида олов мужассами сифатида номоён бўлади. Пирамиданинг ҳар бири ўз маъносига эга бўлган турли геометрик фигураларнинг бирикувидан иборат. Унинг квадрат асоси ушбу шаклнинг умумий рамзларига мувофиқ ер рамзи ҳисобланади. Унинг учи – барча буюмларнинг маркази, сарчашмаси ва тугалланмаси. Пирамиданинг учбурчакли қирраси оламнинг уч томонлама

тузилиши рамзидир. Шу тариқа пирамида бутун яратиш жараёнини мужассамлаштирадиган иншоот сифатида қаралади.

Миср эҳромлари ғарб анъанасида мангуликнинг барқарор тимсоли, дунёнинг етти мўъжизасидан бирига айланган” (Д.М-ва 136 - б).

Миср санъати азалдан бутун дунё ижодкорларини қизиқтириб келади. Бу борада кўплаб асарлар яратилган. **“Марк Антъоний ва Клеопатра тарихидан”** номли хайкал II аср Фраманд мактаби вакиллари томонидан ишланган.

Клеопатра (мил.ав.51-30 йил) – Мисрнинг Птоломейлар авлодидан бўлган охирги маликаси – сулолавий курашлар жараёнида тахтдан маҳрум бўлишган. Юлий Цезар Мисрда бўлган вақтда у гўзал Клеопатранинг гўзллигидан лол қолиб, уни яна тахтга тайинлайди.

Цезарнинг ўлиmidан сўнг Клеопатра Рим саркардаси Марк Антонионинг қўллаб - қувватлашидан фойдаланиб (кейинчалик унинг умр йўлдоши бўлган) бўлғуси Рим императори билан уруш олиб боради. Октавиан ва Антония Акиумдаги жангда мағлубиятга учрайди (мил.ав.31 йил). Октавианинг аскарлари Александрияга кириб келганда, Антоний ўзини ўлдирган эди. Клеопатра рақиблари уни аср сифатида, жирканч ўлим кутаётганини ҳис қилиб, ўзини заҳарли илонга бахш этади.

Бироқ шпалерда Марк Антонио ва Клеопатра тасвирланган. Бир қандайдир шоҳона ўтириш(базм)да. Малика саркардани ўзининг бойлиги билан лол қолдириш учун, қадахга сирка билан қимматбаҳо дурни аралаштиради.

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида миср маъбудалари мавзуси алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада дастлабки қадамлар ташланган. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик институти профессор ўқитувчилари Миср Араб Республикасининг Хелвуан университети билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик қилиш ишларини бошлаб юборишган. Ҳар икки томон ўзаро ижодий тажриба алмашиш мақсадида бир қанча сафарлар уюштирилди. Натижада янги асарлар яратила бошланди. Таниқли муйқалам устаси Ориф Муинов ижодида мазкур мавзу алоҳида аҳамият касб этади. Бу хусусда Н.Норматов қуйидагиларни ёзади;

“Рассом ижодида ўзи сафар қилган Миср шаҳарлари ва қишлоқлари: Луксор, Қоҳира, Гиза каби жойларнинг фототасмасидек аниқ макон ва манзарасини намоиш қилишни мақсад қилиб қўймаган. Муинов бу жойларда 2008 йил баҳорида йигирма кундан ортиқ сафарда бўлган ва бир умр излаб юрган рангларини шу ерда кўргандек бўлди. Бу қадимий заминда туғилган афсоналар асотирлар ва ривоятлар, тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойлар ва асори-атиқалардан рассом қаттиқ таъсирланди. Шу юртнинг Фалғари Усама каби таниқли рассомлари хонадонларида бўлиши мисрликларнинг яшаш тарзи, бугунги оламини ҳис қилишда, англашда озми кўпми туртки берди. Айтайлик қадимда мисрликларда “Кўнғиз” муқаддас саналган (“кузатувчилар”). Бахт келтирувчи мушук (“Оила кўрикчиси”), куч-қудрат рамзи бургут (“Буюк маликалар”), мангулик давоми сифатидаги хоч рамзи (подшоҳлар водийси) ва ҳоказоларда биз эҳромларнинг улкан шакллари ва тасвирлари, баланд тепаликлар бағридаги чуқур сағаналар, мўмиёланган фиравнлар, мисрнинг танали маҳаллий аҳолисининг табиат қўйнидаги ҳолатларини тушсимон кўрамиз

Рассом уларни қоралама сифатида чизиб олган бўлса-да, картиналарида бевосита реал тасвирлаш йўлидан бормади. Унинг назарида бу ўлка тушлар шахрига ўхшаб

кўринди. Айтишларича, Нил октябр ойларида хаворанг тусга киради, февралда яшил гиёҳлардан баҳра олган дарё кирғоқлари ва ўзанлари мовий чизиклар ҳосил қилади. Қуёшда қумтепалар олтиг ранга киради. Қуёш нурига чўмилган ерлар баъзан зар булутга ўхшаб кетади, гоҳо дурранг, марварид, кумуш ва зумрадга ўхшаб, илик рангларда товланади. Бундай тасвирлар “Эхтиром”, “Подшолар водийси”да янада бўртиб кўринади”.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Миср пирамидалари қандай рамзийликка эга?
2. Миср самовий афсоналари қахрамонлари кимлар?
4. Қадимги Миср маъбудалари номларини айтинг?
5. Қадимги Мисрда дафн маросимлари қандай ўтказилган?

Адабиётлар:

1. Мифы народов мира» в 2х томах . М. 1973
2. Мифологический словарь М. 1965
3. Парадовский, Ян. «Мифология» М. 1971
4. Коростовцев М.А. Религия древнего Египта. М.:1976.
5. Культура древнего Египта. М.:1976.
6. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009.
7. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.
8. Норматов Н. Янгича дастхат билан. Ўзбекистон Адабиёти ва санъати. 2010 йил. 8-октябрь. 5-саҳифа.

4- Мавзу: ОЛД ОСИЁ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа

1. Қадимги Месопотамия, Оссурия, Бобил ва унинг ҳудудий бирлиги
2. Қадимги Олд Осиё дини
3. Қадимги Олд Осиё афсона ва ривоятларининг ўзига ҳослиги

Таянч тушунчалар: Олд Осиё, Месопотамия, Акад, Фрот, Дожла, Форс, Шуммер, Бобил, Осурия, Гилгамеш, Апи, Энлил, Энки, Эа, Ниммар, Негал, Уту, Мардук.

Маърузадан мақсад: талабаларга Месопотамия- икки дарё оралиғи афсона ва ривоятлари тарихи, Олд Осиё маданияти ва меъморчилиги, Шумер ва Аркатликлар ҳақидаги афсоналар, Олд Осиё маъбудлари ва афсонавий қахрамонлари, Гильгамеш воқеалари, “Ер ва осмоннинг ажралиши”, “Одамларнинг пайдо бўлиши”, “Сув тошқини”. Урук ҳуқумдори ҳақидаги афсона,

Энлил, Инанна афсоналарининг тасвирий санъат асрларида ёритилишини ўргатишдан иборат.

Шимолда Арманистон тоғларидан жанубга Форс қўлтиғига, Шарқда Эроннинг тоғли вилоятларидан Ғарбга Сурия – Мессопотамия чўлларигача чўзилиб кетган кенг ҳудуд қадимда юнон географлари томонидан Мессопотамия (икки дарё оралиғи – Фрот ва Дожла дарёлари) деб аталган. Ҳозирда у Ироқ Республикаси ҳудудига тўғри келади. Қадимги Мессопотамия кишилиқ маданияти эрта ривожланган ўлкалар қаторига киради. Археологлар ундан палеолит давридан (70-80-минг йилликлар) одамлар яшаб келаётганлигини аниқлаганлар. Фрот ва Дожла дарёлари тошқинлари сабабли воҳада аҳоли фақат мил.авв. 9-8 минг йилликлардан яшай бошлаган. Шу вақтдан дастлабки тўғонлар, суғориш иншоотлари курила бошлаган.

Мессопотамияликлар диний эътиқоди табиат кучлари, осмон жисмлари асосида шаклланган. Худолар дастлаб аёллар қиёфасида, кейинчалик эркеклар сиймосида тасвирланган.

Апи – осмон худоси

Энки ва эа – сув худоси

Ниммар, Энлилнинг ўғли, севги ва ҳосилдорлик худоси (Бобил ва Осирия пантеонида ишрат) кенг тарқалган

Негал – уруш, касаллик ва ўлим худоси (Марсен) сайёрасига ўхшатиш.

Уту – Аккад афсоналарида Шамаш, Ой худоси, шумерликларда Қуёш худоси,

Ан – осмон худоси.

Ки – ер, она замин худоси. Улар эр-хотин бўлиб, уларнинг фарзандлари;

Энлил - ҳаво, тақдир худоси ўсиб улғайгач, Ерни идора қила бошлайди ва худолар сулоласига асос солади, шаҳарлар асосчиси ҳамда омов кашфиётчиси ҳисобланган

Ниннар - шумерликларда Ой худоси -, аккадликларда - **Син** деб аталган.

Ианна - Шумерликлар Зухро юлдузини - деб аталган. Аккадликларда Иштар номи билан юритилган, у ҳосилдорлик ва муҳаббат маъбудаси ҳисобланган.

Иштар - қадимги аккадликларда Зухра сайёраси ҳамда ҳосилдорлик, муҳаббат, уруш ва ғалаба илоҳаси. Икки юзли худо бўлган. Бобилда Худо Иштарга атаб дарвоза бунёд этилган бўлиб, ундан мил. авв. 3 асрга оид сирруш махлуқи – аждаҳоси ҳамда шер туширилган тасвир топилган.

Мардук - Бобил юксалган пайтида унинг худоси, мамлакатнинг олий худосига айланади. Бобилнинг бош худоси, Юпитер билан Наби (Мардукнинг ўғли) донолик, ёзув ва ҳисоб худоси. Меркурий сайёрасига ўхшатиш. Уларга турли афсоналарда коинот жисмига ўхшатиш. Юқоридаги ҳар бир худога бирорта аниқ вазифа юклатилган.

Кўп худолик ҳукм сурган Мессопотамияда дастлаб худолар шарафига одамлар қурбонлик қилинган бўлса, кейинчалик уларни турли ҳайвонлар билан алмаштирганлар.

Оссурия ҳукмдорлари саройи Ниневияда сунъий тепалик устида қурилиб, қалъа кўринишида бўлган. Унинг атрофи қалин, мустаҳкам ўқ отиш туйнуклари билан таъминланган ва оқ девор билан ўралган. Кириш дарвозасининг ҳар икки

томонида саҳий руҳларнинг - одам бошли танаси эса қанотли ҳўкизлар кўринишидаги катта ҳайкаллари ўрнатилган. Охирги ҳукмдорлардан бири Ашшурбанипал 30 минг лой тахтачалар тўпланган кутубхона ташкил этган. Кутубхона қолдиқларини археологлар XIX асрда топишган. Унда сақланган китоблардан олимлар Гилгамеш, Шумер худолари ва Бобил подшолиги тарихига оид маълумотларни олишган. Ашшурбанипалнинг ўлимидан сўнг Мессопотамияда оссурлар ҳукмдорлигига қарши қўзғолон бошланган. Заифлаша борган оссурлар пойтахти «Шерлар макони» Ниневияни мил.авв. 612-йили Бобил ва Мидияликлар қўшини босиб олиб, талаб вайрон қилган.

Янги **Бобил** подшолиги мил.авв. 628-йили оссурларга қарши қўзғолон бошлиғи Набопаласар томонидан тузилади. Унинг вориси Навуходоносар II даврида Бобил Мессопотамияда ўз ҳукмронлигини тўлиқ ўрнатади. Бобил Осиёнинг энг йирик ва машҳур шахрига айланади. Унда «етти мўзижа»нинг бири “Семирамида осма боғлари” бунёд этилади. Навуходоносорнинг номи эса яхудийлар ва христианларнинг диний китобларидан жой олади. Заифлаша бошлаган Бобил кейинчалик эрон Аҳамонийлари томонидан босиб олинади.

“Гилгамеш” (шумерчасига Билга-мис) – Урукнинг ярим афсонавий ҳукмдори. Шумер ва Аккадликлар эпик анъаналаринининг қаҳрамони. Эпик ҳикояларда айтилишича, Гилгамеш Луганбандининг қаҳрамони ва Нинсун худосининг фарзанди ҳисобланади. “Ниппурдаги подшоҳлар рўйхатида” (Икки дарё оралиғидаги сулолалар рўйхати) Гилгамешнинг ҳукмронлиги Урукнинг биринчи сулола даврига киритилади (мил. авв. XXII-XIII асрлар). Гилгамеш бу сулоланинг 5-подшоси ҳисобланган. Шунингдек, Гилгамешни худонинг фарзандилигига ишора қилинади, унинг ҳукмронлиги “подшолик рўйхатида” 126 йилни ташкил этган. Унинг номи Ниппурдаги Туммал қабристонидаги ёзувда эслатилади. Гилгамешнинг қилган қаҳрамонликлари ҳақида Шумерда яратилган 5 та достонда ўз ифодасини топган. Гилгамеш ҳукмронлиги даврида Урук кучайиб, Киш ҳукмронлигидан озод бўлган. Гилгамеш ва унинг ворислари даврида Лагаш, Ниппур каби шаҳар-давлатлар Урукка итоат этганлар. Гилгамешнинг ҳаёти кўплаб афсоналарга бурканган. Афсоналарнинг бирида айтилишича, Гилгамеш дунёга келганидан кейин мамлакат ҳукмдори бўлмиш бобоси невараси ундан тахтни тортиб олишидан кўрқиб, Гилгамешни жарга отиб юборишга буйруқ беради. Аммо жарга учиб кетаётган Гилгамешни бургут тутиб олиб, бир боғбонга элтиб беради, боғбон уни меҳр билан парваришлаб тарбиялайди. Балоғатга етган Гилгамеш бобосидан ҳокимиятни тортиб олади, ўзи Урук шахрини бошқара бошлайди.

“Гилгамеш ҳақида достон” Мессопотамияда энг нодир, мазмуни жуда кенг бўлиб, унда Гилгамеш билан Енкиду кўрсатган қаҳрамонликлар, Енкидунинг фожиали ўлими ва Гилгамешнинг оби-ҳаёт қидириб бошидан кечирган саргузаштлари баён этилади. Достонда жаҳон тўфони ҳақидаги афсона ҳам мавжуд. Жаҳон тўфони ҳақидаги афсонада қаҳрамон Гилгамешнинг отаси Ут-Нанштимнинг донишмандлик худоси Еа маслаҳати билан қандай қилиб кема ясаганлиги, шу кемага тушиб, тўфон вақтида омон-эсон қолганлиги ва бу билан абадий ҳаётга сазовор бўлганлиги ҳикоя қилинади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Гилгамеш афсонавий қаҳрамон эмас, балки тарихий шахс. У Урук шахри

подшоси бўлган. Достон эрамиздан аввалги икинчи минг йиллик бошларида яратилган деб тахмин қилинади.

“Агушая ҳақида достон”. Қадимги Месопотамияда яратилган ушбу достонда маъбудалар Иштар билан Салту ўртасидаги можаро ҳикоя қилинади. Донишмандлик худоси Еа бу икки маъбудани Агушайя илтимосига кўра яраштириб қўяди. Достон Агушайя, Иштар ва Салтуларни мактаб, улар ўртасида иттифоқ ҳукм суришини куйлаш билан тугайди.

Бутун дунё тўфони ҳақида афсона”. Икки дарё оралиғидаги давлатларда вужудга келган қадимий афсоналардан бирида айтилишича, одамлар худоларни иззат-хурмат қилмай қўядилар, шундан кейин худолар одамларни кириб ташлаш учун бутун ер юзини сувга ғарқ қилишга қарор қиладилар. Лекин донишмандлик худоси - Еа тўфон бўлиши тўғрисида қамишларга айтиб қўяди, бир кишининг кулбаси ана шу қамишлардан ясалган эди. Қамишлар бу ҳақда кулбанинг эгасига шивирлайдилар. Кулбанинг эгаси каттакон кема ясаб, ўз оиласини, хунармандларни, шунингдек хонаки ва ёввойи ҳайвонларни шу кемага жойлаштиради. Осмонни қора булут қоплайди; кундуз куни худди кечасидаги каби қоронғу бўлиб қолади, довул бошланади, ерга жала қуя бошлайди, сув ерни қоплайди. Ердаги ҳамма тирик зот ҳалок бўлади. Олти кундан кейин бўрон тинади. Сув камая бошлайди. Кемадан чиқариб юборилган қора қарға куруқ ерни топиб бориб қўнади, кейин бу ерга одамлар ва жониворлар чиқиб боришади.

Шуммер шаҳарлари Аккад, Бобил ва Осурия давлатлари подшоларининг ёзувлари жуда катта қимматга эга. Шундай ёзувлардан бири эрамиздан аввалги XX1У асрга оид Лагаш давлатининг юксалиши унинг қўшни Умма билан кураши тўғрисида ҳикоя қиладиган Лагаш ҳокими Эанатумнинг “Калхатлар стеласи” деб аталмиш ёзувдир. Эрамиздан аввалги XX1У асрга оид Лагаш ҳокими Урукагина, эрамиздан аввалги XX11 асрга оид Лагаш ҳокими Гудеанинг қуриш ва бағишлов ёзувлари, Аккад подшолиги Римушнинг (эрамиздан аввалги X111 аср) Эламга юришлари тўғрисидаги ёзувлари ва “Маништун обелиски” подшо ер захираси, унинг жамоа ери ҳисобидан кўпайиши тўғрисида маълумот берилган.

Бизгача Осурия подшолигининг жуда кўп ёзувлари етиб келган “Саргон 2 нинг Ашшурга хати”, эрамиздан аввалги 714-йилда Урартуга қарши юриш баён қилинган хатлар етиб келган. Подшо Асишурбанипалнинг батафсил тарихий маълумот берувчи йилномаси шулар жумласидандир. Янги Бобил подшолигининг 140 га яқин ёзувлари бизга маълум. Тарихий асарлар кейинроқ эрамиздан аввалги 1У-111 асрларда пайдо бўлди. Кохин Беройеснинг (Бобилдаги Мардук ибодатхонаси кохини), 3 қисмли “Бобил ва Халдей тарихи” тўфон давридан македониялик исқандар давригача давом этган асари диққатга сазовордир. Бизгача бу асарнинг парчалари ўрта аср тарихчилари асарларида келтирилган маълумотлар орқали етиб келган.

Урук подшолиги Жмеркар тўғрисидаги эпик поэмаларда Шумернинг илк сулола даврида (эрамиздан аввалги 3 минг йиллик бошлари) узоқ мамлакат Аратта (Эрон ҳудуди) билан алоқаси тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилади.

Аккад подшолигининг асосчиси Буюк Саргон тўғрисидаги Аккад афсоналари сақланиб қолган.

Қадимги Олд Осиёда яшовчи аҳоли мафкуравий ҳаётида дин ҳукмрон мавқега эга бўлган. Эрамиздан аввалги 1У-111 минг йилликлар чегарасида Шумерда батафсил ишлаб чиқилган, кейинчалик Бобилда ўзлаштирилиб, ривожлантирилган теологик тизим юзага келади. Ҳар бир Шумер шахри ўз худо хомийсига эга бўлган. Бундан ташқари, умумшумер шаҳарлари бирдек сажда қилган худолари ҳам бўлган.

Худолардан ташқари, кўпсонли эзгулик девларига сиғинилган. Турли хил касалликлар сабабчиси бўлган ёвуз девларни раҳмдил қилишга ҳаракат қилганлар. Девларни улар ярим одам, ярим ҳайвон тарзида тасвирлаганлар. Одамлар ўзларини одам бошли, қанотли хўкиз сифатида ифодалаганлар. Қанотли улкан ҳайкаллар гўё Осурия подшолиги саройларини кўриқлаганлар. Ҳашаматли ҳайкалларнинг саройларга кирувчи йўлаклар ва майдонларда ўрнатилишида айнан шундай рамзийлик акс этган.

Шумер ва Аккадлар у дунёга ишонганлар. Уларнинг тасаввурида у дунё соялар подшолиги қайсики, ўликлар очлик ва чанқоқликдан қийналадилар. Лой, чанг билан овқатланадилар. Шунинг учун марҳумларнинг болалиги уларга қурбонлик келтиришга мажбурдирлар.

Қадимги мессопотамия санъати шаклланиш ва кейинги тараққиётида Шумерларнинг бадиий анъаналари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Тош ўймакорлиги эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик бошларида шаклланди. Тошга нақшлар ўйиш эрамиздан аввалги 1-асргача юксак даражада ривожланди. Эрамиздан аввалги ХХ1У-ХХ111 асрларда Месопотамия ягона давлат бўлиб, бирлашган пайтда подшоларнинг идеаллаштирилган портрет-тасвирлари пайдо бўлади.

Эрамиздан аввалги 1 минг йилликда Месопотамияда йирик савдо-хунармандчилик маданият марказлари бўлган катта шаҳарлар пайдо бўлади. Месопотамиядаги осик подшоси Синаххеб томонидан эрамиздан аввалги 705-781-йилларда қурилган, майдони бўйича Олд Осиёда энг катта шаҳар Осурия пойтахти Ниневия эди. Шаҳар 729,7 га ерни эгаллаб, шаҳарда 170 минг аҳоли яшаган.

Месопотамияда шиша ишлаб чиқариш жуда эрта эрамиздан аввалги ХУ11 асрда бошланади, темирдан фойдаланиш эса кечроқ эрамиздан аввалги Х1 асрда бошланади. Месопотамиянинг илмий билимлари, санъати, меъморчилиги, дини, ёзуви ва адабиёти, қадимда кўпгина Шарқ халқлари маданияти раънақининг ўлчов мезони бўлиб хизмат қилди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Қадимги Олд Осиёнинг худудий чегарасини тушунтириб беринг?
2. Қадимги Мессопотамия қандай маънони англатади?
3. Қадимги Олд Осиёдаги йирик шаҳарларнинг номини айтинг?
4. “Тилгамеш ва Ада” афсонасининг қаҳрамонлари кимлар?
5. Қадимги Месопотамия илоҳлари рамзий тасвирлари қачон ишланган?

Адабиётлар:

1. Мифы народов мира. В I - II томах. Энци. Словарь. Москва. 1982.

2. Всеобщая история искусств. Том I, Москва. 1956.
3. Д.Буслович, Е.Руммель, О.Персикова Мифологические сюжеты в произведениях искусства. Ленинград. 1971
4. Религии мира. Москва. 1986..
5. А.Лосев Античная мифология. Москва. 1957.
6. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.
7. У.Жўраев, Й.Саиджонов, Дунё динлари тарихи. Тошкент.1998.
8. М.Дрезден, Мифология древнего Ирана. Москва. 1977.
9. И. Рак Мифы древнего и средневекового Ирана. Санкт-Петербург.1998.
11. Д.Уилбер Персеполь. Москва. 1977.
12. Ҳ. Кароматов. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи Т; 2009.
13. Р. Ражабов. Қадимги дунё тарихи. Дарслик.,Т.:2009
14. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.

5-Мавзу; ҚАДИМГИ ЮНОН АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа:

1. **Қадимги юнон афсонавий манбалари**
2. **Қадимги юнон маъбудалари**
3. **Тасвирий санъатда қадимги юнон афсоналарининг ифодаланилиши**

Таянч сўзлар: Гомер, “Илиада”, “Одиссея”, “Паллада”, маъбудалар, Дионис маросимлари, Зевс, Геракл, Аполлон, Гера, Посейдон, Афродита, Афина. Илоҳий тимсоллар-ҳўкиз, илон...

Маърузадан мақсад: Талабаларга Юнон ёзма адабиётининг бизга қадар етиб келган энг қадимги ягона намуналари - Гомернинг «Илиада», ва «Одиссея» дostonлари асосида вужудга келган «Троя цикли», «Фива цикли» каби туркум дostonлар, Гесиоднинг «Меҳнат ва кунлар», «Теогония» (Маъбудларнинг пайдо бўлиши), «Аёллар жадвали». Эсхил_Ҳрндлнинг «Эронийлар», «Фиванинг етти душмани», «Илтижогўйлар», «Занжирбанд Прометей», «Орестея» трилогияси - «Агамемнон», «Хоэфорлар», «Эвменидалар»; Софокл - «Шох Эдип», «Эдип Колонда», «Антигона»; Эврипид - «Медея», «Гераклидлар», «Геракл», Троялик

аёллар», «Елена», «Андромаха», «Финикиялик қизлар», «Вакх қизлари» каби асосий афсоналар, Шунингдек, қадимдан Юнонистон меъморчилик санъатида янги услубдаги бино, яъни юнон ибодатхонасининг вужудга келиши, уларнинг Қадимий Шарқ ибодатхоналаридан фарқи, жамоа, гражданлар ҳаётида содир бўлаётган асосий ходисалар маркази ҳисобланганлигини ўргатишдан иборат.

Қадимги юнон афсона ва ривоятлари ҳақида маълумот берувчи илк манбалар орасида **Гомер**нинг асарлари алоҳида ажралиб туради. Гомер аслида юнон шоири бўлиб, унинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар жудаям кам сақланган. Турли даврларда яратилган манбаларда унинг яшаб ўтган даврини милoddан аввалги 12 аср билан 7 аср оралиғида деган тахминлар бор. Айрим тадқиқотчилар Гомернинг сўқир бўлгани, ўз асарларини бахшилар каби оғзаки айтганини эътироф этишади. Аммо унинг асарларини ким, қачон ёзиб олганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар сақланмаган. **“Илиада”** ва **“Одисея”** достони бизгача етиб келган. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 3-жилди 56 саҳифасида ёзилишича, “Уларнинг иккови ҳам қаҳрамонлик эпоси бўлиб, юнон мифологияси асосида яратилган. Шу билан бирга, уларда фақат шеърлар, афсоналар ва ривоятларгина эмас, реал тарихий воқеалар ҳам акс этган. Жумладан, “Илиада” достонида тасвирланган Троя кўп замонлар афсонавий шаҳар ҳисобланиб келинган, аммо буюк археолог Шпилман, кўп йиллик изланишлардан сўнг уни топди ва бу шаҳар тарихда мавжуд бўлганлигини исбот қилди. Гомер асарларидан намуналар ўзбек тилига Миртемир ва Қодир Мухамедовлар томонидан таржима қилинган.

“Илиада” – юнонларда милoddан аввалги 13 асрда кенг оммалашган Илион номи билан аталувчи ва тарихга Троя номи билан кирган қирғинбарот уруш ҳақидаги ривоятларга асосланади. Достон гексометр (мусаддас) ўлчовида ёзилган, ҳажми 15700 мисрага яқин. Илиаданинг бош қаҳрамони – Ахилл. Буюк йўлбошчиси Агамемнон томонидан ҳақоратлангандан сўнг у жудаям қаҳр-ғазаб билан уларга қарши кураш бошлайди, юзлаб донгдор, кучли жангчиларни мағлуб этади. Унда кўплаб яккама-якка олишув лавҳалари, жанг манзаралари, қамал қилинган Троядаги ҳаёт лавҳалари, маъбудаларнинг Олимпдаги мунозараларига кенг ўрин берилган.

Ахилл. Этиль Вольф Германия. (1082-1879) Ахиллас. Мамардан ишланган ҳайкал. Помпео Батони (1708-1787) Фетида Ахиллани Хирон унинг тарбиясига бермоқда. М.м.б.Италия. Троя уруши ҳақида юнонлар афсонасидан саҳна. Мамардан ишланган ҳайкал. Рим. III аср.

Ахилл (Ахиллес). Троян уруши қаҳрамони, мутлақо қудратли бўронлар билан фарқланади. Ахилланинг отаси - Пелей, подшо Фелейянинг онаси денгиз худоси Фетида ўғлига абадийликни тилаган ҳолда уни Стаксдан яъни ер ости илоҳий подшолигидан сотиб олади. У чакалокни сувга туширади ва боланинг ювилмаган товонидан ушлаб чўмилтиради. Бўлажак жасоратли қаҳрамонни ёшлигидан камондан отиш, даволаш, кифаре ўйинида тепишни ўргатади. Доно кентавр Хирон, Ахиллнинг кучини мустаҳкамлаш учун унга ёввойи ҳайвонларнинг гўштини овқат сифатида берган.

Фетида троян урушида Ахиллнинг ўлими аниқлигини билган ҳолда уни қутқаришни хоҳлаган. Худо онаси ўғлини пинҳона Скирос оролига

жойлаштиради, у ерда аёл либосларини кийган ҳолда, подшо Ликамеданинг қизлари орасида яшайди. Бироқ юнонларга олдиндан, Ахилсиз улар ғалабага эриша олмаслиги айтилган эди. Ўткир хийлагар Одиссея савдогар кўринишида ўртоқлари билан ўсмирнинг яширинган жойи - Скирос оролига келади. Малиеалар олдига молларини ёйиб, уларнинг орасида куроллар бўлган. Одиссей ўз хизматкорларига кутилмаганда қиличлари билан қалқонларга уришга буйруқ берган. Жанговор овозни эшитган, қизлар кўркқанидан қочиб қолишади. Фақат Ахилл ёйни ушлаб олади ва шу билан ўзини сотиб қўяди. Одиссей олдинда уруш қутаётгани ҳақида айтади ва Ахилл урушга улар билан кетади.

Эрмитаждаги антик девордаги саркафагни олдида сақланаётган Ахилл узун аёл кўйлагида тасвирланган куролни ушлаб, жанговор ҳолатда тасвирланган, қизлардан бири уни ушлашга ҳаракат қилмоқда. Қолганлари кўркқувдан қочмоқдалар. Чап томонда эса Одисейнинг қомати ва унинг икки йўлдошларини қоматлари кўринади. (Троян уруши лавҳасига қаранг).

Агаменнон – Юнон афсоналарида Микен ёки Аргос подшоҳи. Мил. авв. 1260-йилда юнонларнинг Троя устига юришида юнон шаҳар-давлатларининг флоти ва қўшинига бошлиқ бўлган. “Илиада” достонида тасвирланишича, Трояни қамал қилаётганда мардлик ва жасорат кўрсатган, бироқ шухратпараслиги (коҳин Апполонни ҳақорат қилиши, Ахил билан аразлашуви) умумий ишга катта зиён келтирар эди. Троя енгилгандан кейин троялик малика Кассандра унга ўлжа бўлиб тегди ва Агаменнон унга уйланди. Лекин юртига қайтганида уни хотини Клитемнестра ва унинг ёри Егисф Агаменнонни ўлдирадилар. Агаменнон образига кўпгина ёзувчилар (Есхил “Агаменнон” фожиавий асари, Еврипид ва б.) мурожаат этишган.

Юнон – Троя уруши – юнон эпослари “Илиада” ва “Одиссея”да баён қилинишича, Микен шоҳи - Агаменнон бошчилигида ахейялик шоҳлар иттифоқининг Трояга қарши олиб борган 10 йиллик уруши. Ахейларнинг Трояни забт этиши билан тугаган. Трояда олиб борилган археологик қазиш ишларининг кўрсатишича, мил. авв 1260-йилда шаҳар узоқ муддатли қамални бошидан кечирган ва вайрон қилинган. Шундай қилиб, юнон афсоналаридаги маълумотлар тасдиқланган. Эпос маълумотларига қараганда, троялик шаҳзода Парис томонидан Спарта шоҳи Менелайнинг қизи - Соҳибжамол Еленани ўғирлаб кетилиши Юнон-Троя урушига сабаб бўлган. Менелай ва унинг биродари Агаменнон юнон давлатлари шоҳларини ёрдамга чақириб, катта флот билан Троя соҳилларига йўл олган. Троя шоҳи Приамга фригиялик, ликиялик, фракиялик иттифоқчилар ёрдам берган. Юнонлар Трояни 10 йил қамал қилганлар ва Итака ороли шоҳи Одиссей маслаҳати билан ёғочдан катта от ясаб, ичига жангчиларни жойлаган. Бу хийла натижасида Троя маблублиятга учрайди ва шаҳар 400 йил давомида хароба ҳолатида ётади. Асосан, буюк жангчиларнинг яккама-якка олишувидан иборат бўлган ҳарбий ҳаракатларда юнон-ахейлардан Ахил икки Аякс, Патрокл, Агаменнон, Одиссей ва бошқалар бўлса, трояликлардан - Гектор, Главк, Сарпедонт ва Эней шухрат қозонишган. Трояликларнинг мағлубияти Дарийлар томонидан Юнонистондан сиқиб чиқарилган ахейларнинг бир қисмини Кичик Осиёга кўчиб ўтишини енгиллаштирган.

Ҳозиргача топилган ашёвий манбалардан шу нарса аёнки, қадимда юнонлар турли ҳайвонлар тимсолларини илоҳийлаштирганлар. Жуда кўп худоларга эътиқод қилганлар. Турли нарсаларнинг масалан, булок, ўрмон, дарахт, жойларнинг ва экинларнинг илоҳий хомийси – маъбуда мавжуд деб ишонишган. Улар тасаввурида дастлабки маъбудалар ва хомийлар қиёфасиз, кейинчалик этрусск ва юнон динлари таъсирида инсон қиёфасида ифодаланган. Йилнинг маълум фасллари ва маълум кунлари улар шарафига айрим қурбонликлар қилиниб махсус маросимлар ўтказилган. Айрим ҳудудларида яшовчи юнонлар ҳосилни оширишни сўраб ўз сигирларини қурбонлик қилишган.

Энг қадимги замонларда архаик дунёқарашлар ривожланган сайин иптидоий эътиқодлар келиб чиққан. Улар кўпинча чакалакзор, тоғ, майдонларда ибодат қилганлар. Кейинчалик шундай жойларда илк меҳроблар барпо этилган. Ибодатхоналар дастлаб юнонларда қурила бошлаган бўлса, кейинчалик бу анъана римда ҳам кузатилган.

Қадимги юнон афсоналарида ҳўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, илон тимсолида эса илоҳий куч эгаси тасаввур қилинган. Шунингдек, айрим ҳайвон ва паррандалар ҳам илоҳийлаштирилган. Бу юнонларда тотемизм тушунчалари кенг ёйилганлигидан дарак беради. Тарихий манбаларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учрайди. Худолар кўпинча аёл суратида бўлган. Қуёш ва ойни ҳам илоҳийлаштирганлар.

Тотемизмнинг баъзи белгилари мирмаданларнинг чумолидан тарқалганлиги ёки **илоноёк Кекропнинг Афина асосчиси** эканлиги ҳақидаги афсоналарда баён этилган.

Қадимги овчиликка оид маросимлар, сеҳргарлик урф-одатлари об-ҳаво билан боғлиқ бўлган. Ёмғир чақириш маросимлари ҳам ўтказилган. Юнонлар табиатни ўраб турган турли майда руҳлар: сув руҳлари, ўрмон илоҳлари - **наяд, дриад**, тоғ руҳлари кабиларга ишонганлар. Юнонларда қадим ўтмишда ёмонлик келтирувчи сеҳрга ишонч мавжуд бўлган. У ер ости қора кучлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ. Қаҳрли Геката худосининг номи билан кимни йўқ қилмоқчи бўлсалар лаънатлаб, дуои бад қилиш ёвузлик маросимлари тарзида бажарилган. Ёвуз сеҳргарлик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Даволаш ва муолажа қилиш ишларида юнонлар сеҳрдан фойдаланиб, у табобат билан боғлиқ урф-одатлар узоқ сақланган.

Қадимий юнон эътиқодларидан бири-ўлим ва ундан кейинги ҳолат ҳақидаги тасаввурлардир. Ўлган киши танаси юнонларда ерга кўмилган ёки сағанада сақланган. Юнонлар тасаввурида ўлганлар руҳлари ер ости макони Аидада тўпланади. Барча марҳумлар ким бўлишидан қатъий назар, Аидада руҳлари тўпланиб, унда машаққатли ва ғамгин тақдирга йўлиқади. Шу сабабли юнонлар марҳумни сўнгги кузатиш маросимини охириги бурч деб билиб, уни катта эътибор билан амалга ошириб, марҳумларни озиқ овқат билан таъминлашга уринганлар.

Юнонлар аслзода қаҳрамонларни илоҳийлаштирганлар, бунга худоларга бўлган ишончнинг пасайиши сабаб бўлган. Аслзода хонадонларнинг алоҳида ажратилиши билан уларнинг илк аجدодлари ҳам улуғлана бошланди. Уларнинг номлари юқори қўйилиб, уни улуғловчи ва унга сиғинувчилар сони ортиб борган.

Натижада Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрот каби қаҳрамон худолар пантеони вужудга келди.

Қадимги Юнон афсоналари Гефестдан бошланади. У олов ва темирчилик-касб-хунар худоси сифатида катта мавқега эга бўлган. Айрим афсоналарда Герфест Зевс билан Геранинг ўғли эканлиги тилга олинади. Унинг ташқи кўриниши жудаям беўхшов, бадбашара бўлиб, бунинг устига иккала оёғи ҳам чўлоқ ҳолига соҳибжамол Афродитага уйланишга муваффақ бўлган. У хунармандлар хомийси, қўли гул уста даражасига кўтарилади. Ер остида ўзи учун гўё баҳайбат устахона барпо этади. Юнонлар ривоятларида ушбу устахонада Герфест худолар худоси Зевс учун одамларни даҳшатга солувчи чакмоқ ва момақалдироклар тайёрлаб беради деб тасаввур қилинади. Герфест тўғрисидаги барча афсона ва ривоятлар юнонистонда бадиий хунармандчилик юксак даражада ривожланганлиги тилга олинади.

Гефест юнон афсоналарида олов ҳамда темирчилик ва хунармандлар худоси, касб-хунар хомийси сифатида эъзозланган. Тасвирий санъатда маҳоратли уста хунарманд кийимида, қўлида болға ёки амбур ушлаган ҳолда тасвирланади. Зевс билан Геранинг (ёки фақат Геранинг) ўғли. Иккала оёғи чўлоқ, бадбашара бўлган. Помпейдаги деворга эрализнинг тахминан 70-йилларида ишланган расмда Гефест Фетидага Ахилл учун тайёрлаган қалқонни кўрсатмоқда. Бу асарнинг фотонусхаси Неапол миллий музейида сақланади” (Ўз-н Мил, Эн-я. Т.: 2001. 2-том 673-б). Гефест олимп худоларининг хабарчиси, марҳумларнинг жонини айд (ер ости салтанати, дўзах)га ўтказувчи ҳисобланган. Кўпинча патли шиппак кийиб олган йигитча кўринишида тасвирланган.

Геракл – лотинча Hercules, Шарқ адабиётида эса Херакл номи билан кенг тарқалган. Айрим манбаларда тадқиқотчилар уни куч-қудрат тимсоли, қуёш худоси, дорий қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони деб ҳисоблайдилар. Мил. авв. XII-XI асрларда дорийлар томонидан Пелопоннессанинг катта қисми босиб олинishiга сабаб бўлган «Гераклидлар юриши» тарихий воқеаси бўлиб, Гераклнинг бу юришдаги қаҳрамонликлари бутун Юнонистон бўйлаб машҳур бўлади. У ҳақида турли афсоналар тўқилди. Гераклни осмонга кўтарилиб кетгани ва Эллада худоларидан бирига айланганлиги ҳақидаги афсона ҳозирда ҳам яхши сақланган. Гераклнинг ўғли Фест Сикионликларни ўз отасини қаҳрамон сифатида эмас, худо сифатида улуғлашга мажбур қилди. Афсоналарга кўра у ниҳоясиз, бекиёс куч-қудратга эга бўлган Геракл Зевс билан оддий аёл Алкменанинг ўғли дейилади.

Б. Бандинелли. Геракл 1530

Тасвирий санъатда айниқса, ҳайкалтарошликда Геракл немест шерини ва



кўп бошли лерней аждаҳосини ўлдираётган ҳолатда ифода этилган. Айрим афсоналарда эриманф тўнғизини тирик тутганлиги, стинфол жоду қушларини кириб ташлагани, амазонкалар маликаси Ипполитанинг камарини олганлиги, подшоҳ Диамедни енгиб, йиқитгани ва бошқа қаҳрамонликлар кўрсатгани айтилади. Миллий қомусимизда эса унинг Диамедни енгиб, йиқитгани ва бошқа мардликлар кўрсатгани, Антейни мағлуб этгани, занжирбанд Прометейни озод қилгани, аммо хотини Дианира уни билмай заҳарлагани, Зевс уни ўлмайдиган қилгани, юнонистоннинг кўпгина жойларида кейинчалик, италияда Гераклга эътиқод қилингани қайд этилган. Бу хусусдаги афсоналарнинг асосида инсоннинг ёвуз кучларга қарши мардонавор кураши ва охирида эзгуликнинг ғалаба қозониши ётади. Кейинги замонларда Геракл Геркулес номи билан бутун дунёда машҳур бўлган. Афинада Эрехтей, Бута каби қаҳрамонлар култи зодагон Бутадлар хонадони қўлида бўлган. Қадимги юнон худолари маҳаллий ва умумий худоларга бўлинган. Маҳаллий худолар ўзаро урушларда ёрдам беради, деб эътиқод қилинган, умумий худолар эса ташқи душманга қарши курашларда ёрдам беради деб ишонишган.

“Геракл ҳақида афсона” - қадимги юнон адиблари томонидан яратилган афсонада худоларнинг буюруғи билан забардаст паҳлавон Геракл 12 та жасорат кўрсатиши лозим эди. Баҳайбат бир шер чорва молларига ва одамларга хужум қилиб турар экан. Унинг териси шу қадар қаттиқ эканки, бронза учлик камон ўқлари ҳам унга қор қилмай, сачираб кетаварар экан. Геракл Дуб дарахтини ағдарибди, ундан йигирмата одам ҳам кўтара олмайдиган қурол ясаб олибди. У ўша шер яшайдиган ғорга дадил кириб борибди. Шер Гераклга ташланибди, лекин паҳлавон эса қўлидаги қурол билан бир уриб, уни гангитиб қўйибди, кейин қўллари билан бўғиб ўлдирибди. Шернинг териси Геракл учун ҳам совут, ҳам дубулға ўрнини босибди. Ўтиб бўлмас ботқоқликда гидра – териси ялтироқ тангачалар билан қопланган тўққиз бошли аждар яшар экан. У ботқоқликдан чиқиб келиб, чорва молларини еб кетавераркан. Геракл ана шу гидра билан олишибди, лекин у қилич билан аждарнинг бошини кесиб ташлайверган сари, битта бош ўрнига иккита бош ўсиб чиқаверибди. Шунда Геракл ёнидаги ҳамроҳига гидранинг чопилган бўйнини лакка чўғ бўлиб турган олов билан куйдириб туришни буюрибди. Шундан кейин янги бошлар ўсиб чиқмай қўйибди ва Геракл баҳайбат аждарни ўлдирибди. Подшо Авгийнинг беш минг хўкизи бор экан. Мол хонани ҳеч ким тозаламагани учун молхонада гўнг қалашиб кетибди. Геракл шу молхонани бир кунда тозалаб бериши керак экан. Авги меҳмонлар билан базм қуриб ўтирган пайтда Геракл яқин ўртада оқиб ўтадиган иккита дарёни бўғиб қўйибди. Дарёлар тошиб, шиддат билан келган сув оқими молхонада қалашиб ётган ҳамма гўнгни ювиб кетибди. Геракл олтин олмалар олиб келиш учун узок йўлга отланибди. Бундай олмалар Юнонистондан узокдаги океан соҳилидаги боғда ўсар экан. Қадимги юнонларнинг ишонишича ўша жойда осмон ер билан туташар экан; забардаст Атлант осмони – ғоят катта ярим доира шаклидаги гумбазни ўз елкасида кўтариб турар экан. Атлант олмаларни узиб чиққунча Геракл осмонни елкасида кўтариб турган. Осмон гумбазининг оғирлигидан Гераклнинг оёқлари тизасигача ерга кириб кетибди, суяклари қирсиллаб баданини қора тер босибди.

Геракл юнонларнинг энг оммабоп қаҳрамонларидан бири бўлиб, у нооддий жисмоний куч, ботирлик ва бағрикенглик билан ажралиб турган. Ривоятларда Геракл ҳаққоний халқ қаҳрамонидек чиқади: у табиатнинг даҳшатли кучларини енгади, ваҳшийларни йўқ қилади, ишончни синдирувчи подшолар ғолиб бўлади, бу жасоратларни у халқнинг яхши ҳаёт кечиришлари учун содир қилади.

Гераклнинг отаси Зевс бўлган, онаси ўлимлар аёли Алкмена, Аргослик подшо хотини Амфитриона бўлган. Қаҳрамоннинг туғилиши унинг келгусидаги тақдирини белгиловчи воқеалар билан боғлиқ: Зевс ўғлини дунёга келишини билган ҳолда унга ёқиб қолган Алкменалар, Олимпдаги худоларга, яъни янги туғилган бола белгиланган вақтда Аргос устидан ҳукумронлик қилади. Ғазабланган рашкчи Гера хийла ишлатади: Натижада Аликменани туғилиши кечиктирилди ва кўрсатилган муддатда биринчи бўлиб дунёга акасининг хотини Амфитрионанинг боласи дунёга келади, у нимжон – кучсиз Еврисфей эди. Оқсоқолнинг қоидаси бўйича у Аргоснинг ҳукумдори бўлади, Геракл эса унга бўйсинувчи бўлиб қолди.

Илонни бўғаетган Геракл. Мармар. юнон. Аслидан римча нусха. Мил.ав. II аср. Джоушуа Рейнолдс. (1723-1792) **Чақалоқ Геракл.** М.м.б. Англия.

Геракл ҳали жуда ҳам ёш бўлган вақтда, Гера унинг бешигига икки улкан илонни юборади. Уларнинг вишиллашидан безовдаланган, чақалоқ, ўзининг биринчи жангига кўрқинчсиз киришади ва маҳлуқни бўғиб ўлдиради.

Джоушуа Рейнолдс ривоятининг асосий лавҳасини ифодалайди: Бирданига Алкменни ўғилларига ташланишди (Бешиқда Геракл билан бирга ётган акаси Ификл бор эди). Яланғоч қилич билан ёрдамга Амфитрион шошди. Кумушранг соқолли Тиресий, кўр кўзларини осмонга кўтариб, ёш қаҳрамонга шарафли тақдирини олдиндан айтмоқда. Тўқ булутлар орқасига беркиниб олган Гера осмонда астагина бўлаётган бўлаётган воқеаларга назар ташламоқда.

“Тўдак Гераклнинг илонни бўғаетган ҳолати” – инглиз рангтасвирининг энг шуҳрат қозонган картинасидан бири бўлиб, у Екатерина II буюртмаси бўйича ишланган. Сюжет танлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, буюртмачининг ташаббуси билан, Рейнолдс шунчаки Геракл ҳақидаги афсонага мурожат этмаган. У ўз хатларидан бирида ўз танлови ҳақида шундай ёзган: “Мен Гераклнинг табиийликдан ҳам юқори кунини кўрсатиш учун унинг” чақалоқлик даври мавзусини танладим ва бу шунга ўхшаш (энг охирги даражада узоқлашган) болаларни эмас, балки рус империясининг шу қадар таниқли қудратини” намоён этади”.

Геракл ўсиб улғайганда, Амфитрион ўсмирни подани боқиш учун Киферон тоғларига юборади. У ерда қаҳрамон шерни ўлдириб унинг терисига ўралиб олади, ясен дарахтидан ўзи улкан чайла ясади. Уни ҳеч ким кўтара олмайдиган оғирликда қурди.

Милоддан аввалги V асрда таниқл файласуфлардан бири тўқиган аллегория муаллифи Продик хикояси бўйича Киферон яйловига Геракл олдиға икки аёл келдилар. Улардан бири – ҳаёт билан унинг ажойиб лаззатларидан тўлиқ мазза қилишиға – урғу берди, бошқаси холис тилаклар айтувчиси – ёш қаҳрамонға мураккаб ҳаёт йўлини вада қилди – аммо бу йўл уни шарафлашға олиб боришини олдиндан айтди. Геракл холис тилак йўлини танлади. Картинада П.Батони

Венерани нозиклигини тантанали қизил ёпинчиқли образда намоён этади: у қўлида гул билан қаҳрамонига чўзмоқда. Минерва ялтираётган дубулгада ва **қатий** либосда, холис ниятлилик тимсолида кўринади. У Гераклнинг оёғи остида кичкинагина кўринади.

Киферон яйловлардан ватанига қайтиб келган Геракл фиваликларнинг подшосига муҳим хизмат кўрсатди ва мукофот тариқасида подшо қизини хотинликка берди.

Гера қаҳрамонни тақиб қилиб юрди. Худо аёли уни ақлдан жудо қилди ва Геракл ўз болаларини қурбонлик деб фараз қилиб, уларни оловга ташлайди. Ўзига келган ва қилганларини тан олиб, Дельфга жўнади, у ерда Аполлондан ўз гуноҳларин ювишни сўрашни ўйлади. Аполлони қўлловчи Пифия, қаҳрамон Аргосга жойлашиб, Еврисфея подшоси ўн икки оғир ишларни бажаришни топшириши учун буйруқ берди.

Гераклнинг қаҳрамонлиги - Немей шери билан кураши иккитадан бир Баҳайбат шер, ер ости подшолигининг қудратли кучларини, Немен шаҳри яқинида яшовчи бу ҳайвон аҳоли ва чорвани ер эди. Ҳайвон яширган ғорга яқинлашиб, Геракл уни ўқ билан яраламоқчи бўлди ва шернинг терисини яхлит қолишини хоҳлади. Якка курашга киришишга аҳд қилган қаҳрамон маҳлуқни бўғди.

Юнонистоннинг таниқли ҳайкалтароши – Лисипнинг **Геракл** номли асарида инсоннинг ғалаба учун шиддатли кураши (динамикасининг бориши) ифодали берилган. Бундай асарлар жудаям кўп яратилган. (**Геракл шер билан жангда**. Мармар.Мил.ав.IV аср. Юнонистон, Ҳайкалтарош Лисипнинг аслидан римча нусха. **Геракл уч олмалар билан**. Мармар. Юнонистон. Мил.ав.IV аср ҳайкалтароши Скопос мактабининг аслидан римча нусхаси).

Гераклни уч олмалар билан – номли асар антик давр ҳайкалтароши таниқли Скопас томонидан яратилган. Унинг асарида инсониятнинг фожиаи ҳолати, кучли ҳатти, ҳаракатлари ўзининг хаяжонли ифодасини топган.

Ривоятнинг бошқа икки варианты мавжуд: унда Геракл боғни қўриқлаётган аждаҳо Геспиридни ўлдириб олтин олмани қўлга киритгани акс этган.

Монтавано мазкур версияни қўллаб иккита турли эпизодни картинада акс эттирган. Чапда Геракл аждаҳони енгмоқда. Ўнгда – Еврисфейни мағлуб этмоқда.

Юнонистонда ҳар бир шаҳарнинг ўз илоҳлари бўлиши, уларнинг сиёсий тарқоқлигидан далолат беради. Гомер даврида юнонларнинг кўплаб жамоаси Олимпия худоларига ибодат қилганлар. Олимпия улуғ худолари пантеонининг келиб чиқиш масаласи жуда мураккабдир.

“Олимпиядаги Зевс ибодатхонаси милoddан аввалги 460 йилларда барпо этилган. Ибодатхона учун ишлатилган устунлар узайтирилиб олинishi ҳисобига бинога кўркамлик киритилган. Ундаги бўртма тасвирлар ҳам ниҳоятда юксак даражада ишланган. Бино метопларида Гераклнинг қаҳрамонлигини акс эттирувчи бўртма тасвирлар ишланган. Шарқий фронтонида ғилдиракли араваларда мусобақаларнинг пайдо бўлишига оид афсона, Ғарбий фронтонида эса худо ва қаҳрамонларнинг ёввойи кентаврлар билан жанги тасвирланган. Релефда ишланган одамлар образида хотиржамлик, ўз кучига ишонч акс эттирилган.

Аксинча кентаврлар ҳолатлари, жаҳл аччиқланиш ва аламдан ўзини тута билмасликлари уларнинг юзлари, ҳатти ҳаракатларида очиб кўрсатилади. Лавҳада жанг тугалланмаган пайти тасвирланган бўлса ҳам, лекин унинг инсонлар фойдасига ҳал бўлиши аниқ. Образларнинг ҳатти ҳаракати, ўзларини тута билишлари ва хотиржамликлари шундан далолат беради.

Асарнинг асосий ғояси инсон ақл-заковатининг табиат устидан ғалабасини куйлашдир. Лавҳа марказида хотиржам, тик ҳолда тасвирланган нур ва санъат худоси Аполлон эса қаҳрамонлик, жасорат рамзи сифатида акс эттирилган. Юнон ҳайкалтарошлигининг характерли томонларидан бири шундаки, ҳайкалтарош ўз мавзуларини мифологиядан олса ҳам лекин ундаги фантастик, нореал томон иккинчи планга ўта бошлайди. Мифологик воқеа ва образлар орқали ижодкор инсоннинг куч-ғайрати ва қудрати, гўзаллигини очиб беради” (Н.Абдуллаев).

Олимпия ўйинлари. Юнон полислари бирлигини, яқинлигини таъминлаган омиллардан бири, бош худо Зевсга бағишлаб, ҳар 4 йилда бир марта ўтказиладиган Олимпия ўйинлари бўлган. Ўйинлар пайтида урушлар таъқиқланган. Олимпиадага бораётган йўловчи ҳар қандай шаҳарда даҳлсизлик ҳуқуқига эга бўлган. Ўйинларни томоша қилиш учун Юнонистон ва узоқ колониялардан ўн минглаб томошабинлар келган. Улар орасида ёзувчи ва шоирлар, рассом ва ҳайкалтарошлар, тарихчи ва файласуфлар ҳам бўлган. Ривоятларга кўра тарихчи Геродот машҳур асари «Тарих»ни биринчи марта шу Олимпия шаҳрида ўқиб берган экан. Пелопонесснинг ғарбидаги Елида вилояти таркибидаги Олимпия шаҳрида биринчи Олимпия ўйинлари мил. авв. 776-йили ўтказилган. Юнонларнинг қадимги тақвимида йил саноғи худди шу воқеадан бошланган. Мусобақаларда ҳар бир юнон фуқароси қатнашиши мумкин эди. Аммо аёлларга ўйинларда қатнашишгина эмас, томоша қилиш учун кириш ҳам таъқиқланган. Олимпия ўйинлари вақтихушлик бўлмасдан худо Зевсга хизмат бажо этиш ҳисобланган. Шунинг учун ғолибларга Зевснинг эътибори тушган, муқаддас кишилар деб қаралиб, улар шарафига ҳайкаллар ўрнатилган. Олимпия ўйинлари ёзда ўтказилиб 5 кун давом этган. Биринчи кун олимпиада иштирокчилари худолар шарафига қурбонликлар келтириб, ҳалол курашишга қасамёд қилганлар. Кейинги уч кун мусобақаларга бағишланган. Олимпия майдонларида чопиш, сакраш, кураш тушиш, диск отиш, найза отиш ва муштлашиш бўйича мусобақалар бўлган. Тўрт от қўшилган икки ғилдиракли аравалар мусобақалари ипподромда ўтказилган. Бешинчи кун, Зевс ибодатхонаси олдида ғолиблар бошига зайтун гулчамбарлар кийдириб тантанали тарзда мукофатлаганлар. Юнонистоннинг Истма шаҳрида ҳам ўз мавқеи бўйича Олимпиададан кейинги ўринни эгаллайдиган худо, Пасейдон шарафига ўтказиладиган спорт мусобақалари ҳам бўлган. Юнонистонда хотин-қизларнинг спорт мусобақалари ҳам бўлиб. У Зевснинг рафиқаси Гера шарафига ўтказилган. Унда кўпинча йигитлари сингари чидамли ва бақувват қилиб тарбияланган Спарта қизлари ғолиб чиққанлар. Умумюнон ўйинлари юнон халқларининг бирлигини англашидаги муҳим омиллардан бири бўлган.

Афина (Паллада) - юнон афсоналаридаги уруш ва ғалаба, санъат ва ҳунармандчилик, билим ва донолик маъбудаси. Зевснинг қизи. Зевснинг бошидан тўла қуролланган ҳолатда (дубулға ва совут билан) туғилган. Афина шахрининг хомийси. Юнон санъатининг нодир ёдгорлиги бўлган Афинадаги Парфенон ибодатхонаси олдида Афинанинг жасур қиз шаклида тасвирланган катта ҳайкали қўйилган. Афина шахрига бу маъбуднинг номи қўйилган.

Афинани Посейдон билан бахси. Антонио Ломбардо. (1458-1516). Мармардан ишланган ҳайкал Италия. (Римликларда – Минерва). Қадимги Юнонистоннинг худоларидан бири, жанговор, донолик худоси. Илм ва ҳунар хомийси, у аёлларни тўқувчиликка ўргатган: Афинанинг ғамхўрлиги туфайли юнонлар миришкор кема қурувчилари ва кулоллар бўлдилар. Кўпгина шаҳарлар худонинг химоясида бўлган ва улар орасида, уни номи билан аталувчилари бўлган.



Ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, Афина ва Посейдон ўртасида Аттика устидан ҳукмронлик учун бахс келиб чиққан. Худолар ғолиблар ким бўлиши, ким шаҳарга унинг аҳолисига энг яхши тухфа олиб келса, ўша бўлади

деб қарор қилишди. Денгиз ҳукмдори қояга учтишларга урилди ва ундан булок чиқарди. Бу шуни англатар эдики, яъни афиналиклар қудрати денгиз сузувчилари бўлиб қолади. Афина найзаси билан ерга урди ва олинкали дарахт ўсиб чиқди ва унинг ҳосили халққа бойлик келтиради, Афина ғолиб деб топилади.

Афинанинг донолигини юнонлар уни Зевснинг бошидан туғилган деб тушутирдилар.

Зевс, ақл худоси Медита билан никоҳга киради ва унинг учун хотини ёруғ дунёга қиз келтиради, кейин ўғил туғади ва у ўзининг қудрати билан худолардан ўтади. Олам устидан ҳокимликни йўқотишдан қўрқган, Зевс Метидани ютиб юборади. Тез орада кучли бошоғриғини сезган Зевс темирлар худоси Гефестани чақиради ва бошини тузатади. Худолар олдида ниҳоятда чарақлаган Афина намоён бўлади. Гомерча гимнда “Афинага” гапирилади.

У бошлардан илохий тўғри уни тўлиқ хушликлар билан,

Олтиндек ёрқин чарақлаган, уни кўриниши офатижон.

Ҳаммани абадийлик чулғаб олди, Зевс олдида эгида ушлаган холда

У ерга тезда сакради ва унинг бўлимидан унинг абадий аён.

Ўткир найза билан яралади

Афина дубулғада, ёй, қалқон ва кўкрагида эгида билан тасвирланган. Бир қатор асарларда – ғалаба худоси Ника қаотлари билан, баъзан Афинанинг оёғи остида унга бағишланган бойўғли ва илонни кўриш мумкин. Қадимда худонинг ҳайкали бизнинг мил.ав.V аср. Фидий томонидан филд суягидан ва Парфенон ибодатхоаси учун олтиндан бажарилган ҳайкали кенг машҳур бўлган. У сақланиб қолмаган, аммо бизгача етиб келган римча нусхаси танилган юнон ҳайкалтарошидан ўтади.

Ломбардонинг “Афинанинг туғулиши” бўртмасида Зевс ва унинг буйруғини бажаришга таййор турган Гефест тасвирланган. Темирчилик хунари худосининг қўлларида оғир мослама, унинг ёнида ёрдамчилари тасвирланган. “Афинанинг Посейдон билан бахси” – Бўртмасида Афина (оливка дарахти олдида), Посейдон (унга бағишланган от билан) ва афиналик хакамлардан бири тасвирланган.

“Парфенон рельефларида Афиналикларнинг жасорати ўзининг бадиий ифодасини топди. Унинг шарқий фронтонида Афина маъбудасининг туғилаётгани пайти, ғарбий фронтонида Афина Посейдоннинг Аттикага (Афина полиси Аттика вилоятида бўлган) ким хомий бўлиши тўғрисида мунозара қилинаётгани тасвирланган. Метопларда ҳам мифлардан олинган воқеалар акс эттирилган. Шарқий фриз метопларида худо ва гигантлар кураши, шимолий томон метопларида Троянинг вайрон бўлиши, Ғарбий томонида эса грекларнинг амазонкалар билан жанги тасвирланган. Лекин бу композицияларнинг асосий мазмуни ва ғояси давр билан, унинг руҳи билан боғлиқ бўлиб, грекларнинг эронликлар устидан эришган ғалабасини поэтик талқин этишга, инсоннинг табиат кучлари устидан ғалабасини тараннум этишга қаратилган” (Н.Абдуллаев)

Агора - Қадимги Юнонистонда халқ йиғинлари ўтказиладиган шаҳар майдони. Агора дастлаб Василий саройи олдида ўрнашган, кейин мустаҳкамланган тепа этагидаги акрополга кўчирилган. Энг машҳур агора

Афинада бўлиб, акрополнинг шимолида жойлашган. Афина агораси жамоат бинолари, усти берк галериялар, худоларга атаб қурилган ибодатхона, эътиборли кишилар номини абадийлаштириш учун қўйилган ёдгорликлар ва бошқаларни ўз ичига олаган. Бизнинг давримизгача сақланган Гефест ибодатхонаси ҳам агорага бориб тақалади.

Аид (Гадес, Плутон) - юнон мифологиясида ер ости дунёси ва ўликлар салтанатининг худоси. Шунингдек, мазкур салтанатнинг ўзи ҳам Аид деб аталган.

Аполлон - юнон мифологияси ва динида олимп худоси. Зевс ва Летонинг ўғли, шифо бахш етувчи, соҳибкаромат ва санъат ҳомийси. Аполлонга сиғиниш Кичик Осиёда бошланиб, мил. авв. II минг йилликда Юнонистонга, у ердан Римга тарқалган. Дастлаб чўпонлар ҳомийси, олмазорлар худоси деб танилган. Уни шеърят ва мусиқа ҳомийси сифатида ҳам эъзозлашган. Қадимги юнон санъатида Аполлон қўлида ўқ-ёй ёки мусиқа асбоби ушлаган ёш йигит кифасида тасвирланган.

Арес - юнон афсонасида уруш худоси.

“Аргонавтлар тўғрисида афсона” Қадимги юнон адиблари томонидан яратилган афсона. Афсона шундай бошланади: Кавказда — Қора денгиз соҳилидаги ўрмонда олтин барра — олтин жунли қўй териси осиб қўйилган экан. Унинг эгаси денгиз соҳилларининг хўжайини бўлган подшо экан. Асло кўзини юммайдиган бир аждар ана шу олтин баррани қўриқлаб ётаркан. Олтин баррани қўлга киритиш учун узоқ хатарли сафарга боришга аҳд қилган ботир йигитлар Юнонистоннинг ҳамма томонларидан йиғилиб келишибди. Уларга зодагон йигит Ясон бошчилик қилибди. Арг исмли моҳир бир уста улар учун ёғоч кема ясаб берибди, бу кема елкан билан, ҳам ешаклар билан юрар экан. Устанинг номидан олиб, бу кемани “Арго” деб, саёхатчиларни еса аргонавтлар деб аташибди. Аргонавтлар узоқ вақт сузиб юришибди. Улар гоҳ ажралиб, гоҳ яна қўшилиб, даҳшатли куч ва гулдураш билан бир-бирига келиб уриладиган қоялар ўртасидан сузиб ўтишибди. “Арго” бу қоялар орасидан зўрға сирғалиб ўтишга улгурибди: қоялар рул сифатида бошқариладиган эшакларнинг охириги тахтасини мажаклабди, холос. Аргонавтлар кўп саргузаштларни бошларидан кечириб, Кавказга етиб келишибди. Ясоқ агар хавфли топширикни бажарадиган бўлса, подшо унга олтин баррани беришни вада қилибди. Подшоҳнинг қизи сеҳргар Медея Ясонга ғаройиб тарзда тасир қиладиган мой - дори берибди. Ясон шу мой дори билан баданини артган экан, бадани ғайри инсони кучга тўлиб, оёқлари худди омбурдек мустаҳкам бўлиб қолибди. Нафасидан олов пуркаб турадиган иккита баҳайбат хўкиз шохларини чўзиб, Ясонга ташланибди. Лекин уларнинг зарбаси Ясонни ҳатто ўрнидан кўзгата олмабди. Подшонинг буйруғи билан Ясон хўкизларни омочга қўшиб, ер ҳайдабди ва унга аждарларнинг тишларини экиб чиқибди. Екилган шу тишлардан аввалига ер остидан найзаларнинг учлари ва дубулғаларнинг усти кўринибди, сўнгра эса курол-яроғлари мисдан ясалган бутун бошли қўшин униб чиқибди. Бу қўшин Ясон устига даҳшат билан бостириб кела

бошлабди. Ясон қўшин орасига тош отибди. Шундан кейин жангчилар бир бирлари билан муштлашиб кетишибди, бу вақт эса Ясон уларни ўз қиличи билан бирма-бир қириб ташлабди. Гарчи Ясон топшириқни бажарган бўлса ҳам подшо унга олтин баррани бермабди. Шунда Медея олтин баррани қўриқлаб ётган аждарни сеҳр билан авраб, ухлатиб қўйибди. Аргонавтлар олтин баррани олиб, кемаларига тушиб, соҳилдан жўнаб кетишибди. Улар из қувловчиларидан зўрға кутилиб, Гретсияга қайтиб келишибди.

“Дедал ва Икар ҳақида афсона”. Юнонистонда яратилган қадимий афсоналарда айтилишича, Критда моҳир меъмор, ҳайкалтарош, кўпгина фойдали асбобларнинг ихтирочиси бўлган Дедал деган бир киши яшар экан. У Крит подшосига лабиринт – чалкаш йўлакчи бир бино қуриб берибдики, унга киргандан кейин чиқиб кетиши мумкин эмас экан. Дедал Критдан бош олиб чиқиб кетмоқчи бўлар, лекин подшо уни қўйиб юбормас экан. Шунда Дедал ўзи ва ўғли Икар учун қуш патларини мум билан ёпиштириб, қанот ясабди. Улар қанотдан фойдаланиб, Критдан учиб кетишибди. Дастлаб Икар отасининг орқасидан учиб борибди, лекин учибма қолди, баланд осмонга кўтарилибди. Қуёшнинг иссиқ нурлари мумни эритиб юборибди. Икар денгизга йиқилиб тушиб, чўкиб кетибди: фақат қанотларининг патларигина тўлқинларда сузиб юрибди. Дедал бўлса узок Ситилия оролига учиб бориб қўнибди.

Деметра - юнон мифологиясида дастлаб ҳосилдорлик, деҳқончилик, кейинчалик никоҳ ва оилавий ҳаёт маъбудаси. Кронос ва Реянинг қизи, Зевснинг синглиси, Персефонанинг онаси. Деметра одамларга буғдой бошоғини совға қилган ва уларни деҳқончиликка ўргатган. Ер ости салтанати худоси Аид Персефонани ўғирлаб кетганда Деметра ғазабланган ва ер ҳосил бермай қўйган, очарчилик бошланган. Шунда Зевс Персефонага ярим йил ерда онаси билан, ярим йил у дунёда Аид билан бўлиш буюрган. Бу афсонада ўсимлик дунёсининг ҳар йили ҳазон бўлиши ва янгидан ўйғониши жараёни акс этган.

Гермес - юнон мифологиясида дастлаб чорвадор ва чўпонлар худоси, пода ва яйловлар ҳомийси. Зевс ва Майянинг ўғли. Кейинчалик йўл, йўловчилар, савдогарлар ва савдо ҳомийси, сонлар ва лира (музыка асбоби) ихтирочиси сифатида сиғинилган.

Оламдан ўтганларни кузатувчи ер ости подшолиги Аидани, шунингдек, савдоларни ҳал қилувчи, айёр баъзида у санъатни ҳомийсидек қабул қилинади. Ана шу художўйликнинг кўп сонли ривоятларидан бири ҳақида хикоя қилади. Унда айтилишича эндиgina туғилган, Гермес Аполонни моллар подшосини кўради ва уларни шундай яширадики, олиб кетилганларини ҳеч ким кўрмади. Ва у қайтиб бориб бешигига ётиб ухлади. Олимпнинг жаҳли чиққач, олдида ўзини намоён қилган, кичик Гермес лқилона тарзда химояланди ва ўзининг топқирлиги билан шов-шув уйғотди ва худолар уни кечирдилар. Аполлоннинг жаҳлини юмшатиш мақсадида, ҳақгўй унинг молларини қайтарибгина қолмай, хатто унга тошбақанинг косасидан тайёрланган қалқонни лира кўринишидаги совғани берди.

Праксителнинг бизгача ўз аслида етиб келганягона асари “**Дионисни кўтариб турган Гермес**” ҳайкалидир.

Афсоналарга кўра, Зевс янги туғилган ўғли Дионисни ўрмонда яшовчи нимфаларга тарбияга беришни Гермесга топширган. Чарчаган Гермес йўлда тўнкага таянган ҳолдаҳордиқ чиқариш учун тўхтаган. Композицияга ана шу сюжет асос қилиб олинган. Асарда юқори классикага хос бўлган жасурлик, жиддийлик ёки салобатни кўрмаймиз. Аксинча, образ ўзининг нафис, шоирона талқин этилиши билан характерланади. Ҳайкалтарошни Гермеснинг келишган, куч-қувватга тўла баланд бўйли қомати, ёшлик нафосати, ҳаракатидаги пластик гўзаллик қизиқтиради. Праксителъ мармарда жуда кўп ишлаган. Мармардаги нурсоя ўйинларинингэмоционал кучи, фактураси орқали инсон гавдасини, терисининг тиниқ ва духоба каби майинлиги ҳамда инсондаги истара ва ҳаётийликни очишга интилан

Гименей - юнон афсонасида никоҳ худоси.

Кентавр - юнон мифологиясида ярми от ва ярми одам бўлган мавжудот.

Клио - юнон афсонасида тарих музаси.

Мом - юнон афсонасида ғийбат ва киноя худоси.

Мойралар - юнон афсонасида тақдир илоҳалари.

Немесида - юнон афсонасида қасос ва интиқом илоҳаси. Альфред Ретель (1816-1859)..М.м.б.Германия. Антик ривоят бўйича, Немесида – қасоскор , ўч олувчи худо бўлиб, ёмонликни йўқотиб, ҳақиқатни тиклашга интилади. Баъзи тасвирий санъат асарларида ҳолларда қанотли ва кўлида қилич билан тасвирланган.

Ретелнинг картинасида Немесида кўлида қилич ва қум билан, қотилни таъқиб қилиб бориб, унинг жинояткорона ҳаётига якун яшаш учун унинг охириги ҳаётини сонияларини ҳисоблаётгандек тасвирлаган. Асарнинг орқа режасида эса унинг жиноятининг қурбони ифодаланган.

Нимфа. Антик ривоятларда нимфалар – қуйи худолар бўлиб, улар кучлар ва табиат ходисаларини намоён этган. Денгизда нереидалар, дарёда ноядалар яшаганлар. Тоғларни парилари, дарахтларни, ориадалари – ичувчилари, водийлар ва бошқалар бўлган.

Афсоналарда ҳикоя қилинишича, худоларнинг умр йўлдоши ва севгилиси бўлганлар.

Ника - юнон афсонасида ғалаба илоҳаси.

Сиклоп - юнон афсоналарида пешонасида битта думалоқ кўзи бўлган мавжудот.

Сирена - ярим қуш ва ярим аёллар қиёфасида бўлган мавжудот.

Тесей ҳақида афсона - Юнонистонда яратилган қадимий дostonга кўра. Афина шахрига бир вақтлар Эгей деган киши ҳокимлик қилган экан. Крит подшоси, шахарга оғир ва шармандали солиқ солибди: афиналиклар ҳар тўққиз йилда етти йигит ва қизни Критга юборишлари лозим экан. Уларни гавдаси одамга ўхшайдиган хўкиз бошли бир махлуқ еяр экан, бу махлуқ машхур лабиринтда яшар экан. Эгейнинг ўғли – Қудратли Тесей қурбон қилинадиган йигитлар орасида Критга боришга ва махлуқ билан жанг қилишга қарор қилибди. Кемага қайғу белгиси сифатида қора елкан ўрнатилган экан: Тесей ғалаба

қозонган тақдирда бу елканларни оқ елканлар билан алмаштиришга отасига вада берибди. Критда подшонинг қизи Ариадна яширин равишда Тесейга ўткир бронза қилич ва ип ўрами берибди. Тесей лабиринтга кираверишда ипни боғлаб, лабиринт биноси ичига кириб кетибди, ипни ёйибди. Тесей махлукни ўлдирибди ва ип бўйлаб ўз ҳамроҳларини лабиринтдан чиқарибди. Тесей отасига берган вадасини унутиб, елканни алмаштирмабди. Эгей қора елканли кемани кўриб, ўзини денгизга ташлабди ва чўкиб кетибди. Унинг хотирасини эслаб денгизни Эгей денгизи деб аташибди.

Титан - юнон мифологиясида акс этган Уран ва Гейнинг фарзанди, Зевс улар устидан ғалабага эришгач, титанларни Тартарга (ер остидаги ўликлар салтанати) улоқтириб ташлайди.

Гера – тасвирий санъатда худоларнинг энг улуғи Зевснинг хотини гўзал аёл киёфасида ифодаланади. У сигир худо кўринишидадир. Иккинчиси Посейдон Пелопоннессада қадимий денгиз худоси бўлиб, унга балиқчилар сиғинишган. Классика даврида Пестумдаги Гера ибодатхонаси эрамиздан аввалги 5-асрнинг биринчи чорагида қурилган бўлиб, ҳозирда яхши сақланиб қолган. Бинонинг нисбатлари бир-бирига уйғун. Деталь ва безаклар ўз ўрнида ишлатилган. Лекин бинодаги примитивлик ва оғир кўриниш уни архаика даври билан боғлайди.

Гея – “юнон мифологиясида ер худосининг илк номи. Олимп худоларидан илгариги энг қадимги маъбуда. Ўз-ўзидан осмон (уран), денгиз (пант) ва тоғларни яратган эмиш. Афсоналарда айтилишича, урanni ўзига эр қилиб олган. Улардан худоларнинг биринчи авлоди – 6 эркак ва 6 аёл титан туғилган, уларнинг орасида Зевснинг ота ва онаси – Кронас ва Рея ҳам бўлган.

Гея олимп худоларининг ҳаётида фаол иштирок этмаса ҳам уларга доно маслаҳатлар бериб турган. Вақт ўтиши билан Гея тақдир ҳукмини биладиган қадимги донишмандлик хомийси сифатида эъзозланган. Шу сабабли уни Фемида билан тенглаштиришган. Гея образи қисман. Деметра ва Кибелда гавдаланган.

Àìóð – қààèîãè Ðèì ìèòîëîãèÿñèàà ñàããè ðóãîñè. Æãñòèàá Àìóð êàîîî àà ¢қ áèèáí қóðîëèàíãáí қáíîòèè éèãèò ñèòàòèàà, êáèèí÷àèè ìãàìèàð àà ðóáîëèàðîè ñàããè àçîáèàà ìóáòàèî кèèàèèàáí ìóñîáèð áîèà ñèòàòèàà òãñàèðèáíãáí. Þíí ìèòîëîãèÿñèàààè Ýðîòàà ò¢ғðè êáèàãè. (йç.Ìèë.ýí-ñè, 1-òîì. 2000 éèè.299 áàò)



Àðeía – þííí àðñíàeàðeàà óðóø àà ғàeààà, ñàíúàð àà хóíàðíàíàeèe, áeèeí àà áíííeèe íàáóààñe хeñíàeàíàáí. Àeðeí ðeáíýòeàðàà ó Çàâñíeíã кeçe äàeèeààe. Òàñâeðeè ñàíúàðàà Àðeía Çàâñíeíã áíøeàáí òçeà кóðíeèàíàáí хíeàðàà äóáóeғà àà ñíàóò áeèàí òóгeèàáíeèàe èðíààeàíààe. Áeíe íàeòàà ó øàхàðeàð àà кçðғííeàð хííeèñe хeñíàeàíàáí. Óíeíã «Àðeía ðóáíñe», «Àðeíaeèe à,ë», «Íàeèààà», «Ííeèààà» eààe ýeèeèeà үкeí ñeòàðeàðe áçeàáí. «Ýeèààà òààñeðe» èeðíàeàà óíàà àòàà àòíeø ò÷òà òóðeè eáíààðòííà, çe,ðàòáíхeàð кóðeèàáíe ,çeà кíeàeðeèeàáí. Àðeía Àðòeíàààáí eáeèíàe çðeíàà áçeèà, àðñíàeàðàà ó æàíííààð ðóáí ñeòàðeàà òçeà кóðíeèàíàáí хíeàà òàñâeðeàíàáí. Ó áíeқóø, eèíí, çàeòóí ààðàðeè ðeíñíeèàðeàà òàñâàáóð кeèeíeá, Àðeíàíeíã íàðàçeàà òíòàíeñòeè æeхàðeàð ñàкeàíeá кíeàáíeèeèe áàeàeñeàeð. Êàeèí÷àeè Àðeía øàхðe ðííeèñeàà áeèàíàáí. Ðeí àðñíàeàðeàààe Íeíàðàààà íñ eàeààe. Þííí òàñâeðeè ñàíúàðeíeíã íñàeð ,ãáíðeèeèe áçeàáí Àðeíààààe Íàðòáííí eáíààðòííàñe íeàeàà Àðeíàíeíã æàñóð кeç øàeèeèàà òàñâeðeàíàáí eàðòà хàeèàeèe çðíàðeèeàáí. (Ўз.Мил.эн-си, 1-том. 2000 йил.510-511 бетлар)

Артемида тасвирий санъатда юнонлар худоси-овчи қиз шаклида тасвирланган. Унга атаб ибодатхона ва муқаддас қадамжолар бунёд этилган.

Аполлон - юнон афсоналарида Зевс ва Летонинг ўғли, шифо бахш этувчи, соҳибқаромат ва санъат хомийси ҳисобланган. Айрим афсоналарда Артемиданинг акаси дейилади. Аполлон сўзининг маъноси баъзида «ҳалок қилувчи», гоҳ «чорва раҳнамози» сифатида айрим ҳолларда эса Олимп худоси сифатида талқин қилинган. Аполонга сиғиниш Кичик Осиёда бошланиб, милoddан аввалги 2-минг йилликда Юнонистонда у ердан Римга тарқалган экан.

Аполлон дастлабки даврларда чўпонлар хомийси, олмazorлар худоси сифатида эъзозланган. Қадимги юнон тасвирий санъатида Аполлон кўлида ўқ – ёй ёки мусиқа аспоби ушлаган ёш йигит қиёфасида намоён бўлади. Шу ҳолатдаги бир неча ҳайкаллар ишланган.

“Аполлон-қуёш тимсоли. Унинг нур сочувчи камон ва ўқлари қуёш нурларига қиёсланади. Аполлон нурлари уйғун кучларнинг мужассами сифатида Дионисга қарши қўйилади.

Аполлон сиймосини шифокорлик (табиб ва Аскленийнинг отаси сифатида) ва ажал билан боғлашади. Масалан, тўсатдан вафот этган киши ҳақида уни

Аполлон ўқи ҳалок этди дейишган. Гомернинг айтишича, Аполлон ўз ўқлари билан юнонлар кўнимгоҳига ўлат юборган. Эҳтимол, Аполлон рамзларининг бу жиҳати христианлик анъанасидаги демон Аполлон исмини эслатади (бу исм юнон тилида “ҳалок этувчи” сифатида таржима қилинади: яҳудий анъанасида Аполлонга Аваддон) “ҳалокат” мувофиқ келади). Аполлон ажал ва жаҳаннам мужассамига айланган. Тахминимизча, Аполлон тимсолининг турлилигига куёшнинг бир вақтнинг ўзида фойдали ва ҳалокатли ёриткич сифатидаги тавсифлари сабаб бўлган.

Кейинчалик Аполлон тимсоли Дионис образи билан яқинлашади. Аполлонга бағишланган байрамларда қатнашчилар ўзларини печак навалари ва гулчамбарлар (Диониснинг анъанавий белгиси) билан беаганлар, икала маъбуд шарафига Парнада базмлар уюштирилган. Бу ҳол қарама-қаршиликларни бирлаштириш, ёруғлик билан зулмат кучларининг уйғунлашиши рамзи сифатида шарҳланиши мумкин” (Ièiaáiaáà Ä. Òèîîëëäð òëëñèè. Ò.:2007. 16,17 á).

Атлант – Ўзбекистон миллий қомусида безак ҳайкалтарошлиги асари асари сифатида таърифланади. Юнонлар тасаввурида осмон гумбазини кўтариб турган мислсиз куч қудратга эга бўлган афсонавий паҳлавондир. Атлант одатда меъморликда бинонинг бирор жойини кўтариб турувчи устун, яримустун ва тирговуч вазифасини ўтайди. Кўпинча бино ташқарисидаги меъморий элементлар (равоқ, дарвоза, эшик, балкон, болахона устунлари) сифатида ишланади. Ўзбекистон санъат музейида мраммрдан ишланган Атлант ҳайкали бор. Бу асар 1873 йил италян ҳайкалтапроши Т.Солари томонидан яратилган. (Ўз.Мил.эн-си, 1-том. 2000 йил.485 бет)



Зевс – юнон афсоналарида олимпия худоларининг улуғларидан бўлиб, «худолар ва одамлар» отаси олий ҳукмдор ҳисобланган. Кронас ва Реянинг ўғли. Худоларнинг учинчи авлодига мансуб. Унда элликка яқин маҳаллий худоларнинг

сифатлари жамланган. У ҳақдаги афсоналар Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс номи «ёғдули осмон» маъносини билдиради. Тортарда ўз отаси ва бошқа титанларни енгади ва Олимп тоғида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Оламни қайта тузиш ишларини бошлаб беради, худоларни яратади, янги қонунлар чиқаради. Ўзи ҳукмронлик қилаётган барча ҳудудларда мустаҳкам тартиб ўрнатади. Фан, ахлоқ, санъат соҳаларида маълум меъёрларни жорий этади. Шу мақсадда худоларнинг иродаси ва яхши ниятларини рўёбга чиқарувчи кўплаб афсонавий қаҳрамонлар – Геракл ва Персейнинг отасига айланади. Айрим афсоналарда эса Зевс ниҳоятда даҳшатли ёвуз куч сифатида намоён бўлади. Унинг бир неча маротаба одам зотини ер юзидан бутунлай йўқ қилиб, ундан ҳам янада мукаммал инсонни яратишга уриниши шундан далолат беради. Унинг ҳақидаги афсоналарнинг айрим қисмлари “Илиада”, “Одисея” ва бошқа антик дунё асарларидан ўрин олган. Қадимги Рим афсоналарида Зевс Юпитер номи билан тасвирланади.

Дафна – қадимги даврдаги юнон афсоналарида дарёлар худосининг қизи. У вояга етгач, Зевснинг ўғли Аполлон уни биринчи кўришидаёқ ошиву-беқарор бўлиб қолади ва таъқиб эта бошлайди. Шунда Дафна ўз отаси-дарё худоси Пенейдан ёрдам сўрайди. Пеней Дафнани лавр дарахти(дафна)га айлантириб қўйган. Дафна ҳақидаги афсона назмда Онилейнинг “Метоморфозалар” асарида тилга олинади. Шунингдек, тасвирий санъатда Н.Пуссен туркум асарлар яратган бўлса, ҳайкалтарошликда Бернини ва бошқалар асарларида Дафна образига мурожаат этилган.

Посейдон – юнон афсоналаридаги олимпиялик худолари сирасига киради. Кронас ва Реянинг ўғли. Афсоналарда айтилишича, дунёга ҳукмронлик қилишни акалари Зевс ва Аид билан бўлишиб олган. Посейдонга денгиз насиб этган. Тасвирий санъатда у қўлида уч тишли айри ушлаган қиёфаси кўп яратилган. Посейдон ана шу айри ёрдамида денгиз довуллари хосил қилган.

Геба – юнон афсоналарида абадий ёшлик худоси, Зевс ва Геранинг қизи эканлиги қайд этилади. Айрим асотирларда Гебанинг худолар базмида соқилик қилгани, тенгсиз ва қудратли Гераклнинг хотини бўлганлиги ёзилади.



Сфинкс. Айрим манбаларда Сфинга тарзида ёзилган. Юнон мифологиясидаги қаноатли ярим аёл, ярим урғочи шер; Фива яқинидаги қоя устида яшаб, яйловчиларга топиб бўлмайдиган топишмоқ айтиб жавоб ололмагач, уларни еган. Сфинкс топишмоғининг мазмуни тахминан шундай бўлган;

- Ким эрталаб 4 оёқлаб, тушда 2 оёқлаб, кечкурун 3 оёқлаб юради?

Бу топишсоқни Эдип топган. Жавоби қуйидагича;

- Инсон болаликда 4 оёқда, улғайганда 2 оёқлаб ва кексайганда 3 оёқлаб юради, (хасса билан); Шу жавобдан сўнг Сфинкс қоядан ўзини ташлаган;

Афродита – юнон афсоналарида дастлаб ҳосилдорлик, кейинроқ севги ва гўзаллик маъбудасига айланган. Шу билан бирга у денгиз худоси ва денгиз



саёҳатчиларининг ҳомийси сифатида ҳам тилга олинади.



Афсоналарга қараганда Афродита денгиз кўпигида туғилган, асосий ибодатхоналардан бири Кибрис оролининг Пафос шаҳрида бўлган. Афродитага сиғиниш олдин Кичик Осиё, кибрис ороллари ва бошқа оролларда кенг ёйилган бўлса, кейинроқ Болқон ярим ороли ва юнонистонда тарқалган.

“Эллинистик давр юнон ҳайкалтарошлигининг нодир ёдгорлиги Милос ороли учун ишланган Афродита ҳайкалидир. **“Милос афродитаси”** деб номланган бу асар ҳайкалтарош Александр томонидан эрамиздан аввалги 120 йилларда ишланган. Бу асарда Афродита бир қўлида рамзи бўлган олма, бир қўли билан туғиб кетаётган либосини ушлаб турган ҳолда тасвирланган деб фараз қилинади. Бу ҳайкалда классика анъаналари, Пракситеъ услуби сезилади. Ҳайкалтарош мармар юзасини юксак маҳорат билан ишлаб. Жисмоний гўзал, майин ва нозик аёл қоматини кўрсата олган. Мармарнинг эмоциональ имкониятларидан ўринли фойдаланилганлиги асар поэтикисининг оширилишига сабаб бўлган. Мармарда ёруғ-соя ўйинларининг майинлиги, ўзидан тушаётган нурни қайтариши аёл қомати, умуман соғлом инсон қоматининг гўзаллигини очишга хизмат қилган. Афродитанинг юзидаги хотиржамлик, жамолининг гўзаллиги ва шоирона руҳ билан суғорилганлиги учун нафис санъат намунаси даражасига кўтарилган” (Н.Абдуллаев).



“Афродитанинг туғилишига бағишланган лавҳалар тахтага ишланган рельефларда ёрқин акс этган. Тахтанинг ён томонидакийимсиз ҳолда най чалиб ўтирган, иккинчи томонда майин материалгаўралиб ўтирган ҳолда, оловли идишга ёқимли ис тарқатадиган гиёҳ ташлаётган тасвирланган. Тахтнинг асосий қисмидаёса денгиз кўпигидан туғилаётган Афродита ва уни аста кўтариб олишаётган парилар кўрсатилган. Афродитанинг юзи ниҳоятда жонли чиққан.

Сувда ҳўл бўлган либоснинг бўккан ва оғирлашган ҳолати маҳорат билан ишланган. Илк классика даври ҳайкалтарошлигида катта ютуқларга эришилди.

“Пракситель биринчи бўлиб Юнон ҳайкалтарошлари ичида идеал аёл қоматини ишқ муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси Афродитаобразида акс эттирган. Афродитанинг сувга тушишга тайёрланиб ёнидаги ваза устига кийимларини ташламоқчи бўлиб турган пайти Пракситель асарида тасвирланган. Грек пластикасида кийимсиз ҳолатда тасвирланган биринчи аёл ҳайкалида маъбуда образи орқали энг аввало ёш ва соғлом аёл қомати, унинг пластик гўзаллиги тараннум этилади. Асар ўзининг ҳаётийлиги танланган нисбатларнинг ўзаро уйғунлиги ва шаклларнинг ўзаро гармоник ечимда олиниши билан катта таасурот қолдиради. Афродита ҳайкалини Книд ороли соҳилига ўрнатилган бўлиб, шунинг учун ҳам у “Книд Афродитаси” дейилади.

Пракситель замондошлари бу ҳайкалга юқори баҳо бериб, уни зиёфат қилиш учун одамлар узоқ-узоқлардан Книд оролига келганликлари ҳақида ёзишган. “Книд Афродитаси” санъаткорларни ҳам мафтун этган. Унга тақлид қилувчилар кўплаб Афродита ҳайкалини яратганлар. Лекин уларнинг асарлари беғубор туйғулар ўйғотувчи асар даражасига кўтарилмаган” (Н.Абдуллаев).

Гелиос – Гелий, юнон афсоналарида қуёш худоси. Қуёш нурининг ва қуёш ҳарорати илҳомбахш кучининг тимсоли, титанлар ва Феянинг ўғли. Баланд осмондаги Гелиос худолар ва одамларнинг ишларини кузатиб туради.



Дионис. Бу илоҳ турли манбаларда яхши ёритилган. Жумладан Д.Мингбоева “Дианани ҳосил тугадиган кучлар ва виночилар маъбуди эканлигини қайд этади. Лизй (холоскор)сифатлашига эга, чунки у кишиларни дунё ташвишларидан холос этади, уларни кундалик ҳаёт занжирларини олиб ташлайди. Душманларнинг кишанларини бузади. Дорийлар Дионисга Псила (Қанотлар) сифатлашини беришган. Чунки қушлар қанотлари ёрдамида осмонга кўтарилгани каби, инсон қалби туфайли ҳам вино туфайли парвоз қилади. Дионис қони табиатнинг ҳаётбахш сувларини мужассамлантиради. Диониснинг рамзлари печак, узум бўлган. Илон, ҳўкиз, қоплон ва эчки унинг ҳайвонлари ҳисобланган.

Дионисга бағишланган байрамлар Дионисия ёки ванжаналиялар деб аталган. Танани бўлақларга ажратиш ҳам у билан боғланади. Асотирга кўра, ванжанкалар дионисия удумларини назарга илмгани учун подшоҳ Пафейни бўлақ бўлақ қилиб

ташлаганлар, вакханамиялар вақтида улар қурбонлик молини бўлиб ташлаганлар. Орфик афсонага кўра Персефона Зевсдан туққан ва Загрей деб номланган Диониснинг ўзи рашкчи Гера юборган титанлар томонидан тилка-пора қилинган ва кейин яна Семела унга хомиладор бўлган. Энди у дунёга бошқа исм билан келган. Бу нарса уни ўладиган ва тириладиган маъбуд тўғрисидаги сюжет билан боғлаган бошқа ҳосилтугадиган кучлар маъбудлари билан яқинлаштиради.

Ўйин-кулги, қувноқлик, маст-аластлик мужассами бўлган Дионис Аполлонга қарама-қарши чиқади. Бироқ кейинчалик Аполлон ва Дионисга сиғинишлар бир бирига яқинлашган ва Дионисга Аполлоннинг баъзи бир тавсифлари (масалан, даволаш қобилияти) берилган” (Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Т.:2007. 17,18 б).

“Эрамиздан аввалги У1 асрнинг 2 чорагида яшаб ижод этган Эксекий амалий санъатда биринчи марта ўз қаҳрамонларининг руҳий кечинмаларини ёритишга ҳаракат қилган. Эксекийнинг ишлаган образларида чизиклар нафис, пластик аниқ ва тиниқлиги билан характерланади Унинг **“Қайиқдаги Дионис”** деб номлаган машҳур асари эрамиздан аввалги 540 йилда ишланган. Бу клик (клик-вино ичиш учун мўлжалланган идиш) ўзининг шакли ва деталарининг бир бирига мутаносиблиги, ташқи ва ички безаги буюмнинг мазмунига мослиги билан эътиборни тортади. Кликнинг ташқи томонида жанг манзараси ва катта қилиб ишланган иккита кўз тасвирланган. Бу кўз шароб ичувчини “ёмон кўздан” сақлаши керак. Кликнинг ички қисмида эса қайиқда сузиб кетаётган шароб ва шодлик маъбудаси Дионис тасвирланган.

Афсоналардан бирида айтилишича, денгиз қароқчилари Дионисни таниганлари ҳолда уни ўғирлаб, кул қилиб бошқа юртларга сотиб юбормоқчи бўладилар. Кема очик денгизга чиқади. Шу пайт палубадан ток навалари ўсиб, йирик узум бошлари ҳамда Дионисни кузатиб борадиган ҳайвонлар пайдо бўлади. Қароқчилар буни кўриб ваҳимага тушадилар. Ўзларини сувга ота бошлайдилар, лекин сувга етмаёқ делфинларга айлана бошлайдилар. Композицияда делфинларнинг кема атрофида сузиб юриши ва Диониснинг кемада ёнбошлаб ётган пайти тасвирланган. Кема, назаримизда, денгиз тўлқинларига аста тебраниб сузиб бораётганга ўхшайди. Бу мавзунини очишда идишдаги эгри чизиклар шаклига мос тушган қайиқнинг силуэти, делфинлар ҳаракати ва композиция ритми муҳим ўрин эгаллайди” (Н.Абдуллаев. Ўзбекистон санъати тарихи).

Пан – Юнонларнинг энг қадимги худоларидан ҳисобланиб, дастлаб у ўрмонлар ва чўпонлар подасини асровчи худоси сифатида тасавур қилинган. Кейинчалик бутун табиат маъбудасига айланган. Пан узун соқолли ва шохли, эчки оёқли бўлиб туғилгани учун онаси Нимфа Дриопа ўғлини кўриб кўрқиб қочиб кетган. Отаси Гермес хурсанд бўлганидан қўлига олиб Олимп худоси олдига олиб боради. Хамма худолар Пан туғилганидан жуда хурсанд бўлишган ва унга қараб роса кулишган. Пан Олимп худолари орасида яшашни истамай куюқ ўрмонзор, тоғларга чиқиб кетган ва у ерларда найда куй чалиб пода боқиб юрган. Найнинг ёқимли овози бутун жонзодни, табиатни нимфалардан шодлантириб қувноқ рақсга бошлаган. Паннинг ўзи ҳам қувноқ рақсга тушиб кетган. У шод бўлган пайтда ўрмонлар ва тоғлар ён бағирларида қувноқ қаҳ-қаҳа аримаган. Бутун табиат нимфа ва сатрлар-эчки оёқлар Пан билан рақсга тушган. Иссиқ кунлар

бошланганда у қуюқ ўрмонлар ичига ёки бошқа ўзига қулайроқ бўлган салқин жойларга кириб дам олган.

Пан дам олаётганда уни безовта қилиш жуда хавфли. У тез тутақиб кетиши, жаҳл устида зиён еткашизи мумкин. Тўсатдан чиққан ўкирик овози одамни эс ҳушини йўқотиб, оёқ остидаги хавфни сезмай ўрмон ёки тоғ томонга қочиши табиий. Шундай бўлганки, бутун лашкарни қўрқитиб қочишга мажбур қилган эмиш. Пан хотиржам ва осойишта пайтида жуда ҳам меҳрибон, саҳий, айниқса чўпонларга жуда кўп яхшиликлар қилган. Пан виночилик худоси Менада ўйинининг иштирокчидир. Тасвирий санъатда Панга атаб кўплаб асарлар яратилган. Врубелънинг “Пан” картинаси бунинг исботидир. Қадимги Рим афсоналарида Пан Февн деб юритилади. Христиан динида эса авлиё Сильванга тўғри келади.

Пан ва Сатир. Юнон нусхасидан римликлар томонидан ишланган ҳайкал.. Пан – ўрмонлар ва яйловлар худоси, оқчилар ва чўпонлар хомийси. Диониснинг кашталарида ўрмон паҳлавонлари, сатирлари ва канизлари ҳамроҳлигида Пан ўйнаб, тоғ ва яйловлар бўйлаб кезади. Ҳикоя қилишларича, у найини қамишдан йўниб тайёрлайди, ва сиренага айланди ва дарё бағрида кўпикли Паннинг таъкибидан яширинади.

Пан – асли қувноқ худо, аммо жаҳли чикса, шу даражада “ваҳимали қўрқинчли” бўладики, ҳатто жасоратли жангчиларни ҳам жанг вақтида даҳшатли ҳайкирик билан қувади. Шунинг учун уни жанглардаги ёрдамчидек ҳисоблашади.

Қадимгилар Панни танаси устида жунлари билан ноъмалум махлуқ - эчкининг туёқлари билан думли ва шохлари билан тасаввур қилганлар.

Ҳайкалтарошлар гуруҳлари Панни Сатирнинг оёғидан суғираётган ҳолатда тасвирланган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Юнонларда қандай худолар бўлган?
2. Улар қандай вазифаларни бажарганлар?
3. Юнонларда бош худо қандай номланган?
4. Қадимги Юнон афсоналари номларини айтинг?
5. Тасвирий санъатда Юнон афсоналарига кимлар мурожаат этган?

Адабиётлар:

1. Винничук Л. «Люди, нравы, обычаи Древней Греции и Рима». М. 1988
2. Мифологический словарь. М. 1965.
3. Мыфи народов мира. В 2-х томах. М. 1973.
4. Немировский А.И. «Мыфи древней Эллады». М.1992.
5. Парандовский, Ян. Мифология. М. 1971.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд, Т.: 2001.,673-бет.

7. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Т.:2007. 17,18 б.
9. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009
10. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.

6-Мавзу: ҚАДИМГИ РИМ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа:

- 1. Қадимги римликлар эътиқоди.**
- 2. Қадимги рим санъати ва меъморчилиги.**
- 3. Қадимги Рим афсона ва ривоятлари**

Таянч тушунчалар: Ромул, Рим, Она бўри, Пантеон, Фолбинлик, Гений, Юнона, Лимент, Форкуй, Юпитер, Капитолия, Колизей, Минерва, Меркурий, Венера, Марс, Янус, Веста, Серера, Нептун, Плутон, Бахсус, Пантифик тақвим, Аппий йўли, Психея, Фавн ва Силван илоҳлари, Юлий Цезарь, Эней қаҳрамони.

Маърузанинг мақсади: талабаларга қадимги Рим эътиқоди, пантеондаги илоҳлар, қадимги Рим афсоналарининг Юнона афсонасидан фарқи, Янус илоҳи ва дунёнинг яратилиши, Фавн ва Силван илоҳлари. Фавн - сув манбаи, Вертумн- фасллар алмашинуви, машҳур ака-укалар Пилумн ва Пикумн- никоҳ ва туғилиш илоҳлари, Римликлар ҳаётида фолбинлик ва башоратликнинг ўрни, Ромул- Рим асосчиси ва унинг биринчи шоҳи, Рим афсонаси сюжетларининг учта гуруҳга бўлиниши, Эней қаҳрамони билан боғлиқлиги, “Вақт подшоҳи”- Римнинг пайдо бўлиши. Рим Республикасининг илк даври ва бошқаруви. Юлий Цезарь- биринчи Рим императори ва илоҳи. Ака-ука Горациялар ҳақидаги афсона. “Амур ва Психея”

1. Римликларнинг анъанавий эътиқодида тотемизм, фетишизм ва анимизмнинг қолдиқлари мавжуд эди. Рим динида уруғ ва оила эътиқодлари муҳим ўрин тутар эди. Ҳар бир уйда оила эътиқодини маркази ўчоқ, бош оиланинг отаси кохин эди. Ҳар бир кишида ўзининг руҳи, хомийси бўлиб, эркакларда Гений, аёлларда Юнона эди. Римликларнинг эътиқодига кўра вафот этган аجدодлар худо хомийлар бўлар эди.

Этрусклар бронзадан ҳайкал ясашда юксак санъат эгаси бўлганлар. Улар антик дунёнинг энг сара анималиклари сифатида тарихга кирганлар. Этруск ҳайкалтарошлари бронзадан турли ҳайвон ва антиқа ҳаёлий (фантастик) жониворлар ҳайкаллари зўр маҳорат билан ишлашган. Этруск ҳайкалтарошлигининг нодир намунаси Капитолийдаги “Она бўри” ҳайкалидир.

Ҳайкалтарош бўридан эҳтиёткорлик (бу унинг тик ишланган қулоқ, олдинга мустаҳкам тираб олган оёқлари ва томошабин томон бурилган, бир нуқтага тикилган кўзлари орқали очилган) ни, унга ҳос ваҳшийликни реал ва ишонарли талқин эта олган. Шу билан бирга, ҳайкалда шартли декоратив услуб таъсири борлигини кўриш мумкин. Бўрининг бўйни ва елкасидаги жунини жингалак қилиб ишлашда шартлилик сезилади.

Этруск маҳобатли рангтасвир санъати равнақи сағана деворларига ишланган афсонавий қаҳрамонлар образлари ва лавҳаларида ўз ифодасини топган.

Римликларда ҳар бири қандайдир бир аниқ функцияни бажарадиган кичик худолар жуда кўп эди.

Форкуй уй эшигини кўриқчиси,

Лимент Остонани кўриқловчи маъбуда,

Кардия эшик зулфинларини кўриқчиси эди. Лекин асосий эътиқод қилинадиган қудратли худолар алоҳида ўрин тутар эди.

Веста – фукаролик жамоаси хомийси, уй ўчоғи маъбудаси;

Марс- уруш худоси,

Янус- ўтмиш ва келажак, кириш ва чиқиш, бошланиш ва тугалланиш иккиюзламлилик худоси,

Венера – севги ва ҳосилдорлик маъбудаси,

Серера- Экинлар ва ҳосил маъбудаси,

Нептун – денгиз худоси;

Меркурий - савдо ва ўғрилар худоси;

Вулқон – темирчилар худоси,

Плутон – нариги дунё, қоронғилик худоси;

Бахус – виночилик худоси,

Силвана – ўрмон худоси...

Рим эътиқодига ўз вақтида этруск ва юнон эътиқоди қарашлари ҳам ўз таъсирини ўтказди. Юнона, Минерва, Вулқон. Этрусклардан ҳайвонларнинг ички ва аъзоларига қараб Фол очиш ўзлаштириб олинган эди. Эрамиздан аввалги учинчи асрдан бошлаб римликлар ўз худолаприни юнон худолари билан Юпитерни зевс билан, Юнонани Гера билан, Минервани Афина билан Марсни Арес билан, Венерани Афродита билан, Серенани Деметра билан, Меркурийни Гермес билан, Бахусни Дионис билан тенглаштиришган эдилар. Рим эътиқоди диний қонун-қоидаларига расмаен риоя қилиш билан чекланган бўлиб, чуқур диний ҳис-туйғудан мутлоқ маҳрум эди. Кохинлар одамлар ва худолар ўртасидаги воситачи ролни ўйнар эдилар. Эрамиздан аввалги учинчи – биринчи асрларда италияга шарқдан Серапс, Исида, Мисрга ва бошқа диний эътиқодлар кириб келди.

Давлат ҳокимияти диний эътиқодга катта эътибор берар эди. Кохинлар давлат хизматчилари ҳисобланиб, лекин ҳеч қачон қадимги шарқдагидек алоҳида тоифага бирлашмаган эдилар. Римда бир қанча кохинлик коллегиялари мавжуд эди. Кохинлар элитасига олий понтифик (барча илоҳий ва инсоний ишлар судяси), потификлар коллегиясини бевосита уч бош фламин (улар Юпитер, Марс, ва Квелин эътиқодларини бошқарар эдилар) дан иборат эди. Понтификлар дастлаб 6 та бўлиб Сезар даврида 16 тага етди, улар диний маросимларни қатъий бажарилишини назорат қилар эдилар. Олий Пантифик тақвим тузилиб, диний байрамларнинг ўтказилишига маъсул эдилар.

Рим диний календарига 70 га яқин байрамлар мавжуд эди. Бу байрамлар мўлкўл қурбонлик келтириш, маросимлар, қувноқ базмлар билан тантанали ўтказилар эди. Республиканинг охирида байрамлар бир йилда 115 кунни ташкил қилар эди.

Юпитер – Рим афсоналарида олий худо, осмон, олам, ёмғир, момақалди роқ, чакмоқ худоси сифатида эъзозланган. Кейинроқ унга Рим давлатининг хомийси сифатида ҳам сиғинилган. Юпитер юнон асотирларидаги Зевс билан тенглаштирилган. Аниқроғи юнонлардаги Зевс тўғрисида тўқилган афсоналар кейинчалик римда юпитерга ўтган.

Юнона – қадимги Рим афсоналарида никоҳ маъбудаси, хотин-қизлар ва оналик хомийси. Юпитернинг хотини. Юнона шарафига Римда 1-март куни аёллар оилавий “матроналия” байрамини нишонлаганлар. Юнона юнон афсона ва ривоятларида Гера билан тенглаштирилади.

Минерва – Юпитер ва Юнонанинг қизи – ҳунар, санъат ва урушлар маъбудаси;

Аврора – қадимги Рим афсоналарида тонг ёғдуси маъбудаси. Юнон афсоналарида Эос номи билан юритилади. Ривоятларга кўра Аврора худоларга ва инсонларга кундузи нур таратиб туради. Аврора тасвирий санъат асарларида отлар қўшилган ғилдиракли аравага тушган ҳолда океандан чиқиб келаётган ёш, икки қанотли аёл сиймосида гавдалантирилган. Антик замонларда яшаган шоирлар Аврорага атаб қасидалар ва бошқа жанрдаги асарлар ёзишган (Ўз.Мил.эн-си, 1-том. 2000 йил.78 бет)

Амур – қадимги Рим мифологиясида севги худоси. Дастлаб Амур камон ва ўқ билан қуролланган қанотли йигит сифатида, кейинчалик одамлар ва худоларни севги азобига мубтало қиладиган муғомбир бир бола сифатида тасвирланган. Юнон афсоналарида Эротга мос келади. Шу номда ҳайкал ишланган. Унда камон тортаётган Эрот ҳайкали мармарда ифодаланган. Таниқли юнон ҳайкалтароши Лиссип томонидан мил.ав. IV асрда ишланган. У юнон афсоналарига кўра, Венеранинг ўғли, Икки қанотли севги худоси, унинг элчиси (йўлдош) Амурнинг ўқлари, худоларнинг ва одамларнинг, севгисини уйғотган дейилади.

Антик санъатда Амурни баъзида ўсмир кўринишида тасаввур қилишган, кўплаб ижодкорлар яратган образларда кувноқ, ғилофида тўла ўқлари билан дарбадар бола тимсолида тасвирлашган. Эрмидаждаги француз ҳайкалтароши Фальконенинг ишлаган ҳайкал нусхаси яхши шуҳрат қозонган. Болаликнинг жонли ва нозиклик муҳити томошабинни асир қилган. Бушдорга ёрлитқ тақдим қиладиган Амур образи яхши тасвирланган.

Амур ва Психея. Италиялик ҳайкалтарош Антонио Канова(1752-1822) томонидан мармарда ишланган ҳайкаллар композицияси сақланиб қолган. Шунингдек, ҳайкалтарошнинг “Амурнинг ўпичи” номли ҳайкали ҳам ўз вақтида катта шуҳрат қозонган. Мазкур ҳайкаллар Антик давр ривоятларига асосланган. Амур ва Психеянинг шоирона севгиси ҳақида “Метаморфазаларда, ёки Олтин эшак” ҳақида ёзувни дастлаб Апулей ҳикоя қилган. Унга кўра, ёш малика Психея нооддий гўзаллиги туфайли одамлар уни Венера билан тенгликда ҳурмат қила бошлайдилар. Рашк ичида қолган худо Амурга рақибининг ер юзидаги энг пасткаш инсонни қалбида муҳаббат чақиришга буйруқ берди. Аммо Психеяга мафтун бўлган Амур зефирлардан чуқур ғорга келтиришни, ўзининг чайласига кўчиририб келтиришни илтимос қилди. Психея худонинг юрагига муҳаббат билан махф этганини билмас эди. Бир куни у қизиқувчанлик билан ёритқични ёқади ва ухлаётган Амурни кўради. Яраланган малика Венеранинг ўғлини билиб қолади, унинг қўли қалтираб кетади ва иссиқ ёғнинг томчиси, ёритқичдан ухлаётган Амурнинг елкасига томади. Амур ўйғонади ва жаҳл билан Психеяни тарк этади.

У ўз севгилиси бўлган ғамгин Психея севгисини узоқ вақт қидиради. Венера уни ўзининг кўролмастлиги билан ҳамма ердан таъқиб қиладди. Қандайдир

кахрли худо аёл Психеяни ер ости подшолигидаги гўзалликни сақловчи Прозерпининг сирли қутисига юборади ва унга қарашни таъқиқлайди. Лекин унга кизиқувчилар кўпаяди. У Қопқоқни очади ва ундан бирдан захарли буг кўтарилади. Бугни ҳидлаган Психея чуқур уйқуга кетади.

Ерга учиб келган Амур ўғли билан қизини кйғотди. Юпитер Венерани ўғлинининг илтимосига кўра – Психеяга ўлмасликни совға қилди. Меркурийнинг кўтариб кетиши билан Олимпга, у худо севгисининг эрига айланди. Психея инсон қалбини эгаллаши билан баъзан қанотли капалак қиздек тасвирланган.

Венера ва Амур. Жан Гужон (1510-1565). Мармар. Ҳайкал. Франция. Лукас Кранах. Старший (1472-1553) Венера ва Амур. М.м.б. Германия. Франсуа Буже (1703-1770). “Венеранинг пардоз хонаси”. М.м.б. Англия. Джожуа Рейнолдс. (1423-1792). Амур Венеранинг белбоғини Ечмоқда. М.м.б. Англия.

Антик ривоятда Венера – мухаббат ва гўзаллик худоси, никоҳ хомийси, Эротнинг онаси. Афродитанинг туғилиши ҳақида бир нечта афсона амал қилади. Энг кўп тарқалганини Афродитани Зеснинг қизи деб номлайдилар Дионалари дейдилар. Бошқасида айтилишича, у денгиз кўпиги бўлмиш Урандан туғилган, шунинг учун, ривоятлар қадимги Юнонистоннинг кўпгина вилоятларидаги ривоятларда, Афродитани денгиз билан боғлайдилар. Айниқса оролларда уни денгизда сузувчиларнинг хомийсидек хурмат қилишган ва “денгизчи” ёки “денгизчини тинчлантирувчи” деб номлашган.

Худони бош дининнинг маркази Кипр ва кифера ороллари бўлган. Унинг ёнида айтилиши бўйича Афродита денгиз кўпигидан келиб чиққан. Шундан баъзан Киприда ва Киферея лақаби учрайди.

Кўп ривоятларда Афродита худди ҳосилдорлик худоси, ўсимликлар ва жонзодлар дунёсига ҳаёт бахш этувчиси бўлган. Унга олма, атиргул, дельфин, каптар ва бошқалар рамз қилиб олинган.

Қадимда Афродитанинг ҳайкали катта шухрат қозонган. У бизнинг мил.ав. IV асрда афиналик уста Праксител томонидан ишланган. У Книд оролида жойлашган. Шунинг учун у “Афродита Книдская”, “Книдлик Афродита” деб номланган. Асл ҳайкали сақланмаган, аммо рим нусхаларида юнонистон пластикасининг мутлақо ажойиб яратилмаси бўлганлигини кўрамиз. Бизгача етиб келган антик ҳайкалтарошликнинг “Милосс Венераси” номли асар яхши танилган. (Париж. Лувр.)

Тавриялик Венера ҳайкали - Эрмитажнинг энг яхши ҳайкаллариининг тўпламларидан бири. У Римдан Петр I даврида элчилар томонидан олиб келинган. Дастлаб Петербургдаги Ёзги боғни безатган, кейинроқ эса Таврия саройида жойлашган. Венера либоссиз тасвирланган. Унинг тик танаси енгил, мутаносибликлари бирмунча сезилган, ҳайкал ҳар томонлама нафис ва тиник ишланган. Мил.ав. III асрда юнонлар дидига мос тарзда муҳим даражада ишланган.

Кўплаб ғарбий европалик санъат усталари учун Венера – аёл гўзаллиги идеалидир.

“Венера ва Амур” картинаси олмон Уйғониш даври рассоми Лукас Карнак томонидан ишланган. Унинг худо образини жойлаштиришда иккиланганлиги

кузатилади. Хамма аёлликларни ва Венеранинг ўзига хос жозибаси деярли ҳаётийдай. Картинадаги (“ҳамма кучлар билан Купидоннинг ширинлик - ёнувсилари, аксинча сенинг кўр – кўрона қалбинг Венерани эгаллайди”) деган лотинча сўзлар ёзилган.

Рассомнинг ёзувларига мос тарзда гўё ердаги қувончлардан воз кечишга чақиради, аммо унга хос хусусият ҳаётга янгича муносабатни намоён қилади, унинг хоҳишида инсоннинг ердаги гўзаллиги қуйланган.

Амфитрита. Италиялик машҳур рассом ва ҳайкалтарош Алессандро Виттария (1525-1608) томонидан бронзадан ишланган ҳайкал шундай номланади. Амфитрита антик ривоятларга кўра, денгиз подшоси Нерей, денгиз худосининг эри Посейдон, денгиз тўфонлари ҳукмрони тоифасидан бўлган. Амфитритани кўп сонли чизгиларда кўрсатган: худонинг сингиллари – нередалар, тўлқинларда яшовчи наядалар, шунингдек, тритонлар ва денгиз отлари – гиппокампилар унинг эри Посейдоннинг ғилдиракли аравасига кўшилган ва уни чексиз эҳтиётсиз кенгликларда чалғитган. Ушбу ҳайкалда Алессандро Витторга Амфитританинг кичик брозали ҳайкалини денгиз худоси подшолигида, бошида тож билан тасвирланган.

Диана – қадимги римда ўсимликлар маъбудаси, гўдаклар хомийси, ой тимсоли. Юнонлардаги Артемида – ов мабудаси ва Гекатага тенглаштирилади. Айрим тадқиқотчилар, хусусан Д. Мингбоеванинг “тимсоллар тилсими” номли китобида Диана – уч йўл маъбудаси Тривиянинг сифатларига эга бўлиб, баъзан унинг уч томонлама ҳокимияти – ер, ер ости, осмон – унинг белгиси сифатида талқин қилинган, бу тимсолга юнонлар Генетаси – зулмат ва афсунгарлик маъбудаси сифатидаги тавсифлари берилган. Шу боис унинг тимсоли ижобий ва салбий маъноларга эга. Бир томондан, у аёллар табиатининг хавфли хусусиятлари мужассами ҳисобланади. Бошқа томондан, маъсума, ифбатли ахлоққа эгаллиги учун енгилтабиат ва сермуҳаббат Венерага қарши қўйилини ёзади (Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Т.:2007. 17 б).

Диана. (римча, юнонча - Артемида) – Юпитер ва Латоларнинг қизи – у ҳайвонлар ва овчилик худоси сифатида ҳурмат қилинган. Тасвирий санъат асарларида Диана орқасида ўқдони билан қуролланган ҳолда кучуклар қузатувида тасвирланади. У қуёш худоси Аполлоннинг синглиси Диана баъзан Селена, яъни ой худоси(бошида ярим ой) билан тасвирланган.

Афсоналарнинг бирида (қиз худо ҳақида) ҳикоя қилинишича, Диана томонидан овчи Актеон шавқатсиз жазоланган. Ўсмир совуқдан пана жой излаб, ўрмон ичига кириб кетиб, у ерда бирдан ғорни кўриб қолди. Ичкарига кириб у ерда Диананинг қанизакларини қуршовида, кийимларини ташлаб, яраланган, совуқ қотган ҳолда турар эди. Диана худодан жаҳли чиқиб, Актеонни яланғоч ҳолдаги овчи сифатида кийикга айлантирган ва итлари томонидан ғажиб ташланган.

Аполлон ва Дафна. Мармар. италян ҳайкалтароши Лоренцо Бернини томонидан юнонлардаги асл нусхасидан ишланган (1598-1680).

Антик ривоятга кўра Аполлон – Зевс - Летонинг ўғли, юнон пантеоннинг энг ҳурматли худоларидан бири: мусика бошловчиси, ёруғлик худоси, қуёш, тақдирни олдиндан айтувчи, санъат хомийси. Аполлоннинг айна бош маркази

кадимда Дельфин ҳисобланган. Мил.ав. IX асрда Дельфида, Аполлон қаерда, табиатнинг ёруғ кунларини мадҳ қилувчи, ер ости ваҳший илони подшолиги Пифон устидан ғалаба қозонгани, ибодатхонада қурилган. У ерда Аполлоннинг оракули ва Жрица – цифия худонинг хоҳишини изи жойлашган. Пирия яйлови қоя устида уч оёқликда турипти; у ерда заҳарли буғланиш кўтариларди. У алоқаси йўқ сўзни ишлатдики, уни кохинлар фавқулотда маъноси тўғри келган сўзлар билан уларни чалғитиб адаштирдилар. Дельфийлик оракул Аполлонни бош зиёратгоҳ деб ҳисоблаганлар. Унинг олдиндан айтганларининг хатосизлигига ишониш тақдирдан, ҳукмдан қочиб қутулолмаслиги ҳақидаги тасаввурларни ривожланишига ёрдам берди.

“Метарфозалар” поэмасида Овидий Аполлон ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: Пифонани енгган Аполлон, мағрурона қаҳрамонлиги камон ва ўқ билан қуролланган Амур устидан кулади. Қуёш худоси болакайдан сўради, халигача фақат аждаҳони енгиб юрганга, қуролни нима кераги бор? Амур икки ўқни отиб, Аполлонни бири билан яралаб қакшатқич тарзда ўч олди ва унинг юрагида ёзулувчи севгини Нимфа Дафнага уйғотди – бошқасини гўзал Нимфага юборди ва унда Аполлонга нисбатан ғазабини уйғотди. Унга нисбатан севги сўзини зўрға эшитиши билан Дафна ундан қочди. Аполлоннинг таъқибидан химояланиб, ўзининг отаси дарё худоси Пенейю олдига боради ва у дарҳол қизига лаврли дарахтни йўналтиради.

Овидий бу ғаройиб айланишлар ҳақида ҳикоя қилади:

Ота ёрдам бер: Қудратли оқимларга илож бор,

Мени ўлимга олиб боровчи образни ёлвораман, ўзгартир, йўқот,

Ёлворишни тугатиши билан, - тортувчи аъзолар чирмашди –

Унинг нозик қизлардек кўкрагини нафис пўстлоқ ўрайди;

Сочларини - яшил баргларга айлантиради, қўлларини эса шохларга.

Енгил оёғи дангасаларча илдизлар билан тўйинади,

Юзининг юқорисини ёпади – фақатгина биргина нарсаси қолади.

Дафнадан хотирадек, Аполлон лаврни абадий яшил қилди, бошига унинг шохларидан чамбар кийди ва у билан ўз кифарусини безатди. Шундан бери лавр Аполлон дарахти деб ёдга олинади, шунинг учун қадимда мусиқали ва гимнастик мусобақаларда санъат худоси шарафига маросим ғолибларини олиб мукофот сифатида – лаврли чамбир билан мукофотланади.

Аполлон одатда ялағоч, ажойиб ўсмирдек тасвирланган, баъзида унинг либосида ва қўлида Кифора билан гоҳида лавр чамбар билан тасвирланган.

Мил.ав. IV асрда Дельфада Аполлони ҳайкали ўрнатилган эди. Уста Леохар томонидан яратилган ушбу асарда махлуқ кўринишидаги Пифонни ўзининг ўлдирувчи ўқлари билан яралаган худо кўринишида тақдим этган деб тахминланади. XV аср охирида Италияда мазкур ҳайкалнинг римча нусхасини топишган. Уни Ватикандаги саройида жойлаштиришди. (“Бельведер Аполлони”). Ҳозирги вақтда Белведерск Аполлони ҳайкали Ватикан музейида сақланади.

Асклений. X асрда юнонистондаги асл нусхасидан мраммарда ишланган. Мил.ав. X аср. Грекча оригиналдан Римча нусха.

Антик ривоят. Асклений (грекча: Римча-Эскулап), Аполлоннинг ўғли, шифокор худодек хурматланган. Бу хунарни у доно кентавр Хиронадан ўрганган. Аскелений нафақат касалларни даволамай ҳатто худо томонидан ўрнатилган қонунларни бузиб, ўлганларни ҳам чўқинтирган. Ғазабланган Зевс Аскленийни жазолаш мақсадида уни чакмоқ билан яралайди.

Аполлон ўғлининг ҳалокати учун қасос олди ва худонинг ёрдамчиси, момақалди роқ учун чакмоқни чақувчи худонинг ёрдамчиси темирни – худо Гефесга ёрдамчиларни – яъни бир кўзли улуғворларнинг – циклонларини уриб енгади.

Аскелений қўлида идиш ва палица билан тасвирланган, унинг атрофида илон ўралиб ётар эди. Бу атрибутлар кейинчалик тиббиёт нишонасига айланди.

Арес. Юнонистондаги асл нусха асосидан мраммрдан ишланган ҳайкал. Милоддан аввалги IV аср.

Антик ривоятларга кўра, юнонистонда Арес, Римликларда “Марс” деб номланади. Зевс ва Геранинг ўғли, қайсар, шавқатсиз уруш худоси, ҳатто ўз отасини ҳам ёмон кўради. Греklar уни образи тарзда, бўронни пайдо бўлиши деб гапиришган. У оқилона, жанговор Афинадан фарқи шуки – унинг ўзини зўрловчи, аёвсиз қонхўр – ҳеч нарсани яратмайди, фақат - бузишни билади. “Одиссея”да Гомернинг айтганидек, Арес - Гефестанинг хотини гўзал Афродитага ошиқ бўлган. Арес тасвирий санъатда доим қуролланган ҳолатда тасвирланган. Унинг эрмитаждаги ҳайкалида бошида жанговор дубулға билан акс эттирилган.

Даная. Тициан. (1485/90-1576), М.м.б. Италия. Рембрант. Ван Рейн. Даная (1606-1669).М.м.б.Голландия.

Подшо Аргос Акpисайга Оракул ўз набираси қўлидан ўлишини олдиндан айтади ва Акpисей ўзининг ягона қизини минорага қамаб қўяди. Фақат хизматкорларгагина маликанинг олдига кириб туришилари учун рухсат берилган эди.

Данаянинг гўзаллиги ҳақида Зевснинг ўзи эшитади ва олдига олтин ёмғир кўринишида суқилиб киради. Зевс ва Данаянинг қўшилиши натижасида қаҳрамон Персей туғилади. У кўпгина қаҳрамонликлар қилади.

Рассом мазкур биргина сюжетга мурожат қилиб, ўз ижодлари характерида келиб чиқиб, тасвирлаган. Венециялик машҳур рассом Ўйғониш даври устаси Тициан гўзал аёл образини шакллар ва меъёрий тана, қомат мутаносибликларининг энг мукаммал тасвирини яратган.

Бундай тасвир кечроқ XVII асрда Голландиянинг буюк рассоми Рембрантни ҳам асир қилди. Рассом учун ушбу асарда энг асосийси инсоннинг ички дунёсини ва Даная ҳақидаги ривоятда, Зевсни асар қаҳрамонига яқинлашиши ҳолатини очиш каби мураккаб ҳиссиётларни ёритишга интилади. Зевс ҳали кўрингани йўқ. Аммо фақат аёлнинг қоматини қамраб олаётган ёруғ олтин оқимларини сезиб худонинг келиши ҳақида хабар бермоқда. Айнан Данаянинг юзидаги кутиш қувончлари, тўлқинланишлар гўзал маликанинг юзларида яққол сезилади.

Мазкур асарда Рембрандт нооддий ҳаётий ҳаққонийликни ишонарли образни яратди.

2. Қадимги римда меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъати юнон ва этрусklarнинг кучли таъсири остида ривожланди. Римликлар этрусklarдан

қурилиш техникасини баъзи усуллариини ўзлаштириб олдилар. Эрамиздан аввалги 312 йилда Сензор Аппий Клавдио Тсеке даврида римликлар илк бор тош тўшалган Аппий йўлини қурдилар, одатда римликлар йўллариини беш қатламли тузилма билан қураар эдилар. Ўша 312-йилда римлик мухандис Римнинг сув таъминотини яхшилаш учун аркли сув қувурлари-акведуклар қура бошладилар.

Эрамиздан авваоги 2 асрда бетон кашф қилинди. Бинолар қурилишида ғишт, туф, травертин ва мартмар ишлатила бошланди. Рим меъморчилиқ санъатининг кўп асрлик тажрибаси Марк Витрувий Полионнинг 10 жилдлик “Архитектура тўғрисида” (эр авв 1-асрда) асарида умумлаштирилди. Бу вақтда Римда кўпқаватли уйлар, кўприклар, термалар, зафар арклари қурилди. Эр авв 55-йилда Марс майдонида тошдан қурилган биринчи амфитеатр – Помпей қад кўтарди.

Республика даврида Римнинг жамоатчилиқ маркази Форум бўлди. Бу ерда давлат хазинаси ва архиви (Табулярур), нотиклар минбари (ростра), курия (сенат мажлислари ўрни), давлат камоқхонаси (туллианиум) бинолари қурилган эди. Эллин даврида Рим-Юнон ҳайкаллари ва бошқа санъат асарлари билан безатила бошланди. Империя даврида Форум, Ибодатхона, базилика портик, зафар арклари меъмориал колонлар ва отлик ҳайкаллар билан безатилди. Уларнинг ичида ҳашаматли троян колоннаси ва форуми ажралиб туради. Рим ва бошқа шаҳарларда термалар-бассейн, гимнастика заллари, парк ва кутубхоналари бўлган ҳашаматли жамоа ҳаммомлари кўплаб бунёд қилинди. Император термаларида тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқнинг энг яхши намуналари қўйилар эди. Римда энг катта ва ҳашаматли термани император Каракалла қурган эди. Унинг мадони 12 га бўлиб бир вақтнинг ўзида 1600 киши ювиниши мумкин эди. Империяда жами узунлиги 80 минг км бўлган 372 йўл бор эди. Денгиз портлари гаванлар яхши жиҳозланган эди. Фортикация иншоотлари ҳам мустаҳкам бунёд қилиниб, мунтазам таъмирлаб турилар эди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Қадимги Римнинг пайдо бўлиши ҳақида қандай афсона мавжут?
2. Рим илоҳларининг юнон илоҳларидан фарқи нималарда намаён бўлади?
3. Рим ҳайкалтарошлари ижодида афсоналар қандай ёритилган?
4. Рим меъморчилигида афсоналарнинг аҳамияти нимадан иборат?
5. Рим пантеонидаги илоҳлар номини айтинг?

Адабиётлар:

1. Винничук Л. «Люди, нравы, обычаи Древней Греции и Рима». М. 1988
2. Мифологический словарь. М. 1965.
3. Мыфи народов мира. В 2-х томах. М. 1973.
4. Немировский А.И. «Мыфи древней Эллады». М.1992.
5. Парандовский, Ян. Мифология. М. 1971.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд, Т.: 2001.,673-бет.
7. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. Т.:2007. 17,18 б.
8. Ражабов Р. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009.
9. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.

7-мавзу: ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ РИВОЯТЛАРИ

Режа;

- 1. Зардуштийлик динининг пайдо бўлиши.**
- 2. Зардуштийликнинг муқаддас китоби.**
- 3. Тасвирий санъатда зардуштийлик тимсоллари-образларининг**

талқини.

Таянч сўзлар: Зардушт, Авесто, Мажус, Анахита, Митра, Аҳриман, Вартрагна, Аша, Хуварно, Гуштасп, Озор, Ром, Ама, Тиштар, Қаямарс, Отарвахш, Ист Вастра, Завт, Язишна, Хумо куши, Бод.

Марузадан мақсад: талабаларга энг қадимги диний таълимотлардан бири – Зардуштийликнинг келиб чиқиш тарихи ва бошқа динларга бўлган тасири, Зардушт ҳақидаги афсона ва ривоятлар, Ғарб ва Шарқ назарияси, асосий манба ва муқаддас китоби “Авесто”нинг таркибий қисмлари. Аҳурамазда, Митра, Анахита, Аҳриман. Зардуштийлик маросимлари ва уларнинг тасвирий санъат асарларида ифодаланишини ҳар томонлама чуқур ва кенгрок ўргатишдан иборат.

Дунёдаги динлар орасида энг қадимий бўлса-да, ҳозирда кам сақланиб қолганларидан бири бу – Зардуштийликдир. Баъзи манбаларда Зардуштийлик сўзи “оташпарастлик” (зараостризм) номи билан кенг тарқалган. Мазкур дин тахминан эрамиздан олдинги 7-6 асрларда хоразмда вужудга келган. Асосчиси - Зардушт. Кейинчалик, у Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбойжон ҳамда яқин ва Ўрта Шарқнинг бир неча мамлакатларига ёйила бошлаган.

Тарихий манбаларда хусусан, Паҳлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима қилган олимлар уни “мажус” шаклида қўллаган. Натижада Ўрта асрлардан бери “Зардушт”, “Мажус”, Зардуштийлик эса “Мажусийлик” сифатида қўлланиб келинган.

Зардушт Авесто тили бўйича, “Заратуштра” бўлиб, “сарик туя соҳиби” йки бошқа бир манбада “заррин ёруғлик эгаси” деган маънони ифодалайди. Юнончада Зороастрдеб аталади. Мил. авв. 618-йил, Хоразм – мил. авв. 554-йил, Балхда катта мавқега эга бўлган. Айни пайтда Зардуштийлик диний эътиқодининг асосчиси ҳисобланади. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг биринчи воизи, шоир, дин пешвоси; пайғамбари сифатида афсоналардан муносиб ўрин олган. Зардушт спитама уруғининг раиси Пурушасп хонадонида туғилган. Онасининг номи Дуғдова. Зардушт 15 ёшгача замонасининг донишманди Барзин Курас қўлида диний қонунлар, табиатшунослик, воизлик, каломи бадик фанлари бўйича таълим олади, ҳарбий ҳунарларни эгаллайди. 16 ёшида Турон – Эрон жангида иштирок этади. Ўз қавм ва қабилалари пешқадам вакиллариининг кўпхудолик удумларига қарши ҳаракатига қўшилди ва 19 ёшида якка тангрини кашф этиш умидида Саблон тоғига чиқиб кетади. 20 йил ғорда яшайди. Ривоятга кўра, Зардушт Наврўз кунларининг бирида қохинлар бошчилигида муқаддас ичимлик – “Ҳаома” тайёрлашга киришган. Эрта тонгда у дарёдан сув олиш учун қирғоққа тушган. Сув олиб бўлгач, кўзига қирғоқда турган порлоқ хилқат – “Воҳумана” кўринади ва унинг сеҳрли нурига эргашади. Ниҳоят, у эзгу ва улуғ худо Аҳурамазда ҳузурига боради. Аҳурамазда ўзининг бутун борлиқни яратган худо экани ҳақидаги хабарни билдириш учун одамлар орасидан Зардуштни танлаганини айтади (бу вақтда у 40 ёшга тўлган эди). Шу кундан бошлаб Зардушт зардуштийлик динининг пайғамбарига айланади. “Готлар” деб аталган, қўшиқ

килиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Сўнгра шаҳару қишлоқ кезиб, якка тангри ғоясини тарғиб этади, тарафдорлар орттиради. Бундан хавфсираган Турон шоҳи Аржасп Зардуштни дорга осиш ҳақида фармон чиқаради. Зардушт 300 маслакдоши билан Балхга, сўнгра Сейистонга қочиб кетади. Шимолий Эронда зардуштийлик динига асос солади. Зардушт Эрон шоҳи Гуштасп қабулида бўлиб, уни ва донишманд вазири жамоасини якка тангри Аҳурамазда ҳақидаги таълимотига ишонтиради. Шундан сўнг, Гуштасп фармонида кўра, Эрон ҳудудида зардуштийлик дини жорий этилади. Буни эшитган Аржасп Гуштаспга Зардуштни ҳибсга олиб, ҳузурига жўнатиш ҳақида талабнома юборади. Гуштасп бу талабни рад этади. Аржасп 300 минг лашкар билан Эронга ҳужум қилиб, Балх, Сейистон, Бехруз шаҳарларини вайрон қилади. Гуштаспнинг 4 ўғлини жангда ўлдиради, кексайиб қолган отаси Луҳраспни қатл этиб, Гуштаспнинг ўғли Исфандиёрни зиндонбанд қилиб, кўп ўлжа билан қайтади. Аржаспнинг иккинчи ҳужуми пайтида зиндондан қочган Исфандиёр мудофаа жанглари яхши уюштириб, ғанимларни тор-мор этади. Натижада туронликлар ҳам зардуштийлик динини қабул қиладилар. Гуштасп фармонида кўра, шаҳар ва қишлоқларда янги ибодатхона – оташкадалар қурила бошланади. Зардушт Балхда қурилган шундай оташкаданинг очилишида иштирок этади ва ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори Братарвахш томонидан пичоқлаб ўлдирилади. Зардуштнинг Иставатр, Уруватр, Пуручитра исмли ўғиллари, Фрини, Трини, Пуручисто исмли қизлари бўлган. Зардушт ўз таълимотини – Авесто (“Қатъий қонунлар”)да баён этади. Тилшунослик маълумотлари ва китоб мазмуни Авестонинг фақат айрим қисми тахминан бир вақтда ёзилганини кўрсатади.

Ўзбекистон санъати тарихида шундай тимсоллар борки, уларни ҳар қанча ўрганмайлик, ҳар сафар унинг битмас туганмас хазина эканлиги ва янгидан янги қирралари ниҳоятда кўплигига амин бўламиз. Бу манзара айниқса аждодларимизнинг илк диний тасаввурлари – Оташпарастликнинг асосий образлари ҳақида гап кетганда янаям ёрқинроқ намоён бўлади. Зардуштийлик динида ободонлик ва фаровонлик тимсолига айланган маъбуда – **Анахита** айнан шундай образлардан биридир. У баъзи манбаларда ҳозирги тил билан – Онахудо тарзида ҳам талаффуз қилинади. Қадимги деҳқонлар ёғингарчилик ва ҳосилдорликни бевосита Анахитанинг мўжизаси деб ҳисоблашган.

“Эрамиздан аввалги 6-5 минг йилликкатааллуқли, букани ғажийётган шерни тасвирлаган зинапоядаги рельеф бор. Бу рельефда шер образи куч-қудрат ва давлат рамзи сифатида тасвирланган. У яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги тушунчага асосланган бўлса-да рамзий маънолар мураккаблашиб кетади. Бир томондан шер давлат ва инсон қудрати бўлиб туюлади. Иккинчи томондан, бука азоб чекаётган, жабр тортаётган, покизаликка гўзаллик рамзи сифатида меҳр-шафқат ўйғотади. Ана шу тариқа бука ҳаётнинг ёрқин ва яхши мавжудоти сифатида талқин қилинади. Зинапоя ўох Дария-Кенркс оромгоҳи томон йўналгани учунҳайкалтарош асосий эътиборни давлатнинг куч-қудратини улуғлашга қаратишга мажбур эди.

Аҳмонийлар даврида яратилган гулдоннинг тоғ такасигаўхшаш кулоғи худди беғубор фаришталар сингари юксак маънавият билан йўғрилган. Бу гўзаллик туйғуси, эркинлик идеалининг рамзий ифодасидир. Поклик, озодалик ва

олийжанобликнинг шартли тасвири реал инсоний кечинмалар ўйини орқали берилган.

Қанотли фаришта образи кейинчалик Шарқ поэзияси ва санъатида софлик, муҳаббат ва гўзалликнинг ўлмас ва абадий тимсолига айланиб қолади.

Г.А.Пугоченкованинг ёзишича, эрамининг бошланиш биринчи асрида Ўрта Осиёда оназамин билан боғлиқ танрилар образини ифодалаш санъатда аввалгидай давом этган. Археологик қазилмалар жараёнида Хоразм, Бактрия ва қадимги Сўғдиёна ерларида кушон подшолари сиймоси зарб этилган тангалар қатори жуда кўплаб аёл тимсолларидаги худоларнинг сопол ҳайкалчалари топилган.

“Афросиёбдан топилган туркум ҳайкалчаларни “Анахит”лар деб юритиш одат тусига кирди,-деб ёзади Г.А.Пугоченкова. – Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, саккиз қирраликқимматбаҳо тошлар билан безатилган чамбарак таққан, белидан юқориқ белъбоғ боғлаган, Қундуз мўйнасини устига ташлаб олган “Авесто”даги гўзал қиз сиймосидаги Ардвисура Анахитага улар деярли ўхшаш эмас, чунки булар қиз эмас, бош кийимларига қараганда туцрмуш қурган аёлларни эслатади... Сўғдиёна тангриси табиатнингҳаётбахш кучларини ифодалайди. У “Авесто” билан боғлиқ Анахита, Ашаҳ ва Яхайрватат сингари худоларнинг йиғма, кейинчалик турли маҳаллий шароитларга мослаштириб гавдалантирилган кўринишидир” (Г.А.Пугоченкова, Л.И.Ремпель История искусств Узбекистана.М., Искусство. 1965. стр 72)”

Ўзбекистон қадимий санъат ёдгорликларида ер-сув, фарофонликка эришиш худоси Анахита образига ишланган ҳайкаллар жудаям кўп. Қадимги ҳайкалтарошлар Анахитани бир кўлида анор ёки олма ушлаб турган аёл шаклида тасвирлаганлар. Археологик қазилмаларда Анахитанинг сополдан ясалган ҳайкалчалари кўплаб топилганлиги ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Анахита оташпарастлик динининг муқаддаас каломи “Авесто”да ҳам акс эттирилган. Унда мазкур образга профессор Ремпель шундай таъриф беради;

“Анахита яхши кийинган гўзал бир аёл сифатида, инсоннинг назокатини, кўркини ифодаловчи, қахрамонларга куч-қувват ва муваффақият бахш этувчи бир шахсдир” Бу образнинг тасвири тўғрисида яна қуйидагиларни ўқиймиз;... Анахита доимо гўзал, бақувват, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли, кўп бурмали мурсак кийган бир қиз сифатида кўриш мумкин. Кўриниб турибдики, Анахита образи жонли шахс сифатида таърифланади. Демак бунинг тимсоли асрлар бўйи яратилиб ватанимизнинг турли ҳудудларида топилган санъат ёдгорликлари ичида турлича кўринишга эга бўлган (Л.И.Ремпель. Коропластика – скульптурная терракота. В кн; Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. 1960 стр 41).

2001 йили “Шарқ” нашриёти томонидан чоп этилган “Авесто” номли албом-тўпламда махсус “Ардвисура Анахита қасидаси” матни бир қадар кенгрок берилган. Қасида ўттизта бўлимдан иборат. “Бешинчи яшт сув ва ҳосилдорлик маъбудаси Ардвиги ҳамиша “сура” сифатида (айнан “қудратли”) ва “Анахита” (айнан “ғуборсиз покиза”) исми билан биргаликда зикр этилади. У Амударё худосидир. Бу яштнинг бошқа номи-“Обон яшт”, яъни “Сувлар қасидаси”дир. Қасида ҳинд-европо халқларининг қадимий қасидаларига ҳос асар жанрини белгиловчи уч структурадан иборат. Биринчи (“мурожаатнома”) қисмида маъбуданинг ўзига мурожаат қилинади. Бирмунча кенгрок иккинчи (“ҳикоявий ”)

қисмида қадимги илоҳлар ва баҳодирлар Ардвисура Анахитага келтирган қурбонлик ва тоат ибодат ҳамда бу қурбонлик ва ибодат эвазига уларга берилган инъом-омадлар ҳақида ҳикоя қилинади. Учинчи хотимавий (“сўровчи”) қисм эса, Ардвисурага муножот қилган ҳожатмандлар, улар келтирган қурбонлик баёни билан хотима топади

Мустақиллик йилларида Анахита образини яратишда бир қатор ишлар қилинди. Айниқса, дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатининг таниқли ва иқтидорли вакилларида бири, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, қорақалпоғистонлик ҳайкалтарош Жўлдасбек Қутимуродовни алоҳида тилга олиш лозим. У яратган асарларида қарақалпоқ оҳанглари алоҳида қўзғатиланади. Ҳайкалтарош асарларида эртақлар, ривоят ва афсоналар олами намаён бўлади. Бадиий Академиянинг Марказий кўرғазмалар залида 2000 йил бўлиб ўтган “Қорақалпоғистон замонавий тасвирий ва амалий санъати” кўрғазмасида “Авесто” туркумидаги асарлари билан муваффақиятли иштирок этди. Улар орасида ижодкорнинг 1996 йилда яратган “Анахита” асарига санъатшунослар томонидан жудаям юқори баҳо берилди.

Зардуштийликнинг асосий таълимоти муқаддас Авестода жамланган. Овесто парфёнча “орастак” – матн деган маънони англатади. Кўпинча “Зенд-Авесто” яъни тасфир қилинган матн ҳам деб аталади. Авесто эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган.

Президентимиз Ислом Каримов тарихчи олимлар билан қилган суҳбатида “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросдир. “Авесто” айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди” (Авесто. Шарқ 2001, 3 - бет).

2001 йил Президентимиз ташаббуси билан ватанимизда “Авесто”нинг юбилеи ўтказилди. Хоразмда “Авесто” боғи ташкил қилинди. Боғнинг ўртасида мазкур муқаддас китобнинг улкан рамзий шакли барпо этилди. Айнан шу йили китобнинг Асқар Маҳкам томонидан таржима қилинган матни Нарзулла Жўраев ва Тилаб Маҳмудовлар сўзбошлари билан “Шарқ” нашриёт матбаа концерни томонидан чоп этилиб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Мазкур асар қасида шаклида битилган бўлиб, бизгача унинг олти қисми етиб келган. Биринчи қисми “Гохлар ва ясна” деб аталади. Гохлар асарнинг энг ықадимги қисмларидан бири бўлиб, Зардуштийликнинг бешлик қўшиқларини ўз ичига олади. Гох атамаси Шарқ мумтоз мусиқа санъатида ҳам ҳозирги кунда кенг қўлланилади. “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ” ва бошқаларт шуларга мисол бўла олади. Ясна эса тоат ва саловатларга муносиб маъносини англатади. Китобнинг иккинчи қисми “Вандидод” деб аталади. Маъноси – кесик ёҳуд бўлак деганидир. Учинчиси “Яштлар”да Ахурамазда, Анахита, Митра, Вартрагна, Аша, Хуварно қасидалари ўрин олган. Навбатдаги “Мансур яштлар”, “Воспирад” ва “Кичик Авесто” қисмлари билан китобга якун ясалади.

Авестонинг таълимотига кўра олам икки асосдан, бир – бирига қарама – қарши бўлган икки иптидодан – ёруғлик ва зулмат, кун ва тун, яхшилик ва

ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Ана шу қарама – қарши кучлар билан боғлиқ бир неча маъбудаларга сажда қилинган.

“Ахура Мазда номи икки жузъдан иборат. “Ахура” ва “Мазда” (“Маздох”). Ахура санскрит тилидаги “Осура”, қадимги ҳинд асотириларидаги бир гурух девлар унвонини ифодалайди. Шарқ асотириларига кенгроқ ёйилган бу ном олимларни яратган илоҳ маъносида қўлланилган. Ҳиндларнинг қадимги асотири бўлган “Пиражопатийда”да борлиқнинг яратувчиси маъносини ифодалаган. Ахура Худолар отасиибтидода ёлғиз бўлган Ахура ҳиндлар истилоҳи билан айтганда “браҳмана”, “дива” ва “асура”ларни яратган. “Дива”, яъни худолар унинг дамидан, “асура”лар – девлар унинг бодидан пайдо бўлган. “Авесто”да Ахура буюклик ва ҳаққоният тимсолига айланган. У худолар ва одамлар орасидафақат эзгулик, адолат, мардлик ва поклик ҳимоячисидир. Паҳлавий тилига ўзлашгач “худойи” шаклини олган Ахура, бора-бора “худойи сўзига айланди.

“Мазда” – хушёр, доно, огоҳ каби маъноларни ифодалайди. Паҳлавий тилига ўзлашгач, “данак”, сўнгра “доно” тусини олган. Санскрит тилидаги “Мизос” ҳам айнан шу маънога эга. Хулоса қилиб айтганда “Ахура Мазда” – “Доно раҳнамо”, йўлбошчи”, “Оқил яратувчи” маъноларини ўзида ифода этади” (“Авесто” 334-бет. Т.,2001 йил “Шарқ”) (Хурмуз) – эзгулик, ёруғлик, ободонлик, саломатлик, тинчлик, фаравонлик каби барча яратувчанлик ишларини назорат қилиб, бошқариб боровчи илоҳ. Эзгулик худоси, буюк ва мутафаккир илоҳ, Зардуштнинг ҳомийси, нурдан яратилган Ахурамазда якка худо даражасига кўтарилиб, тавҳид таълимотининг асосини ташкил этган. Ахурамаздага қарши зулмат-қоронғулик, очлик, вабо, аёз, жанг, заҳарли жониворлар каби барча ёвузликларни яратувчи ва бошқарувчи Анихрамайну (Аҳриман) бўлиб, доимо Ахурамазда билан курашади. Кураш Ахурамазданинг ғалабаси билан тугайди. Бу дуалистик қараш зардуштийлик таълимотининг асоси Авесто учун замин бўлган. Турон ва Эрон халқларининг қадимги илк асарларида Хурмузд - эзгулик учун курашувчи тимсол сифатида акс эттирилиб келинган.

Аҳриман – Ахурамаздага қарши қаратилган зулмат, қоронғилик, очлик, вабо, аёз, жанг, заҳарли жониворлар каби барча ёвузликларни яратувчи ва бошқарувчи илоҳ номи. Дастлаб “Анхримайну” деб аталган. Кейинчалик Аҳриман шаклида қайта ўзгартирилган. Тасвирий санъатда у ёвузлик тимсоли сифатида ифдаланади. АНХРАМАЙНУ (форс тилидаги ўрта аср манбаларида Аҳриман, юнон адабиётларида Арейманиос, Ариман) - Зардуштийликда ёвуз кучлар, зулмат ва ўлим бошлиғи, Ахурамазданинг душмани, инсон руҳиятидаги салбий ҳиссиётларнинг тимсоли. Авесто китобининг “Готлар” қисмида Анхрамайну номи умуман эслатилмайди: уларда ёвузлик ва яхшилик руҳи - тегишлича бадкорликлар ва одилликлар йўлларини танлаган эгизаклардир. “”Кичик Авесто”да Анхрамайну - ёвуз руҳларни бошлаб юрадиган “жаҳолат ҳокими”дир; у ҳар хил гуноҳлар, сеҳру жодулар қилади, ёмонлик тимсоли сифатида совуқлик ва қору музликни, о“лим, касаллик, кексалик, заҳарли ҳашаротларни юборади, биринчи инсон говамардни ҳалок этади. Одатда у, ахурамаздага қарши ўз қўл остидаги иблисона кучлар - девлар ёрдамида курашади. Дунё бир-бирига қарама-қарши 2 тараф - яхшилик ва ёвузлик тарафига бўлиниб қолади. Анхрамайну Авестонинг “Динкарт” ва “Зотсепрўм” деган қисмларидаги ривоятларда тилга олинади.

Умуман Анхрамайнунинг яхшилик ва ёруғликка қарши кураши абадий давом этади. Лекин Анхрамайну Аҳурамаздани енгишга ожизлик қилади, чунки ҳар доим яхшилик ғолиб чиқади.

Ҳумо қуши - Зардуштийликда бахт ва бойлик илоҳаси. Ҳумо кўзга кўринмас қуш. Лекин у кимнинг бошига соя солса, ўша бахтли ва бой бўлади, деб тушунганлар. Ҳумо жаннат қуши деб ҳисобланган.



Ж.Куттимуродов. «Анахита». 1996.

Митра - Зардуштийликнинг энг муққадас саналган илоҳаларидан бири Митрага қуёш ва ёруғлик, покизалик ва ҳақиқат худоси, деҳқонлар ва чорвадорлар ҳимоячиси, ҳосил, маъмурчилик ва тўкин-сочинликни таъминловчи сифатида эътиқод қилинган. Аҳурамазда билан одамлар ўртасидаги асосий воситачи, жанговар йигит сиймосида тасвирланган. Анхрамайнуга қарши чакмоқлари билан курашган, камалакка Митранинг камони, ўқ отувчи ёйи деб сиғинганлар. Қадимда Ҳиндистон, Эронда бош худолардан бири қуёш маъбудаси даражасига

кўтарилган. Митрага ёруғлик, покизалик ва ҳақиқат худоси сифатида эътикод қилинган. Милоддан аввалги олтинчи асрдан Митрага сиғиниш кичик Осиё ҳамда Фурот ва Дожла дарёлари оралиғида тарқалади. Кейинроқ Митрага сиғиниладиган алоҳида дин – митраизм пайдо бўлди. Бу дин эллинлар орасида, милоднинг биринчи асридан бошлаб Римда, 2-асрдан бутун Рим империясида машҳурлик чўққисига эришади.

Митра- шарқ халқлари илоҳиётининг маъбуди аجدодларимиз эътикодининг мояси – маҳвари бўлган Митра илк даврларда, эҳтимол алоҳида уруғ қабилалар ўртасидаги аҳд шартномаларнинг ҳаққониятини назорат қилувчи илоҳ сифатида эъзозланган.

“Қуёш ва ёруғлик худоси Митра тенгсиз баҳодир, дуўманга қарши шафқатсиз курашувчи жасур йигит, ўтда куймас, сувда чўкмас, майдонда ўқ ўтмас қаҳрамон қилиб берилган. Митра ер билан кўкда кезиб, зулмат худоси Аҳриман билан курашади. Булутлар устидаолов занжир (чақмоқ) отиб, Аҳриманни қувиб юборади.

Митра таърифида яна қуйидагилар ҳикоя қилинади; “Биз қўшинни жанга тайёрлайдиган, жангчиларни йиғадиган Митрага, қўшинни жанга мослаб саф торттирган, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга кирадиган кучли, қудратли йўлбошчига сажда қиламиз... Митра аравада туриб, суякдан моҳирлик билан ишланган, буқа тамасидан таранг қилиб тортилган ёйидан мингларча ўқ узади, унинг ўқлари фикрдай тез учади, фикрдай тезлик билан девлар бошига бориб ёғилади... Митранинг ёрдамчилари ҳам унинг ўзи каби қудратли паҳлавонлардир. Шулардан бири Ахурамазда томонидан яратилган Вартрангадир. Митра олдида Вертранга югуриб боради, у келишган гавдали, ҳар қандай ҳайвонни бир тишлашда ҳалок қиладиган ўткир тишли, жуда баҳайбат биқувват, ғоят шўх, ҳужумдан тоймайдиган, чопоғон, темир оёқли, темир думли, темир жағли тўнғиздир. У дадиллик биланюгуради, душманларни тилка-пора қилади, уларни енгиб йўқ қилади...” (Н.М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи.Т,1965. 47 бет).

Гуштасп – “Васитаспа”, “Эгарланган от соҳиби” маъносини англатади. Зардуштга замондош бўлган ҳукмдор. Маздапарастлар таълимотини одамлар орасида ташвиқ қила бошлаган. Зардушт ҳукмдор Гуштасп ҳузурида паноҳ топади. Гуштасп Зардушт таълимотини қабул қилади.

Озар (Оташ) – олов кўриқловчи илоҳ. Маздапарастлар динининг энг буюк илоҳларидан бири ҳисобланган. Авестода – отар, отарш, паҳлавийда эса Отур, Отахш деб аталган. Илоҳ Озарни улуғлаш мақсадида Аҳура мазданинг ўғли деганлар. Озор Ардибихишт билан биргаликда девларга қарши жанг қилади. Олам ва одамнинг сўнги кунларида савоб ва ёзуқлар сарҳисобида иштирок этади.

Ром – (Рома ё Роман) – ором – осудалик, ҳаво илоҳининг номи Ойнинг йигирма биринчи кунини кўриқлаш унинг зиммасида.

Ама – куч – қудрат ва баҳодирлик илоҳи. У аксарият ҳолларда илоҳ Баҳромнинг номи билан бақамти қўлланилади ва махлуқлар сараси, яхшиси” ёхуд “забардаст” сифатлари билан зийнатланади. Баҳром наввос ва от жасадининг олдида намаён бўлади Шунда илоҳ Ама новвос шоҳида ва от пешонасида кўзга ташланади.

Тиштар – Юлдуз илоҳининг номи. Қадимги асотирлар, хусусан маздапарастлар динида ёмғир илоҳи ва умуман энг асосий илоҳлардан бири. Унинг шаънида куйланган қўшиқлар, бу улуғвор илоҳнинг курғоқчилик девига қарши мардонавор курашлари саккизинчи яшт “тийир ишм”да ҳикоя қилинади. Тиштар оқ тусли дурахшон ва олис-олислардан кўзга ташланиб турувчи юлдуздир. Унинг таркиби сувдан, ғоят қудратли ва нажоди Апом нолоддир.

Қаюмарс – Қаюмарт Ахура мазда яратган илк башардир. У яратувчи бунёд этган астуманд (моддий) оламнинг олтинчиси. Унинг яратилиш муддати етмиш кун, яъни охирги чаҳанбар (яралишнинг сўнги палласи)да хотима топади Қаюмарс фикр қилувчи илк одам ва ҳукмдор эди. Шу сабабли у Ахура Мазданинг ният ва таълимотини англаб етди.

Отарвахш – Язишма маросимини ўтказувчи саккиз нафар мубаднинг учинчиси. Оловни қўриқлаш шу мубаднинг зиммасида бўлиб, у оловни ўнг қанотидан ўрин олади.

Ист Вастра – Зардуштнинг тўнғич фарзанди. Ҳозир Исд Вастра шаклида ўқилади. Зардуштийлар суннатида у дастлабки отурбон (дин решвоси) сифатида эътироф этилади. Ист Вастра растохез (қиёмат) куни одамларнинг гуноҳ ва савоб амалларида ҳакамлик қилади.

Аша – куч-қудрат ва баҳодирлик илоҳи. У аксарият ҳолларда илоҳ Баҳромнинг номи билан бақамти қўлланилади ва “махлуқлар сараси, яхшиси” ёхуд “забардаст” сифатлари билан зийнатланади.

Завт – энг буюк дин пешвосининг унвони бўлиб у муҳим маросим ҳисобланмиш “язишна”ни бошқариб турган. Маросим пайтида етти руҳоний мўъбадга раҳбарлик қилади. Улар бевосита завт амрларини адо этадилар. Бу маросимда Ахура Мазданинг ўзи “Завт” вазифасини ўз зиммасига олади. Зардушт ўзини “қўшиқчи завт” деб атайти.

Бод – шамол ва довул илоҳи бўлиб у одатда кўркмас, бепарво тарзда ифодаланади. Бодрангбўй гиёҳи бу илоҳнинг рамзидир. Афсоналарга кўра таштар сувни бодга топширади. Бод булутлар кўмагида уларни турли ўлкалар томон йўллайди.

Самарқанд вилоятидаги иштихон шаҳрида қадимги зардуштийлик маъбудаларининг тасвири туширилган ассирий девори сақланиб қолган Тош деворда учта маъбуда тимсоли бўртма шаклда ишланган.

Жарқўтон оташкадаси. Сурхондарё вилояти Жарқўтон шаҳри харобасидаги оташпарастлар ибодатхонаси борлиги аниқланган. Мазкур ёдгорлик Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги энг қадимий оташкада ҳисобланади. Жарқўтон оташкадасида А.Асқаров раҳбарлигидаги археологик экспедиция тадқиқот ишларини олиб борган (1973-йилдан). Жарқўтон оташкадасининг тарҳи тўғри тўртбурчак бўлиб, девор (қалинлиги 4,5 м) билан ўралган. Унда доира шаклдаги 6 та саждагоҳ, 5 та муқаддас қудук, табаррук ашёлар сақланадиган махсус хона ва бошқа хўжалик хоналари бўлган.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Зардушт қайси даврда яшаган?
2. Зардуштийлик динининг асосий илоҳлари кимлар?
3. “Авесто” боғи ҳақида гапириб беринг?

4. “Авесто” юбилейи ватанимизда қачон ва қаерда ўтказилган?
5. “Авесто” қаҳрамонлари қайси рассомлар томонидан ишланган?

Адабиётлар:

1. Г.Пугаченкова, О.Галеркина. Миниатюры Средней Азии. Москва.1979.
2. Т.Маҳмудов. Авесто. Т.,2001
3. Е.Березиков. Легенды и тайны Узбекистана. Ташкент. 1991.
4. Г.Снесарев. Реликту домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва. 1969.
5. Ю. Рапопорт Из истории религии Хорезма. Москва. 1971.
6. Г.Дресвянская, И.Джаббаров Духи, святые, боги Средней Азии. Ташкент. 1993.
7. Е.Абдуллаев Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право. Ташкент. 1998.
8. Д. Мингбоева. Тимсоллар тилсими. Т.:2008
9. Р. Ражабов. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009
10. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи.Т.: 2008

8-Мавзу: ФИРДАВСИЙНИНГ “ШОҲНОМА” АСАРИ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа:

- 1. “Шоҳнома”нинг яратилиш тарихи**
- 2. Достоннинг асосий образлари ва қаҳрамонлари**
- 3. Миниатюра санъатида шоҳнома воқеаларининг ифодаланилиши**

Таянч сўзлар: Дақиқий, Фирдавсий, Шоҳнома, Қаюмарс, Хушанг, Тахмурад, Зол, Дол, Дев, Жамшид, Заҳҳок, Фаридун, Рустам, Сухроб, Сиёвуш, Афросиёб, Баҳром, Шангул, Наврӯз, чавгон, миниатюра.

Марузадан мақсад: улуғ бобокалонимиз А.Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди, “Шоҳнома” асарининг яратилиш тарихи, унинг афсонавий қисми. Дунё, Қуёш, Ой ва инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналари, “Рустам ва Сухроб” достони ва ундаги меҳр оқибат. “Рустамнинг етти саргузашти”. “Пайғамбар ва унинг шогирдлари” ҳақидаги ривоятлар, шунингдек, асарга ишланган миниатюралар билан талабаларни яқиндан таништиришдан иборат.

“Шоҳнома” қадимги шоҳлар ҳақидаги афсона ва ривоятлар жамланган эпик достон. Абулқосим Фирдавсийга қадар 9-10 асрларда йирик амалдор ва лашкарбоши Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдураззоқ Тусийнинг топшириғига биноан 957 йилда Абу Мансур ал-Маъморий томонидан насрий “Шаҳномаи Мансур” яратилган. Бу асарнинг фақат бошланиш қисмигина бизгача етиб келган.

Тахминан 963 йилда Абдул Муайяд Балхий ҳам насрий “Шоҳнома” ёзган. У билан айна вақтда Маъсуд Марвазий ва Абу Али Балхийлар “Шоҳнома” битганлар. Балхий асарида Фирдавсийнинг “Шоҳномасида” тилга олинмаган Наримон, Сом, Оғуш, Ваҳодон, Кайшкан номлари билан боғлиқ лавҳалар мажуд бўлган.

Марвазий ўз “Шоҳнома”сини биринчи одам ва биринчи подшоҳ Қаюмарсдан бошлаб, сомониёлар давлатининг охириги даври тасвири билан тугаллайди. Бу борада тўпланган катта тажриба ва йиғилган салмоқли материал асосида самоний ҳукмдорлар буйруғи ва хомийлигида Абу Мансур Дақиқий Назмий “Шоҳнома”га қўл уради. Бироқ у Зардушт, Гуштасб ва Аржаст достонларини – жами 1000 (минг) байт ёзганда, фожиали тарзда ўлдирилган.

Кейинчалик, Дақиқий бошлаган ишни Абулқосим Фирдавсий ниҳоясига етказган: эллик подшоҳликдан иборат тўртта сулола мисолида Турон ва Эрон халқларининг қарийб тўрт минг йиллик тарихи юксак бадиий маҳорат билан қаламга олинган. Олтиш минг байт (120 000 мисра)дан иборат муаззам “Шоҳнома” устида у ўттиз йилдан ортиқ вақт ишлаган. У энг қадимги даврлардан бошланиб, сосониёлар шоҳи Яздигард уч даврида арабларнинг эронга бостириб кириши билан якунланган. Фирдавсий “Шоҳнома”сида Гаршосип ҳақида батафсил тўхталмагани учун Асадий Тусий унинг фаолиятини кенг ёритишни мақсад қилган.

Достон **Қаюмарс афсонаси**дан бошланади. Бунда Фирдавсий бир сўзамол деҳқон ҳикоятини келтиради. Унга кўра, илк бор шоҳлик тожин одат қилган зот –

Қаюмарс ўз манзилини тоғ ичра куради ва фаровонликка эришиб, катта ихтиролар яратади. Йўлбарс терисидан инсонга ёпинчиқ тайёрлатади ва уни ёпинишга ўргатади, инсонни парвариш қилиб, кийим кечак, егулик тўплашни буюради. Қаюмарс ер юзидаги биринчи одам ва биринчи шоҳ дейилади. 30 йиллик ҳукмдорлик даврида мамлакатни адолат билан бошқариш, заминни гўзаллаштириш, кишиларга яхшилик қилиш, ёвуз кучларга қарши кураш борасида чинакам ибрат намунасини кўрсатади. Бу хусусда санъатшунос Э. Исмоилова шунждай ёзади; “Қаюмарснинг бундай олижанобликлари тўғрисида Фирдавсийдан ташқари Маъсудий, Саолибий ва бошқалар ҳам ўз асарларини ёзишади. Унинг хизматлари кўплаб форс афсоналарида ҳам таъкидланади. Афсоналарда айтилишича, Қаюмарс тоғда яшаган (бу унинг Худога яқинлигини билдиради) ҳамда биринчи бўлиб, Ерда турмуш кечиришнинг тартиб – қоидаларини яратган. Уларни қоронғу ғорлардан чиқиб, тоғларнинг қуёш тушиб турадиган жойларида уй – жой қуриб яшашга ўргатган. Қаюмарс, ҳатто, ҳайвонлар ҳамда қушларга ҳам саховатпешалик қилган.

Қаюмарс тўғрисида афсоналар асосида жуда кўп миниатюра асарлари яратилган. Улардан энг машҳури Султон Муҳаммад мўйқаламига мансуб бўлиб, у Табризда 1522 – 1525 йилларда ишланган (“Шоҳнома”. Нью – Йоркдаги Метрополитен музейи, л. 20). “Қаюмарснинг маскани” (8, р.17) миниатюрасида тоғ бағридаги гўзал жой тасвирланган. Унда ранг–баранг нур таратаётган ложувард қоялар, хилма–хил қимматбаҳо марварид тошлар ажиб манзара ҳосил қилиб, чўққилари тилларанг осмонга интилиб турибди. Унинг атрофида кўп кишилар айлана ҳосил қилган. Одамларнинг ўртасида киши, эҳтимол, коҳин (руҳоний) бўлса керак. Ундан қуйроқда уруғ оқсоқоллари, қабила бошлиқлари Қаюмарсга қарашиб, уни тинглаб туришибди. Қаюмарс, баланд чўққи устида, худди тахтда ўтиргандай оёқларини кериб, қўлларини юқори кўтарганча ниманидир тушунтирмоқда. Қаюмарснинг ўнг қўли кўрсаткич бармоғи яқинроқдаги қоя устида жойлашиб олган бош коҳинга қаратилган. У Қаюмарсга жавоб қайтаришга шай ҳолатда. Қаюмарс билан коҳиннинг суҳбат – мулоқотига улардан қуйроқда турган уч эркак диққат қилиб турибди. Кўп кишилар уларни ярим айлана қилиб ўраб олишган. Кишиларнинг оқ – сариқ ва қора ранглари уларнинг турли қабила вакиллари эканини билдиради. Уларнинг барчаси бошларига юнгли телпак кийишган. Бу қадимги аждоларимиз мукамал уйғунликка ҳалақит берадиган ҳеч нарса йўқ, деб билишади, шекилли, уларнинг олдида, гуллар очилиб ётган майдон ўртасида йиртқич шерлар, оҳулар, қобон ва шоқоллар ёнма – ён кезиб юришибди. Миниатюранинг ўнг тарафи пастки қисмида ёшгина йигитнинг дам олиб ётган шер боласини ушлаб тургани тасвирланган. Бир эркак елкасида ғоз, иккинчисида кийикни кўтарганича дарадан Қаюмарс ўтирган чўққи топонга хуш кайфиятда кўтарилиб бормоқда. Атрофда дарёлар шовқин солиб оқади, булоқлар жилдирайди, шашара шарқираб турибди. Бу масканнинг осойишталиги рамзи саналади. Шаршара – сувнинг эзгулик Руҳи – “Аурват” (яъни саломатлик), ўт – ўлан, ўсимликларнинг барқ уриб яшнаши мамлакатнинг раванк топгани, уни “ахура”- ўсимликларнинг ҳомий Руҳи Амартат (“ҳаёт манбаи”, “мангулик”) ва Замин Руҳи – Спанта Армаити қўллаб қувватлаб туришини билдиради. Атрофдаги кишиларнинг диққат – эътибор билан назар солиши

уларнинг ўз ҳукмдорлари – шоҳга чексиз садоқатидан далолат беради. Уларнинг барчаси ҳаётда тинчлик ва мутаносиблик, барқарорлик, афсонавий фаровонлик мавжудлиги тўғрисида куйланади. Дикқат билан қаралса, одамларнинг қиёфаси қоя кўриниши билан нозик чизгилар орқали мутаносиблаштирилгани ҳамда бу орқали табиат, одамлар ва ҳайвонлар бир – бирига боғлиқ яхлит вужуд экани таъкидлангани билинади. Қаюмарс ва унинг атрофидаги кишилар ранг – туси деярли билинмайдиган кийим кийишган. Бу ҳам уларнинг ўзаро, яқинлигини, шоҳнинг рангсизлик оламига қўшилиб кетганини билдиради.

Ўрта асрлар миниатюраларида гуллаётган дов – дарахтлар ва баргсиз, қуруқ саксовуллар тасвири берилади. Бу билан Қаюмарснинг эзгу ишлари дастлаб ёввойи табиатни маданийлаштиргани, бу эса жамиятнинг ривожланиши ва раванг топишига олиб келганига ишора қилинади. Мазкур миниатюрада ҳам ўша замонларда донишманд Қаюмарс бошқарган жамиятда мукамал уйғулик бўлгани, бундан одамлар ғоят мамнунлиги, улар ўртасида ўзаро ишонч, самимий ҳурмат ҳукм сургани, ғазаб, нафрат, ҳасад бўлмагани, кишилар ҳукмдорнинг оталарча берган насиҳат – маслаҳатларига чин дилдан амал қилишгани таъкидланади. Ҳукмдорнинг йиғиндаги сўзларига кишиларнинг астойдил қулоқ солишини кўрсатиш орқали ҳаётда зардуштийлик таълимотидаги – “эзгу фикр ва рост сўз” (шоҳ томонидан айтилган), “эзгу амаллар” (шоҳ кўрсатмаларининг амалга оширилиши)нинг ўзаро бирлашгани кўрсатилади. Бу кейинчалик сўфийлик таъриқати учун ҳам асос қилиб олинган. Миниатюрада идеал шоҳ ва у амалга оширган ишларнинг самараси ифодаланган. Қаюмарснинг заминда амалга оширган ишлари унинг номини асрлар давомида халқлар хотирасида абадий ўчмас қилиб қолдирди” Э.Исмоилова. *Миниатюраларда Қаюмарс ва Жамшид қиёфаси. Санъат 2002*йил.

Қаюмарс ўттиз йил подшоҳлик қилиб, давра-даврон суради. Унинг ҳунарда, ақлда тенгсиз Сиёмак исмли ёлғиз ўғли бор эди. Аҳриман исмли бир нобакор дев унинг кун сайин ортиб бораётган шон-шуҳратига ҳасад қилиб, унга қарши қўшин тортиб келади. Аҳриман кўкқисдан Сиёмакка ташланиб ўлдиради. Сиёмакнинг ўғли Ҳушанг бобоси Қаюмарс билан бирлашиб, девни ўлдиради ва ундан отасининг қасдини олади. Шу тариқа Ҳушанг подшолиги бошланади.

Афсоналарга қараганда, **Ҳушанг подшоҳлиги** 40 йил давом этади. У бутун оламга адолат ўрнатади. Инсоннинг фаровон яшаши учун турли ихтироларга қўл уради. Тошдан темирни ажратишга муваффақ бўлади, темирдан болта, арра ва теша ясаптиради. Ариқлар қаздириб чўлга сув чиқаради. Инсонларни деҳқончилик сирларидан воқиф этади. Оловни кашф этиб, қишда “Сада” байрамига асос солади. Умри поёнига етгач, ўғли Тахмурасга тахтни топширади.

Тахмурас тахминан ўттиз йилдан ошиқ ҳукмронлик қилади. Аксарият кашфиётлар унинг даврида амалга оширилади. Энг аввало у барча ҳайвонларни турларга ажратиб чиқади ва ном беради. Қушларни кузатиб уларнинг тилини ўрганади. Товуқ ва хўрозни уй паррандасига айлантиришга фармон беради. Энг йиртқич девлар ҳукмдорини енгиб, уларга жилов солиб миниб юради. “Девбанд Тахмурас” номини олиши ҳам шундан. Ундан сўнг тахтни Жамшид эгаллайди.

Достонда тилга олинган **Жамшид** – Эронда пешдодийлар сулоласининг тўртинчи ва энг машҳур ҳукмдоридир. У шох Тахмурасдан сўнг тахминан 200 йил подшоҳлик қилган.

Жамшидни баъзилар Ҳазрат Сулаймоннинг айнан ўзи, деб таъкидлашади. Унинг шаробни ихтиро қилганлиги боисдан шоирлар ўртасида “Қадахий” номи билан ҳам машҳурдир. Кейинчалик топилган қадимги ҳинд брахманлари афсоналарига кўра бу ҳикоянинг ҳинд афсоналарида ҳам мавжудлиги аниқланди. Ҳақиқатдан Зардушт, Брахманийлар динидан ажралиб чиқиб, алоҳида бир мазҳаб таъсис этиш учун ватанига бадарға қилиниб, Эронга келиб қолган. Шунга биноан эронийлар қадимги ҳинд афсоналарини ўрганишган. Қадимги эроннинг тарихи Зардуштнинг китоби – Зандовастодан олинган. Қадимги ҳинд афсоналарида Жамшид ёки Жамо Шайдо қуёшни эслатувчи бир маъбуд исми бўлиб, бу исмни ташкил қилувчи сўзларнинг биринчиси – “ҳукмдор” ва иккинчиси қуёш маъносидир, яъни “қуёш подшоҳ” демакдир. Жамшид ҳақида Навоий, Табарий, Беруний асарларида ҳам эслатиб ўтилади.

Жамшид Истаҳр шаҳрини бунёд этиб, мамлакатда беҳад фаравонликни вужудга келтиради, шарбатни ихтиро қилиб, Наврўзни янги йил байрами сифатида нишонлашни жорий этади. У ҳатто Зардуштдан илгари Эронда мавжуд бўлган бир диний мазҳабга асос солган. Ойна ихтиро қилган ҳамда одамларни ҳайвон терисига ўраниш ўрнига газмолдан тикилган кийим кийишга ўргатган. Давлат тузумини ташкил этиб, аҳолини табақаларга бўлган. Бу мазҳаб ва ойна қуёшу табиатга боғлиқ айшу ишрат билан уйғунлашган бир суратда таърифланади. XI асрдан бошлаб, муаррихлар, солномачилар шахснинг жамиятдаги ролини бошқача талқин қила бошладилар. “Авесто”даги “Олтин давр” афсонаси қаҳрамони Жамшид-Йима (“Ясна”, IX бўлим, 77бет)номи билан боғлиқ ривоят бунга мисол бўла олади. “Шоҳнома”да ҳам Жамшид номи ёвуз кучлар билан “прометейчасига” кураш олиб борган афсонавий шоҳлар номи билан бир қаторда тилга олинади. У “Ҳамма мавжудотлардан энг гўзали, одамлар орасида қуёш мисоли” деб таърифланади (7,с 33-34).

“Жамшид ўзининг 200 йиллик ҳукмдорлик даврида хулқ манфаати йўлида жуда буюк жасоратлар кўрсатди. Унинг ишлари тўғрисида афсоналар тўқилди., солномалар ва бадий адабиёт асарларида ёзилди. Афсоналарда айтилишича, Жамшид суғориб деҳқончилик қиладиган ерларни уч марта кенгайтирди. Унинг даврида аҳоли ҳам ҳайвонлар, паррандалар сони ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам кескин кўпайди. Жамшид атрофи мустаҳкам пахса девор билан ўралган шаҳар қурдирди. Унинг салтанатидаги одамлар ва ҳайвонлар мангу яшаган, ўт-ўланлар мутлоқо қуриб қуриб сарғаймаган. Гўёки у ердаги одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар абадийлик бахш этувчи илоҳий неъмат билан озикланишган. Жамшид салтанатида одамлар жазирама иссиқ, қаҳратон совуқ, касаллик, рашк, ҳасад, кексалик, ўлим каби офатлар нималигини билишмаган. Жамшид ёвуз девларни итоат қилдириб, одамларнинг оғир ишларини уларга бажартирган. Аммо Жамшид шунча эзгу ишларни амалга оширганига қарамасдан жуда катта хатога йўл қўйди, у ўз куч-қудратига маҳлиё бўлиб, Худони унутди, халқ билан бамаслаҳат иш қилмай қўйди. Ер юзида “олтин давр” шу тарзда

барҳам топди. Идеал ҳукмдор ҳам ёлғон, алдовга ишонгани, халқдан ажралиб қолгани, худони унутгани туфайли ана шундай фожеага учради.

Аммо Жамшиднинг эзгу ишлари унутилмади. Улар тасвирий санъат асарларида, солномаларда, шарафланди.

Муҳаммад Султон “Шоҳнома” сюжети асосида ишлаган миниатюрасида Жамшид фаолиятидаги мана шу ёрқин жиҳатни тасвирлаган. Миниатюрада ўша давр тасвирий санъат асарларида анъанага айланган манзара – атрофи баланд қир-адирлар ястаниб ётган кенг ўтлоқ ва гулларга бурканган дарахтлар кўрсатилган. Майдон ўртасида суянчиқлари баланд тахт устида темурий султонларга ҳос либос ва бошига тож кийган ёш ҳукмдор турибди. Ўша даврда ҳукмдорларни худди шундай тасвирлаш анъана саналган. Ҳукмдор қаршисида тўғри бурчакли темир парчасига ишлов бераётган темирчига қўллари билан ишора қилиб, ниманидир ўқтирмоқда. Миниатюранинг қуйи қисмида тахт олдида бир неча гуруҳ хунармандларнинг турли юмушларни бажараётгани кўрсатилган. Чунки “Олтин давр” – Жамшид замонида қишлоқ хўжалик ишлари, ғаллачилик, чорвачилик, тиббиёт, темирчилик, турли асбоб-ускуналарни тайёрлаш юксак даражада ривож топган. Шундан келиб чиқиб, миниатюрада иккита эркакнинг темирларни болғалаб ишлов бераётгани, бир кампирнинг ғалтак айлантириб, ип йигираётгани, тўқув дастгоҳи ёнида тик турган бир эркакнинг қулоқ-қулоқ оқ мато тўкиб қўйгани, миниатюра марказида бир йигитнинг ўчоқ олдида туриб, босқон босаётгани, учта ўсмирнинг яна нимадир юмуш билан банд эканлиги алоҳида лавҳа сифатида тасвирланган. Ерда ҳали тайёр бўлмаган эгар, унинг ёнида турли ускуналар турибди. Бошларига салла ўраган тўрт йигит иккитадан бўлиб, у тахт ёнидан курсида ўтиришибди. Бешинчи йигит эса мусаввир яшаган замонга мос кийинган бўлиб, у тахт ёнидаги курсида ўтирибди. Уларнинг барчаси бўлаётган ишларни кузатиб, қизгин баҳслашиб туришибди. Иккита катта ёшли эркак Жамшиднинг мулоҳазаларини маъқуллаётгандай бош тебратишмоқда. Хунармандларнинг барчаси бошларига учли қалпоқлар кийишган. Мусаввир миниатюрада сюжетга ислом дини нуқтаи назаридан ёндошган; у эркакларнинг бошларига оқ салла ўраган, тўқувчи аёлларни эса оқ қўйлақда, бошларини ўраган рўмолларини елкасидан ошириб ташлаган ҳолда тасвирлаган.

Зардуштийлик даврида барча касб-хунарлар ривожланган. “Авесто”да ҳам ҳамма фаол меҳнат билан шуғулланиши зарурлиги таъкидланади. Шу боисдан мусаввир ҳам Жамшид замонидаги ана шу ҳолатни акс эттиришга алоҳида эътибор берган.

Гўёки Жамшид ўз шону шавкатидан ва салтанатидан мағрурланиб кетиб, худолик давосини қилган эмиш. Оқибатда Арабистон ярим оролидан, эҳтимол ямандаги од қавмидан Заҳҳок исмли бир ҳукмдор бостириб келиб, Эронни Жамшиддан тортиб олган экан. Шу билан Жамшид афсонаси ниҳоясига етади.

Достонга ишланган миниатюралар ҳақида таниқли санъатшунос Зухра Ибрагимова қуйидагиларни ёзади;

“Бойсункур Мирзо саройи кутубхонаси ҳаттот, мусаввирлари ижодида 1430 йилда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига ишланган миниатюралар туркуми ҳам алоҳида ўрин тутди. Техрондаги Гулистон саройида сақланадиган ушбу асар биринчи саҳифасидан охирги бетигача китобот санъатининг ноёб намунасидир.

Уни ҳаттот Мир Жафар Табризий Бойсунқурий кўчирган. Китоб муковасининг нафислиги, сафифаларидаги ёзуви, расмлари, нақшлари ва албатта, миниатюраларининг беқиёс гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади. Китобат санъатининг бу нодир намунаси кейинчалик ҳаттотлар, мусаввирлар, муковасозлар учун ибрат намунасига айланди.

Қадимий қўлёзма шохнинг ов қилиши тасвирланган икки бетли фронтиспик (китобнинг биринчи бетидан олдинги бетдаги ёки биринчи бет матни юқорисидаги сурат) билан очилади. Ушбу қўлёзмани безатишда дostonнинг энг муҳим ўринлари миниатюралар учун мавзу қилиб олинган. Яъни ҳукмдорларнинг ов қилиши, саройдаги базм зиёфати (Кайкавус, Кайхусрав, Исфандиёр, Ануширвон), паҳлавонларнинг яккама-якка олишуви, баҳодирларнинг жангдаги жасурлиги (Рустам, Зол), лирик саҳналар (Зол, Рудоба) чизилган. Суратларда хайвон, одам, дарахт, ўсимликлар, турли нарса-буюмлар, персонажлар турган макон манзараси, хусусан тоғ қоялари кўриниши, дарахт япроқлари, майсалар нафис чизгилар орқали жуда жонли чизиб берилган. Қизғиш, кулранг, пистоқи (баргикарам) ранглари ўзаро уйғунлаштириш орқали диққатни бирданига жалб этадиган манзара яратилган” (Зухра Раҳимова, ХУ аср биринчи ярмида илк хирот миниатюраси. Санъат журналі 2010 йил №4. 7-10 бетлар).

Дostonда **Заҳҳок афсонаси** алоҳида келтирилади. Заҳҳок тахтга ўтиргач, минг йилдан ортиқ вақт ҳукмронлик қилган эмиш. У икки елкасида иккита илонни олиб юрадиган ўта кўрқинчли, ёвуз махлуқ сифатида тасвирланади. Заҳҳокнинг елкасидаги илонларга ҳар куни тунда иккита тутқунни келтириб, миясини пишириб едира бошлайди. Шунда Армойил ва Гармойил исмли икки киши ўзаро маслаҳатлашиб, ошпаз қиёфасида турли ноз-неъматлар билан Заҳҳок ҳузурига боришиб, ошпазликка ёлланишади. Тунда туйнукдан иккита банди ташланади. Лекин улар бирини сўйиб иккинчисининг ўрнига қўйнинг миясини пишириб беради. Иккинчисини эса яширин туйнукдан чиқариб юбораверади.

Кунлардан бирида Заҳҳок ёмон туш кўради. Тушида Фаридун унинг қасрида жанг қилиб мағлуб этади. Аслида шу куни Жамшид авлодидан бўлмиш Фаридун дунёга келган эди. У тез улғаяди ва подшоҳлик давосини қилади. Бунинг устига ўғилларидан ажралган Кова исмли темирчи бош кўтариб, Заҳҳокни ўлдириб, тахтни Фаридунга олиб беради.

Фаридун адолат билан давлатни идора қилиб, кексайгач, уч ўғлига мамлакатни бўлиб бериш билан Ҳазрат Нухнинг мақомига эришади. Фаридундан сўнг Рустамга бағишланган афсона бошланади.

Шундан сўнг Рустам ва Сухроб афсонаси бошланади. Рустам Рахш исмли оти билан сайир қилиш учун чўлу-биёбонга йўл олади. Йўлда тўхтаб, отидан юқларини тушириб бироз ухлаб олишга қарор қилади. Рустам ухлаётган пайтида турон юртидан овга чиққан бир неча лашкарлар унинг отини кўриб уни ўраб олиб ўз юрти Самангонга олиб кетади. Рустам ўйғониб қарасаки, Рахшдан дарак йўқ. Сухроб куч қувватга тўлиб

Дostonда энг катта ўринни “Сиёвуш” афсонаси эгаллайди. Шу номда ўнлаб миниатюралар ишланган. “**Сиёвушнинг оловда синалиши**” номли миниатюра 15 асрда Самарқандда ишланган. Китобга ишланганлиги боис ҳажми жудаям мўъжаз

(7.5x14.6 см). Ҳозирги кунда бу миниатюра Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади.

... Қовус подшо саройида ўғил дунёга келади. Чақалоққа Сиёвахш (Сиёвуш) деб исм қўйишади. Бир куни саройга Таҳамтан (Рустам) келиб, подшодан ўғлини кўрсатишни сўрайди;

Гўдакни бер менга Шаҳриёр,

Уни мен тарбия қилмоғим даркор.

Шоҳ қўп ўйлагач, болани Рустамга топширади. Рустам чақалоқни Забулистонга ўзи билан бирга олиб кетади. Сиёвуш зубулистонда улғайиб, қўп хунар ўрганади ва Рустамга ташаккур айтиб, отасининг олдида қайтиб келади. Шоҳ ўғлининг ақли қўп, руҳи ҳам юксалиб, ўзи баҳодир, паахлавон бўлганини кўриб таажжубланиди.

Йиллар, ойлар, кунлар ўтиб, Сиёвуш синовда ўн етти йил ўтказди. Бир куни келиб Сиёвушнинг бошига кулфат тушди, у онасидан айрилди. Сиёвушнинг дўстлари унга таскин бериб, қўп азият чекмасликка чақиришди. Шундай кунлардан бирида шоҳ ўғли билан ўтирганда Судоба – Сиёвушнинг ўғай онаси кириб келади ва шаҳзодага назари тушади. Судоба ўғай ўғилни ўз ҳарамига чақиради, аммо бу таклиф рад этилади. Шоҳ унга ҳарамга кириб сингилларингни кўриб чиқ дейди. Бундан кейин Судоба шоҳга уни уйлантириб, келинни ўз ҳарамидан топиб бериш лозимлигини айтади ва қизларни саройга тўплаб, Сиёвушга кўрсатади. Лекин қизлар шаҳзодага ёқмайди. Пайтдан фойдаланиб ўғай она унга ўзини тортиқ қилади. Лекин бу таклиф ҳам рад этилади;

“Бу иш бўлмайди,

Диндан қайтар бўлсанг кўнглинг тўлмайди.

Нечук ўз отамга бўлай бевафо” деган жавобни айтади.

Шунда Сардоба қилмишлари ошкор бўлишидан кўрқиб, болани бадном қилиш учун хийла йўлига ўтади. Сиёвушни ҳаромга чақириб, устидаги куйлақларини йиртиб, юзини нимдалаб, сочларини юлиб, дод вой сола бошлайди ва шоҳга Сиёвушни қоралайди, сарой аҳли олдида уни шарманда қилмоқчи бўлади. Шоҳ ҳақиқатни очиб ташлаш учун ўғлини антиқа синовдан ўтказишга қарор қилади. Шаҳзодага олов устидан сакрашни буюради. Ўғай ўғил синовдан яхши ўтади, оловда ёнмайди. Подшоҳ фарзандининг айби йўқлигини билгач, Судобани ҳамманинг кўз ўнгида қатл этишларини буюради. Аммо ўғлининг илтимосига кўра, қатл бекор қилинади.

Кунлардан бирида Афросиёб катта қўшин билан бостириб келаётгани тўғрисида нохуш хабар келади. Шоҳ Қобус тезда қўшин тўплаб, жанг майдонига чиқмоқчи бўлади., лекин шаҳзода отасига жанга бир ўзи бормоқчи эканлигини айтади ва аскарлар билан саройдан чиқади. Босқинчиларни тор-мор келтириб, улкан ғалабага эришади.

Миниатюранинг композицион ечимига келадиган бўлсак, асосий қаҳрамон-Сиёвуш поклик рамзи бўлган оқ кийимда тасвирланган. Бу унинг беайблигига ишора.

Асардаги рангларни фалсафий маъноси жудаям теран. Оқ – поклик рамзи бўлса, ҳаворанг – мусаффолик, хотиржамликни ифодалайди. Сиёвушнинг

устигаги кийимлари оқ рангда ва ички кийимлари ҳаворангда бўлиши қалб хотиржамлигини англатади.

Қаҳрамоннинг учқур оти тим қора рангда берилган. Қора ранг айрим асарларда ёвузлик мақсадида фойдаланилган бўлса, мазкур миниатюрада ғалаба, зафар қозониш каби маъноларни акс эттирган. Оловни тасвирлашда эса ўша давр кўлёзма манбаларни бадиий безатишда кенг қўлланилган тилло сувидан фойдаланилган.

Тасвирий санъат тамойилларидан ҳисобланган контраст, иссиқ ва совуқ рангларнинг бир-бирига ўзаро муносабати ҳам иник ўз ўрнини топган.

Олов иссиқ ва тўқ рангда бўлганлиги сабабли фон яъни тағзамин оч ва совуқ ранг – ҳаворангда берилган.

Композициянинг ўнг томонида Сиёвушга ҳайрихоҳ бўлган, унинг учун кайғураётган, ҳайрон бўлаётган, воқеага ўз муносабатини билдираётган томошабинлар тасвири берилган. Уларнинг кийимлари ҳам сариқ, ҳаворанг, қизил ва жигаррангда чизилган.

Афросиёб рақибининг жасоратини кўриб, лол қолади ва икки юрт Эрон ва Турон ўртасида бекорга қон тўкилишини истамасдан, урушни тўхтатишга қарор қилади. Қобусшоҳ бундан норози бўлади. Ўзининг иккита – Баҳром ва Зангони аскарларини Сиёвуш олдига юбориб, ўғлини қайтариб олиб келишни буюради, лекин шахзода Баҳромга жангчиларини топшириб, ўзи Турон томон йўл олишини айтади. Афросиёб уни Пирон қизи Жарира ва шох қизи Фарангисга уйлантиради.

Сиёвуш Сиёвушгирд шахрини куради, лекин у шаҳарда яшаш насиб этмайди. Афросиёб томонидан юборилган қотил уни ўлдиради. Хотини Фарангисни Пирон олиб кетади ва у ўғил туғади. Исмини Кайхусрав қўйишади. Шох Афросиёб ғазабидан кўрқиб, гўдакни чўпонларга бериб юборишади ва уларга болани яхшилаб қараб, кўз-қулоқ бўлиб туришларини тайинлайди. Кайхусрав паҳлавон йигит бўлиб ўсади ва бир кун келиб, уни Шох бобоси олдига – Афросиёб олдига олиб келишади. Шох неварасини кўриб, унда Сиёвушга ўхшаш жиҳатлари бўлмаганлигини кўриб, онаси билан бирга Сиёвушгирд шахрига юборади. Кайхусрав ўз отаси Сиёвуш учун қасос олади. Унинг жангчилари орасида Отасининг устози Рустам ҳам бор эди.

Кайхусрав олтмиш йил подшоҳлик қилади. Унинг вафотидан сўнг тахтга Фуруд ўтиради. Фуруд Бежан билан жанг қилиб, уни мағлуб этади. Шундан кейин Искандар подшоҳлиги бошланади. Унинг вафотидан сўнг тахтни Баҳром гўр эгаллайди. энг охирида Хусрав Парвез подшоҳлиги билан дoston поёнига етади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Фирдавсий яшаган даврга баҳо беринг?
2. “Шохнома”нинг яратилиш тарихини тушунтиринг?
3. Достоннинг таркибий қисмларини айтинг?
4. Достонга яратилган миниатюра асарларини таҳлил қилинг?
5. Афросиёб афсонасининг асосий қаҳрамонлари кимлар?

Адабиётлар:

1. “Шохнома” (Ш.Шомуҳаммедов таржимаси), Т.: Фан., 1966

2. Г.Пугаченкова, О.Галеркина. Миниатюры Средней Азии. Москва.1979.
3. Т.Маҳмудов. Авесто. Т.,2001
- 4 .Е.Березиков. Легенды и тайны Узбекистана. Ташкент. 1991.
5. И.Исмоилова.

9-Мавзу: БУДДАВИЙЛИК ДИНИ АФСОНА ВА РИВОЯТЛАРИ

Режа:

1. Буддавийлик динининг вужудга келиши
2. Буддавийлик динининг хитойва японияга кириб бориши
3. Ўзбекистонда буддавийлик динининг қолдиқлари
4. Буддавийлик санъати

Таянч сўзлар: Буддавийлик, Сидхарта Гаутама, будда эҳромлари, будда санъати. Оқимлари, мактаблари, йўналиши. Варанаси, вишипатана, махаяна, сутра, латос, нурвана, сарвастивада, ланка, шакьямуни, ваджраяна тантралари: Гухья-саманджа-тантра, Хеваджра-тантра, Ваджрабхайрава-тантра, нажот йўли, ишонч

Маърузадан мақсад: Буддавийлик динининг келиб чиқиши, тарихий тараққиёти, инсоният коинотининг Олий мавжудот тарафидан бошқарилишининг афсона ва диний таълимотларда таъкидланиши, Хинаяна питакалари: "Буддхавансе", "Трипитака": Винаяпитака (ахлоқий нормалар савати), Суттапитака (дуолар савати), Абхидхаммапитака (диний-фалсафий масалалар баёни). Махаяна сутралари Лотос сутра, Бахтли ер ҳақида, Ланкага кириш, Саккиз минглик, Олмос сутра. Ваджраяна тантралари: Гухья-саманджа-тантра, Хеваджра-тантра, Ваджрабхайрава-тантра ва Шакьямунинг туғилиши синоатлари, Майя ва Шудходан, Майянинг туши, Сидхарта Гаутама ва бодхи дарахти, Нажот йўли: Ишонч. (Инсоният ҳаёти қайғу ва ғамлардан ташкил этганлигига ишонч, уни енгиш учун инсон ўз нафс ва хирсини тийиши зарур); Ҳаёт йўли (ўз ҳаётини йўлини аниқлаш); Нутқ (ўз нутқига эътиборли бўлиш); Савоб ишлар (Ёмонлик келтирувчи ишлардан сақланиш); Оқиллик (Тирик мавжудотга зарар етказмаслик); Фикр (Ёмон фикр ва ўйларни ҳайдаш, яхшиликка интилиб яшаш); Буддавийлик пантеони жуда кўплаб халқ ва элатларнинг илоҳ ва илоҳий образлари функцияларини сақлаб, буддизм принципига бўйсундирилган ҳолда тараққий этганлиги (Брахма, Индра ва х.к), шу билан бирга тарихий шахсларни

афсоналаштириш натижасида ҳам илоҳий пантеон кенгайтирилиши, умумбуддавий афсона Шакьямуни дунёга келгунга қадар олти: Вишвабху, Винашьина, Шикхина, Краучханду, Канакамуни, Кашьяну Буддалари яшаб ўтганлиги ҳамда келажакда охирзамон Майтрея буддаси келиши ҳақидаги маълумотлар, будда тимсоллари: ғилдирак, фил, нилуфар, буддизм ва меъморчилик: Ступа (Санчи), чайтья (Карли), стамбха, тасвирий санъат асарларида будда иконографиясининг вужудга келиши муаммоси, ҳозирги кунда олимлар томонидан икки назария устида будда - Аполлон (Франция), қизғин баҳс давом этаётганлиги тўғрисида билим беришдан иборат.

Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморликда будда афсоналарига жудаям кўп мурожаат қилинган. Буддавийлик - дунё динлари ичида энг қадимийларидан бири сифатида тан олинган. У милoddан аввалги VI - V асрларда Ҳиндистоннинг Ганг дарёси бўйларида шаклланган. Бу динга эътиқод қилувчилар, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбоджа, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида истиқомат қиладилар. Россиянинг шимолий минтақалари - Бурятия, Қалмиғистон ва туваликларнинг асосий қисми буддавийлардир.

Ҳозирги кунда дунёда буддавийлар сони тахминан 500 млн.ни ташкил этади, улардан 1 млн.га яқини монахлардир.

Тарихий манбаларда буддавийлик асосчисининг номи қуйидагича ёзилади: Сиддхартха, Гаутама, Шакьямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван. Бундай айтилишининг ўз маънолари бор. Сидхартха - шахсий исми, Гаутама - уруғ исми, Шакьямуни - шаклар ёки шакия қабиласидан чиққан донишманд, Будда - нурланган, Тадхагата - шундай қилиб, шундай кетган, Джина - ғолиб, Бхагаван - тантана қилувчи. Улар ичида энг машҳури Будда бўлиб, унинг исмидан динга буддавийлик номи берилган.

Будда санскритча – бу дунё ташвишларини тарк этиб, хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган,- деган маъноларни англатади. Буддавийликка тааллуқли китобларда Гаутама барча худолар, руҳлар ва табиат кучлари устидан ҳукмрон буюк ва қудратли зот сифатида таърифланади. Унинг босиб ўтган йўли бир эмас, бир неча ҳаётлардан иборат бўлган деб уқтирилади. Ривоятларга кўра, Гаутамани Ҳиндистон ва Непал чегарасидаги Капилавасту шаҳри подшоҳининг хотини Махамаяя илоҳий ҳомиладорликдан тукқан. Дунёга келган фарзанд шу заҳотиёқ: “Мен барча жонли махлуқларнинг энг буюгиман. Бу менинг охирги туғилишим”, деб хитоб қилади. Бошқа бир қадимги афсонада Буддизм диний китобларида айтилишича, Махамаяя ўғли Гауматани тукқач, етти кундан сўнг вафот этган ва худолар осмонларидан бирида қайта туғилган. Шахзода Гаутама паҳлавон бўлиб ўсади. 16 ёшида уни Яшодхарага уйлантирадилар. Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха бир куни саройдан ташқарига чиқиб, иттифиқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир меҳнатли бир роҳибни учратади, ва ниҳоят, бир кишининг вафотига гувоҳ бўлади. Бундан қаттиқ таъсирлаган шахзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўллари ахтариб саройни, хотини ва фарзандини ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. Гаутама хотини ва яқиндагина туғилган ўғлини тарк этиб, сайёр дарвешлар – шраманларга

кўшилади. Бироқ, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини, бу йўл – инсониятни азоб уқубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасини тарк этади. У 6 йил Ганга дарёси қирғоқларида зоҳидлик билан ҳаёт кечириди ва тана фаоллигини сўндириш ақлининг озишига олиб келишини англагач, 35 ёшида 4 ҳафта (ёки 7 ҳафта) давомида медитатсия (бутун онгини олий ҳақиқатга эришиш ғоясига қаратиш) ҳолатига киради. Шундан сўнг у чакалакзор ўрмонларда кезиб, чарчаб бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка қарор қилади. Бу ўтиришнинг 49 кунининг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу ондан у Будда - нурланган деб аталди. У тагида ўтирган бўтха дарахти эса - нурланган дарахт деб атала бошланди. Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотини тарқатиб, ўзига янги издошлар орттиради. Будда биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана боғида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва ўшалар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Нихоят, у мақсадига эришади ва коинотнинг барча сир-асроридан воқиф бўлган Буддага айланади. Будда инсоният бошига тушадиган азоб-уқубатлар сабабларини ўрганиш ва инсониятни улардан халос қилиш учун ҳаракат қилади. Шундан сўнг Будда 45 йил давомида қадимги ҳинд давлатлари Кошала ва Магадха бўйлаб ўз таълимотини тарғиб қилади. 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтади. Унинг жасади, ҳинд удумига кўра, у ерда қуйдирилиб, унинг хоки 8 та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этади.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқилган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, қуён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра, ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.

Будда олий яратувчи кучнинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу ҳаёт кечиришидир.

Будда таълимотининг асоси «ҳаёт - бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзида туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат - «Азоб уқубат мавжуддир» ҳар бир тирик жон бошидан кечириди, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт - қийноқ, азоб-уқубатдир.

Туғилиш - қийноқ, касаллик - қийноқ, ўлим - қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш - қийноқ, яхши нарсадан айрилиш - қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик - қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, дхарма (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар, ўз хусусиятига кўра, ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг ҳаёл ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги дхармалар мавжудлигининг 5 формаси - тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англашни яратади. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқа қилади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (скандх) ўз навбатида қайта туғилади. янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва норма. Бу жараён «ҳаёт ғилдираги»ни ташкил қилади. «Ҳаёт ғилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат - «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир».

Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ҳамда доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун карма ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддавийлар фикрича, Буддадан кейин ҳеч ким Нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат - «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтабди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, «ҳаёт ғилдирагидан» ташқарига чиқиш, «мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғулларини тўла тугатишдир.

Тўртинчи ҳақиқат - қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл - «Саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлаш». Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутади.

Бу саккиз нарсага амал қилиш медитация деб номланади. Буддавийлик таълимоти асосан уч қисмдан иборат: 1. медитация; 2. ахлоқ; 3. донолик.

Буддавийликнинг ёйилишида Сангха - буддавийлик жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳолини буддавийликка даъват қилиб, уларга Будда таълимотини ўргатиб юришган. Фақатгина Муссон ёмғирлари тинмай қуйган 3 ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб ибодат билан шуғулланганлар.

Буддавийлик жамоалари ҳар қандай бошқа дин, маданият ва урф-одатлар қамровида ёки аралашувида бир неча юз йиллаб ўзларини сақлаб қолиш ҳамда фурсат келганда уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг бу хусусиятлари ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлар даврида, Шри-

Ланкада португаллар, голландлар ва англизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцианлари даврида, Жануби-Шарқий Осиёга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлган.

Буддавийликнинг **махаяна йўналиши** Хитойга милоднинг 1-асрида кириб келган. мил. III-VI асрларида буддавийлик Хитой ҳудудида кенг тарқалди. Бу вақтда пойтахт яқинидаги Лояна ҳамда Чанани каби шаҳарларда 180 га яқин будда ибодатхоналари ҳамда диний марказлар фаолият юритган.

Махаянанинг шаклланишида Кушон давлатининг роли катта. Мана шу ердан, Кушон давлатидан, айниқса, Канишканинг 4 соборидан сўнг буддавийликнинг махаяна йўналиши Шарқда, Марказий Осиёнинг давлат ва шаҳарларига тарқала бошлади. Буюк ипак йўли орқали биринчи буддавийлик тарғиботчилари мил. ав. II асрдаёқ Хитойга келган эдилар. Кейинги буддавийлар буддавийликнинг Хитойда пайдо бўлиши ҳақида кўплаб ривоятлар ва афсоналар тўқиганлар. Бирок хитой манбаларида ҳам, буддавийлар ривоятларида ҳам Хитойдаги биринчи буддавий ҳақида бирор аниқ маълумот мавжуд эмас. Буддавийликнинг Хитойга келишидаги 1-қадам тўғрисидаги илк эслатмалар ичида бирмунча ишончлироғи император Мин-Дининг туши ҳақидаги хабар ҳисобланади. Айтилишича, у тушида олтиндан ясалган бир бут кўрган, унинг Будда эканлигини маслаҳатчиси Фуидан сўраб билгач, милоднинг 60-йилларида Будда ҳақида маълумотлар ҳамда диний матнлар келтириш учун ҳиндистонга элчилар юборган. Шундан сўнг Хитойга ҳиндистондан бир нечта буддавийлик тарғиботчилари келиб, улар учун махсус қурилган «Баймаси» (оқ от ибодатхонаси)га жойлашганлар. Бирок тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, бу каби ривоятлар илмий асосга эга эмас. Хитой ҳудудига кириб келган биринчи буддавий ким эканлиги, қачон кириб келганлиги аниқ эмас.

Буддавийликнинг хитойлашуви ва кенг тарқалиш жараёни қийин ва мураккаб кечган. Буддавийликнинг илк ғоялари ва тарғиботчилари Хитойда пайдо бўлгандан бошлаб бир неча асргача унинг тарқалиш жараёни давом этди. Буддавийлик Хитой ҳудудида кенг ёйилиши билан алоҳида янги шакл ҳам касб этди. Мил. IV-V асрларда буддавийлик катта муваффақиятларга эришди. Ушбу таълимот ўлканинг жанубий вилоятларига янада чуқурроқ кириб борди. IV асрнинг охирида Шарқий Цзинь давлатининг ўзида 1786 та буддавийлик ибодатхонаси, 24 минг монах мавжуд бўлган. IV асрнинг ўрталарига келиб Хитойда аёллар ибодатхоналари, аёл монахлар ва тингловчилар пайдо бўлган эди. Сал ўтмай, IV асрнинг охирига бориб, подшоҳлар буддавийлик ибодатхоналарига тез-тез катта миқдордаги хайриялар берадиган бўлганлар. Хусусан, император Сяюу-ди 381 йил биринчи бўлиб ўзини буддавий деб эълон қилди ва ўз саройида ибодатхона барпо қилдириб, унга монах келтиришни буюрди. Ляо сулоласидан бўлган У-ди ҳокимлиги даврида (502-549) буддавийлик мамлакат жанубида расмий дин этиб эълон қилинган эди.

Шундай қилиб, буддавийлик милоддан аввалги 1 минг йиллик охирларида Шри-Ланка, Марказий Осиё, Марказий Осиё ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археологик қазилмалар асносида Ўра-тепа, Далварзин-тепа, Кува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган Шакьямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари,

рамзий ғилдирақлар ва ступа қолдиқларининг гувоҳлик беришича, Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган.

Буддавийлик ўз таълимотида ҳеч қачон бошқа худоларга сиғинишни тақиқламаган. Будда уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар нирвана ҳолатига олиб бормайди деб айтган. Шу сабабли, буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган худолари ёки улуғланган шахслари тимсоллари ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликка мансуб худолари «дунёни яратувчи Брахма», «чақмоқ ва момақалдироқ худоси Индра», «хунарамандчилик ишлари худоси Хатиману», Тибетда «Тибет эпоси қахрамони Басер» тимсоли, Монголияда Чингизхон каби миллий пантеон буддавийлик илоҳлари сифатига айланди. Бироқ бу пантеонлар Нирвана ҳолатига олиб бормайди. Фақатгина Будда нирванага олиб боради ва инсонни қийноқдан қутқаради.

Буддавийлик санъати. Қадимда ва ўрта асрларда ушбу дин таъсирида ва унинг ғояларини тарғиб қилиш жараёнида аста-секинлик билан дунёнинг айрим худудларида буддизм санъати шакллана бошлаган. Дастлаб ҳиндистонда, кейинчалик Шри-ланка (Цейлон), Индонезия, Мьянма (Бирма), Таиланд, Япония, Хитой, Камбожа, Корея ва бошқа мамлакатларнинг афсун афсона ва маросимларида турлича талқин қилиниб келинган. Буддавийликнинг дастлабки давридаги санъат намуналарида Будда ўрнига қадимги ҳиндларнинг осмон жисмлари билан боғлиқ тасаввурларига асосланган турли рамзлар (ғилдирак, шер, муқаддас дарахт) кабилар тасвирланган. Буддани инсон қиёфасида тасвирлаш милоднинг бошларида Гандхара ва Матхури санъатидагина пайдо бўлди. Кейинчалик кўп мамлакатларда ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида ҳам унинг турли катталиқдаги рамзий қиёфалари яратилди. Будда санъатида асосий шахс Будда дини асосчиси шахзода Ситдхартга Гаутама бўлиб, у санъат асарларида асосан уч ҳолатда тасвирланади:

Тик турган будда – воиз;

Чордона куриб ўтирган будда – фикр-хаёлга чўмган мутафаккир;

Ётган будда – ёруғ дунёдан кўз юмган будда:

Ҳиндистонда Будда билан боғлиқ санъатнинг қадимги ёдгорликлари юзага келган, рамзлар ва образлар доираси, будда иншоотлари – меморлик, ҳайкалтарошлик, рангтасвирнинг ўзига ҳос уйғунлигини яратган ғор ибодатхоналари, Будда ҳаётига оид афсонавий воқеалар шарафига қурилган ва муқаддас ёдгорликларни сақлаган ступалар, ғор ибодатхоналари ва ступаларга ўхшаш ёдгорликлар (пагада, дагоба, субурган ва б...) бошқа мамлакатларда кенг тарқалган. Хитой, Япония ва Кореяда турли хил ёғоч ибодатхоналар типини яратилди, буддизм мазмунидаги маҳобатли рассомлик билан бирга дастгоҳрассомлиги ҳам ривожланди. Индонезия, Камбоджа ва бошқа мамлакатларда будда билан боғлиқ тош ибодатхоналар ва ибодатхона ансамбллари Ҳиндистон, Бирма, Непалда монастыр мажмуалари, Тибет, Мўғулистон, Бурятия ва бошқа худудларда ломанизм монастыр ансамбллари юзага келди.

Кушон подшолиги ҳудудида яшаган халқлар турли динлар қатори буддизм динига эътиқодда бўлганлиги аниқланган. Кушон тангаларида Буддага оид шахслар тасвирланган.

Буддизм санъатида маҳобатли қурилишлар (кўпинча будда монастирлари қуриш) катта ўрин тутган, улар ҳайкаллар ва деворий расмлар билан безатилган. Айритомдан ер ости монастири (сангарама), қоратепадан – ғор ибодатхона (вихара), шунингдек Чингизтепа, Далварзинтепадан қадимги ғор монастирлар мажмуасининг қолдиғи топилган. Топилмалар орасида оҳактошга ўйиб ишланган ганч ва лойдан тайёрланган ҳайкаллар, рангли деворий расмлар ва буддизм санъатига ҳос бошқа санъат қолдиқлари бор. Жумладан Зурмала минораси Будда супасининг қолдиғи ҳисобланиб, у уч қаватли бўлган деб тахмин қилинади. Будда санъати намуналари қаердан топилганлигидан қатъи назар шаклан ва мазмунан ўхшаш бўлган (Б.Турғунов. Будда санъати ЎЗМил. Эн-си Т.,2-том 232,233-бетлар).

Мил. ав. I аср ва милоднинг IV асрлари оралиғида Кушон империяси буддавийликнинг Махаяна йўналишини давлат дини деб эълон қилди. Бунгача буддавийлик ҳиндистонда узок тарихга эга бўлса ҳам, у ерда асосий йўналиш бўлган Хинаяна бундай мавқега эришмаган эди. Канишка, Вима, Кадфиз ва улардан кейинги кушон императорлари, буддавийликни кенг ёйдилар. Улар бу дин анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Боласоғун, Қошғар ва бошқа шаҳарларда буддавийлик такягоҳлари ва хонақоҳлари, ибодатхоналарини қуриб, буддавийликнинг муқаддас китоблари, сутра ва пастирларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратиб бердилар.

Марказий Осиёнинг жанубида Сарвастивада мактабининг илк кўриниши-Вайбхашика мактабининг таълимоти ёйилган. У буддавийликнинг Хинаяна оқимига тегишли. Аммо вайбхашика таълимоти баъзи жиҳатдан Махаяна доирасидаги мактабларга яқин туради. Бунда айниқса, Махаяна доирасига қирувчи Сарвастиваданинг «Виная» мактаби муҳим аҳамиятга эга. Маълумотларнинг хабар беришича, Хўтанда Вайбхашикалар Махаянани ёйиш учун замин тайёрлаганлар.

Марказий Осиёда буддавийликнинг бошқа мактаблари ҳам ёйилган. Қоратепадан топилган сопол буюмлардаги ёзувлар бу ерда Махасангхика таълимотини акс эттиради. Махасангхика мактаби Марказий Осиёда буддавийликни ёйишда муҳим рол ўйнаган. Қоратепанинг бошқа қисмидаги брахма ёзувидаги битиклар Марказий Осиёга кейинчалик Канишка даврида кириб келган. Сарвастивада буддавий мактаби таълимотининг ёйилганлигидан хабар беради.

Милоддан аввалги III-I асрларда буддавийлик ҳиндистон ҳудудидан чиқиб жануби-шарқий йўналиш бўйича хинаяна таълимоти шаклида ёйилган. Лекин милоднинг бошларида шимолга, шимоли-ғарбга ҳамда шимоли-шарққа махаяна тарзида ҳаракат қилди. Буни сабаби бир неча асрлар мобайнида Шимолий Ҳиндистон, Ўрта ва Марказий Осиё ҳудудларининг ягона Кушон салтанати байроғи остида бирлаштирилиши бўлди. Айнан Марказий Осиё орқали буддавийлик Узок Шарққа кириб иккинчи ҳаётини бошлади.

Марказий Осиёда буддавийликка тегишли жуда кўплаб тарихий обидалар топилган. Улар орасида Фаёзтепадан топилган бу динга тегишли комплекс энг йириги ҳисобланади. У ердан чиққан диний битиклар, ҳайкаллар билан бирга топилган ибодатхонанинг ҳудуди анча катта жойни эгаллаган.

1926 йилда А.С. Стрелков томонидан аниқланган Эски Термизнинг шарқидаги «Зурмала минораси» Марказий Осиё территориясидаги биринчи очилган, аҳамиятга молик бўлган буддавий иншоотдир.

Эски Термиздан топилган Қора-Тева буддавий комплекси милоднинг I асри Кушон салтанатининг гуллаган даврига тўғри келади. Қора-тепадаги ҳар бир иншоот ер устки ва ғор ичида жойлашган - ибодатхона, сарой, бир хизматчи - монах учун мослаштирилган ҳужрадан иборат.

Будда ибодатхонаси харобалари Тожикистон Республикаси Кўрғонтепа шаҳридан 12.5 км шарқда жойлашган “Ажинатепа” харобаларида ҳам яхши сақланган Ибодатхона ва монастирдан иборат икки қисмли иншоотнинг катталиги 100х50 метрни ташкил қилади. Қазилмалар даврида беш юздан ортиқ тасвирий санъат ёдгорликлари – ҳайкаллар, нақшлар, деворий расмлар ва уларнинг айрим қисмлари яхши савланиб қолган. Улардан бирида Будда ўлим тўшагида ётган манзараси акс этган. Деворий суратдаги ҳайкалнинг узунлиги салкам 12 метрни ташкил этади. Манзаранинг навбатдаги қисмида унга совға саломлар келтирган қабила оқсоқоллари олдига кириб топшириш учун олдинма-кетин навбат кутиб туришибди. Ўйлашимизча мазкур тасвирий манзара қайсидир ўта зийрак ва маҳоратли мўйқалам соҳиби томонидан ниҳоятда нозик дид биланг деворга ишланган. (Ўз.Мил.Эн-я,1-том, 2000 йил.142 б)

Буддавийликнинг асосий йўналишларидан бири Хинаяна йўналишидир. Хинаяна «кичик ғилдирак» маъносини англатади. У расмий диний йўналиш сифатида мил. ав. I асрларда шаклланган. Бироқ унинг асосий қоидалари анча аввал, шу жумладан, Трипитакада баён қилинган.

Хинаяна таъкидлашича, дхармалар табиатини ўрганиш ва нирванага эришиш маънавий йўл билан бўлади. Бу йўл жуда оғир ва фақат монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Кейинчалик хинаянада жуда ҳам мураккаб ва дабдабали ибодатлар (масалан, «Будда тишига сиғиниш»), буддавийликнинг муқаддас жойларига оммавий зиёратлар жорий қилинган. Бу йўналиш шарқий Ҳиндистонда, Шри-Ланка, ҳинди-хитой давлатларида тарқалган.

Адабиётлар.

1. Жўраев У. Саиджонов Й. «Дунё динлари тарихи». Т.1998
2. Мень А. «История религии» М. 1994
3. Мифологический словарь М. «Советская энциклопедия» 1991
4. Древности Южного Узбекистана\ Каталог. Токио 1991. стр 11-25
5. Кензо Кавасаки. Буддийское изобразительное искусство. Северной Бактрии-Тохаристана 1-1У вв.н.э. Т,1999 г
6. Далварзинтепа шахристони. СИТИ. Ўзбек ва япон тилларида. Токио, 1996 йил. 188-191 бетлар.
7. Ставицкий Б.Я. Судби буддизма в Средней Азии. Москва. 1998 г

14-мавзу: Ўзбекистон тасвирий санъатида афсона ва ривоятларнинг ифодаланилиши

Режа:

- 1. Ўзбекистон ҳудудидаги афсонавий дунёқарашлар**
- 2. Ўзбекистон тасвирий санъатида рамзий тимсоллар**
- 3. Тасвирий санъатда афсона ва ривоятларнинг аҳамияти**

Таянч тушунчалар: Зардуштийлик, рамз, юнон Бақтрия санъати, анахита ҳайкалчалари, кушонлар афсоналари, ислом, меъморчилик, араб ҳаттотлиги, миниатюра, гравюра, Тумарис, Широқ, Алпомиш.

Ўзбекистон ҳудудидига тарихий-маданий тасниф ва афсонавий дунёқарашлар босқичи Политеизм: Ибтидоий давр эътиқодлари - Тумор (Сох. эр. ав. 2 минг йил) турли кўринишдаги кўзмунчоқ ва тақинчоқлар ва х.к.. Зардуштийлик - Амударё хазинаси таҳлили. Юнон-Бақтрия санъатида-тангашунослик ва амалий санъат материаллари. Кушон даври афсонавий дунёқараш. Тангашунослик ва амалий санъат асарлари. **Монотеизм:** Ислом. - Меъморчилик, Миниатюра санъати **Атеизм:** Совет даври тузуми. XX аср даврига тарихий-маданий тасниф. Ўзбекистонга XIX аср охиридан рус зиёлиларининг, улар ичида рус рассомларининг сургун қилиниши. Шарқий Европа тасвирий санъат анъаналари билан танишув жараёнининг вужудга келиши. XX аср 90-йилларида сиёсий ўзгаришлар Ўзбекистонга эркинликни тухфа этилиши. Инсоният янги бир афсонавий босқич, дунёвий-технологик дунёқарашни тарғиб қилиниши. Кинематография санъати. (коинот сирлари, ўзга сайёралар, фантастик мавжудотлар инсоният ҳаёлотини яна эгаллай бошлади).

Зараутсой расмлари. Ўзбекисон ҳудудидаги энг қадимги қоятош расмлари орасида ҳисор тизмасининг жануби-ғарбида, қўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги унгир ва камар тошларига ишланган ибтидоий санъатнинг нодир намуналари алоҳида аҳамиятга эга. Сурхондарё вилоятида, Термиздан 100-110 км шимоли-ғарбда. 1912-йилда И. Фёдоров томонидан топилган. Археолог Г. Парфёнов (1940-45), кейинчалик А. Рогинская (рассом), А. Формозов, А. Кабировлар томонидан ўрганилган. 200 дан ортиқ расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Расмлар чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) билан чизилган. Зараутсой расмларида одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчка, бурама шохли эчки, ҳашарот ва б), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ва бошқа ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган Зараутсой расмлари ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида катта аҳамиятга эга.

Широқ – жангнома типидagi афсоналардан бири бўлиб, мазмуни тарихий воқеалар асосига қурилган. Афсонани биринчи марта мил. авв. XII асрда яшаган

юнон тарихчиси Полиен ўзининг “Ҳарбий ҳийлалар” деган асарида келтирган. Асарда Широқ – Сирак деб номланган. Афсонада сак қабиласидан чиққан отбоқар Широқнинг жасорати, тадбиркорлиги ва эрксеварлик фазилатлари ҳикоя қилинади. Широқ ўз қабиласи манфаатларини ҳимоя қилиб, яқка ўзи Эрон шоҳи Доро лашкарларига қарши чиқади ва ҳарбий ҳийла билан унинг қўшинларини чалғитиб, сувсиз, дашт-сахрога бошлаб боради ва ҳалокатга дучор қилади. Ўзи ҳалок бўлсада, қабиладошларини фалокатдан қутқаради. Қабила ва халқ мудофааси асарнинг бош мавзуи бўлиб, босқинчиларга қарши кураш, мардлик ва жасорат кўрсатиш эса унинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Асарда босқинчилик қораланади, тинчлик ва озодлик учун кураш улуғланади.

Ижодкорлар рассомларга берилган илоҳий қобилият, илоҳий куч эса янги, нодир ва ўчмас асарларнинг дунёга келишига сабаб бўлади. Шундай асарлар яратиб, бугунги кунда ўзига ҳос мовқе ва эътибор қозонган рассом Баҳодир Жалол ижоди фикримизга далилдир. Моҳир санъаткорнинг истеъдоди унинг ишларида ўз аксини топади. Рассом ўзига айнан бир йўналишни ёхуд жанрни белгилаб олмаган, аксинча барча йўналиш ва мавзуларда ижод қилаверади. Масалар дастгоҳли ва маҳобатли рангтавир, графика, маҳобатли ҳайкалтарошлик, инсталляция ва ҳаттоки фотографияда ҳам ўзини синаб кўрган ва бундан муваффақиятли ўтган, десак муболаға бўлмайди. Баҳодир Жалолнинг асарларида миллийлик ўзига ҳос тарзда авангард йўналиши билан уйғунлашиб кетган. Бу ҳам рассомнинг ютуқли томонларидан биридир. Унинг асарлари орасида

Баҳодир жалолнинг ижодий фаолиятидаги бу қаби ёрқин, тўлиқ асарлар талайгина. Рассомнинг 2006 йилда яратган **“Демоннинг Олтин Фаришта билан мулоқоти”** (Қоғоз, қалам. 29,5х21) номли асари эса илоҳий туйғуларни ўзида мужассамлаштирган, етук, тугалланган асари ҳисобланади. Ундаги мукамаллик шундан иборатки, асар ғояси, персонажлар юз кўринишидан яққол намоён бўлган. Уларнинг ғамгин ва ҳавотирли кўзлари, маюс нигоҳлари, динамикадаги енгил ҳаракатланиши ва эртакнамо қиёфалари орқали ўз аксини топган. Асарда ортиқча чалғитувчи сюжетлардан воз кечилган. Планнинг биринчи қисмида асарнинг асосий шахслари чиққан. Фазовий кенгликда тасвирлаш борасида рассом мукамалликка эришган.

“Умар Ҳайёмнинг рубойларига бағишлов”. Баҳодир Жалолнинг мазкур график асари 2000-йил 21.х.29,5 ҳажмда ишланган. Бунда рассом ўз қаҳрамонларига ойна ортидан назар ташлаб, сирли ва ноодатий тарзда асар моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлган. Асар 6 та қисдан иборат. Уларнинг ҳар бирида ўз қаҳрамонининг кўлида қадаҳ ушлаган ҳолда май ичиб ҳаёл сураётганликлари тасвирланган.

Биринчи тасвирнинг олдинги режасида гўё бир дарвеш қиёфасини кўз олддимизга келтирамиз. Дарвеш кўлидаги май кўйилган пиёлани ушлаган ҳолатда ён бошлаб осмонга қараб ҳаёл сурмоқда. Эғнидаги оқ яқтаги янаям ишонарли чиққан. Дарвешнинг ҳаёлида севишганлар ва қушлар тасвири акс этган. Ундан юқорида ярим ой – янги кун, янги орзулар, юлдузлар эса туннинг ёритувчилари рамзидир.

Иккинчи кўринишда эса ишқдан сармаст бўлган ошиқлар сиймосига кўзимиз тушади. Қаҳрамонлар ёнларида тўкин дастурхон, ноз неъматлар

шамчироқ ва яна кўзада май ва куш ҳам тасвирланган. Куш гўё осмонга қараб интилмоқда. Лавҳанинг тепа қисмида юлдузлар ва тўлин ой манзаралари. Ўз ҳаёлий орзуларини амалга ошириш йўлида кўлида май ушлаган дарвеш йигит ва най чаладиган созанда кўзга ташланади. Тепарокда ўз ташвиви билан банд, ҳаётнинг кўриниши акс эттирилган. Қуёшнинг ярми куннинг ботаётганини оқшом тушаётганлигига ишора.

Тўртинчи қисмида рассом биринчи режада ҳаётнинг ҳар хил кўринишини буюмлар орқали кўрсатишга ҳаракат қилган. Лавҳа марказида китоб ва кўлёмалар – ҳаётнинг синоатлари нақадар кўплиги ҳар доим ўрганиш, билим олиш инсоннинг эзгу фазилати эканлигидан далолат беради. Ўнг тарафида чилдирма, хум тўла шароб, гул - кишиларнинг бу дунё ташвишларини бир дам бўлса-да унутиб, хордиқ олиши, куй кўшиқ, хушчақчақлик қилишини англатса, шамчироқ тунни ёритувчи сунъий ёруғлик рамзидир. Чап томонида ноз – неъмат, кўза, яшаш учун зарур бўлган ашёлар тасвирланган. Иккинчи режасида дарвеш ва жонон. Май узатаётган жонон, ўртада куёш атрофида гуллар ва пиёлалар тасвирланган. Гул – аёл, Пиёла – эркак. Ошиқ ва маъшук ҳар доим бир бирига интилиб, бир бутунликни орзу қилишади. Ўртадаги куёш – нур, иссиқлик, ҳарорат, буюклик, олам рамзларини англатади.

Бешинчи қисмида биринчи режасида аёл кўринишидаги май уни оғушида олиб сармаст бўлган дарвеш тасвирланган. Уларнинг ёнида ёстиқ, пиёла ва китоб тасвирлари кўрсатилган. Бу билан рассом шеърини китоб ўқиб, май ичиб, ўзининг ишқ-муҳаббат ҳақидаги ўйлари оғушига ғарқ бўлган ошиқ ҳолатини чизишга ҳаракат қилган. Иккинчи режа марказида катта хум ёнида аёл кўлидаги узумни хумнинг ичига солиб, шароб тайёрлаётганини кўзга ташланади. Ой ярмигача тўлишган, осмон юлдузлари ҳам чарақлаб турибди. Тун сокин ва асоишта. Шаробни ичган одам гўё алангага айланиб, ўзининг ғайритабиий қудратини кўрсатишига ишора қилаётгандай бўлади. Юлдулар ва ой туннинг ёритувчиларидир.

Олтинчи қисмнинг биринчи режасида қабрда ётган майит, атрофида кўза, хумлар, шамчироқ акс этган. Рассом қадимий хумларда егуликлар шамчироқ билан кўмиш, у дунёда булардан баҳраманд бўлади денган эътиқодлар бўлганлигига ишора қилади. Иккинчи планида устоз ва шогирд машҳур олимлар бир бирига қарама қарши ўтирибди. Бунда ҳаёт турли қарама қарши фикрлардан, ғоялардан ва улар ўртасидаги курашлардан иборатлиги, дунёда қанча инсон бўлса, шунча ҳаёл ва ўйлар мавжуд эканлиги, томчи эса кўз, ёш ҳам андух, оламнинг бир кўриниши эканлигини изоҳламоқчи бўлган.

“Тасвирий санъатда афсона ва ривоятлар” фанидан тест саволлари

№	Тест саволи	А	Б	С	Д
1	Афсона сўзининг маъноси нима?	ёлот, орзу, муболаға, ва бадий тўқима	Ёлғон	ишмоқ	иқат

2	ргарлик маъноси нима?	дамнинг ўзининг ий кучларга таъсир лиш қобилиятига олиш	мларни алдаш	вонларни авраш	паррандала авраш
3	емизм нима?	дамзоднинг ҳайвон ёки гури билан ий қариндошлик ишониш	ий кучларни риш	нсиз нарсаларга	ргарлик ва гуркуми
4	имизм деганда унилади?	дунёда рухлар, аклидаги ғайритабиий нг борлигига ишониш	нсиз нарсаларга	ргарлик	вонлар ва ар орасидаги к
5	ишизм нима?	онсиз нарсаларга	онувчиларни ар билан ги	ргарлик	ий кучларни риш
6	” – қадимги арда қандай ган?	ёш худоси	мон худоси	худоси	худоси
7	у” – қандай	во	илик		ш
8	б”- қандай илоҳ	а замин	ир	илдорлик	о
9	ирис” - қандай ган?	шилик худоси	мон худоси	о худоси	ир худоси
10	г”- қандай илоҳ	ли кўзли эшак бошли и ёвузлик илоғи	Илм-фан	ир	
11	ида” - қандай ган?	мон ва ер	гиз	илдорлик	ш
12	гача етиб келган ги Юнон ёзма ?	Илиада” ва “Одессея”	ганлар китоби”	мдуат”	гирлар
13	вс” - қандай ган?	долар отаси	ир худоси	мол худоси	м худоси
14	он лари?	ракл ва Прометей	дил ва Энки	ирис ва Сет	лат ва Тот
15	сейдон” - юҳ бўлган?	нгиз	мон ва ер	илдорлик	ш
16	родита” - ъбуда бўлган?	заллик ва севги	лар	л-ҳосиллик	ва қўшиқ
17	сининг иккинчи а?	питер	урн	омед	тон
18	родитанинг номи нима?	нера	она	ина	етра
19	оллон”- қандай бўлган?	й ва ашула, шерият ва	мол	шон	ш
20	қўрқинчли ва маъбудалар ом олган?	ргонлар	омед	ир	с
21	лена” - қандай ган?	и		ш	
22	инна қаерда роҳи ган?	д Осиёда	срда	онистонда	идистонда

23	ки” - қандай ган?	в ва донишмандлик	унлар тўплами	он	замин
24	Осиёда энг фсоналар тегишли	онликлар	адликлар	ммерликлар	ри жавоб йўқ
25	лгамеш" да нималар инади?	лгамеш ва арнинг дўстлиги ликлари ва лари	шур жанглари	бат жанглари	р ҳикоялари
26	илликларда инг энг каттаси	ардук	ил		и
27	душтийликнинг китоби?	есто	шон	кил	рма
28	душтийликда ма тарғиб	гулик	злик	ғлик	он
29	душтийлик ининг асосчиси?	рдушт	со	хма	рма
30	душтийликдаги б?	сурамазда	шъи	дра	рма
31	душтийликда оси?	итра	урамазда	оиман	хита
32	душтийликда лик ва сув	тахита	гра	урамазда	оиман
33	оиман қандай обланади?	узлик	ш ва ёруғлик	ғ донишманд	илдорлик
34	дизм қаерда ган?	ндистонда	срда	ойда	илда
35	дизмнинг ким?	итхарта Гаутама	душт	рма	рма
36	раваданинг нима?	ганлар йўли	та йўл	б-укубатлар	ли ҳаёт
37	хаянанинг нима?	тта йўл	анлар йўли	ли ҳаёт	б-укубатлар
38	ой, Кореа ва уддизмнинг ми кириб	ахаяна	равада	бет	ри жавоб йўқ
39	дизмда а сиғинишган?	намларга	овга	онга	а
40	дизмни манбааси нима анади?	арма	хма	ъши	дра
41	ована деб тилади?	об-укубатларнинг этилиши	злик	ли ҳаёт	ил йиғиш
42	истианликнинг китоби?	жил	сто	шон	рма
43	кил қандай линади?	нги Ахд, Талмуд, ахд	гузашт	рилиқ	имги китоб

44	аиизмда энг жудот нима деб	ве	рамазда	да	харта
45	димги Ахд” обдан иборат?	га			
46	истианлик ида қандай жавжуд?	уқаддас рух, Ўғил а-Худо	ий худо	парастлик	а худо
47	ом динининг китоби?	р’они каърим	ис	уф	кум р
48	омда қандай санъат тури ўлган?	ққошлик	қобатли рангтасвир	қалтарошлик	фика
49	омда диний нанинг номи?	асжид	мақо	ков	драса
50	ом афсонасида малар ривоят ?	йғамбарлар ри	он тўқималар	б-уқубатларни этиш	қаддас
51	лгамеш” қаерда	ессопотамияда	идистонда	оказий Осиёда	срда
52	ё вужудга а тузилишига налар?	смогоник	мологик	яр	рал
53	яр афсоналар рсона?	ёш ҳақида	ҳақида	дузлар ҳақида	ё тузилиши
54	имги лар фиравн имадан иборат нлар?	ва Ба		с ва Кук	
55	ё барбод ақидаги р қандай и?	хатологик	рал	мологик	яр
56	имги ларни Сохмон қандай саклаб қолган?	ароб		рбат	ре
57	котеб қайси й ёдгорликни	оссер	дья	ру	курат
58	он, Ра, Атон юҳлар?	ёш	илик	х	ги
59	имги Миср санъатида х бука ида ган?	ис	евис	ибус	кет
60	лар афсоналари рсона?	й ҳақида	дузлар ҳақида	заклар ҳақида	ш ҳақида
61	мнинг пайдо ақидаги	итропогоник	атологик	могоник	рал

	р қандай				
62	дузлар ва р ҳақидаги р қандай и?	трал	атологик	ропогоник	могоник
63	он рида аёл аги уруш илоҳи а?	рина	родита	хна	а
64	маяна” ва рат” достони атилган	ндистонда	онистонда	срда	оказий Осиёда
65	он рида борлиқ омонидан ади?	с, Аид, Посейдон	с, Гелиос	акл, Гера	с, Дионис
66	онистон рида музалар				
67	онавт қандай англатади?	нгизчилар	қин	сон	манавт
68	онистон рида ой г номи?	лена	иос		кет
69	онистон рида куёш г номи?	лиос	ена		кет
70	си махлуқнинг шга увчидир?	едуза	рон	тавр	за
71	есто”га туркум асарлар збек рассоми?	мал Нур	и Чориев	им Аҳмедов	гиз Ахмаров
72	худолик-	олитеизм	емизм	изм	нотеизм
73	а худолик-	онотеизм	итеизм	изм	емизм
74	имий Миср рида тимсоҳ идаги илоҳ номи	бет	кет		ена
75	г-веда” қандай англатади?	адҳиялар илми	дҳия	идуийлик	о
76	дизм динидаги н пайғамбари?	утама	йтрея	къямуни	пвабху
77	наяна” қандай англатади?	ик аравача	лар савати	иос аравача	код йўли
78	ипитака” ънони и?	лар савати	ик аравача	иос аравача	код йўли
79	ннат ва дўзах и дастлаб қайси	ристианлик	ом	дизм	дўштийлик

	нё карашда елган?				
80	хуф” қандай англатади?	хифа	об	лам	ис
81	нардо До нг “Мадонна ари қачон ва атилган	ғониш даврида	а асрларда	ссик даврда да	срда да
82	бфи” қандай ган?	ла	мон	ш	ва тун
83	рис ва г болалари ўлган?	р ва Анта	о ва Нет	ва Ануке	е ва Гатгор
84	” қандай илоҳ	нунлар тўплами	ишмандлик		мон
85	ул ва Ремнинг	арс худоси	илар	рис	си йўқ
86	дромаха” юҳ бўлган?	ратли аёл	аллик	қаббат	ърият
87	ада ва Одисея и қайси мансуб	нонистон	ди Осиё, Ҳиндистон	ва ўзбек	ср, амия
88	тхий дай маънони ?	димги Ахд	и ҳаёт	и Ахд	та йўл
89	лмуд” китоби га мансуб	ристианлик	ом	дизм	дўштийлик
90	н” сўзи қандай англатади?	лонч	қаддас китоб	до	та йўл
91	“Шоҳнома” қандай китоб?	охлар ҳақидаги дoston	ий асар	ий асар	ихий китоб
92	оҳнома” қайси тилган?	асрда	асрларда	асрларда	асрларда
93	омарс қандай	ринчи бўлиб тож ам подшоҳи	сонавий ҳукмдор	олар отаси	гсиз ҳукмдор
94	вуш воқеалари чади?	он ва Туронда	Осиёда	срда	идистонда
95	осиёб да ҳозирги қар тилга	марқанд	оро	рон	аф
96	ишиднинг ифиётлари иборат?	врўз байрамини жорий	аи жаҳонни кашф	и қонунларни	и икни барпо
97	аз сўзи нимани ?	шки қўриниш, қиёфа	лий тасаввур	иниш	одкорнинг ифиёти
98	исол сўзи англатади?	мзий – фалсафий образ	лий ифода	тий лавҳа	кл ва мазмун и
99	тир деганда унилади?	отаклар, нақллар, о, ҳикоялар, дostonлар, қлар, афсона ва	он орзу - умидлари	лар туркуми	ий лар тўплами

		р			
100	екистон й тасвирий а қайси ар афсоналар ва рга энг кўп қилган?	Мўинов, М.Йўлдошев, ов, Б.Жалолов, А.Нур, еков, А.Исаев, муродов, А.Хотамов, ов, А.Раҳматуллаев, ов, Қ.Норхўрозов, ев, Ф.Эркабоева, рев, Л.Ибрагимов	нардо да Винчи, анти, кело, А.Дюрер, ембрант, ов, А.Раҳматуллаев,	аснецов, А.А. рюлов, и, Ж.Умарбеков, Ж.Қуттимуродов, ов,	нардо да фаэл Санти, кело, Пуссен, В.Васнецов, нов, Брюлов, и,

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

1. Мифы народов мира. В I - II томах. Энци. Словарь. Москва. 1982.
2. Саодатга элтувчи билим. Тошкент. 2002.
3. Всеобщая история искусств. Том I, Москва. 1956.
2. Д.Буслович, Е.Руммель, О.Персикова Мифологические сюжеты в произведениях искусства. Ленинград. 1971
3. Религии мира. Москва. 1986.
4. Г. Штоль. Боги и гиганты. Москва. 1971.
5. Мифологический словарь. Москва. 1990.
6. Э. Тайлор. Первобытная культура. Москва. 1989.
7. В.Бозунова. История доклассового общества. Москва. 1975.
8. Ж .Эшонкулов. Куёш, ой ва илохий тимсоллар. Фан ва турмуш. Тошкент. №3, 1999. 4-5 саҳифа.
9. Искусство и религия. Москва. 1986.
10. В.Струве. Заупокойный культ древнего Египта. Ленинград. 1919.
11. Б.Тураев. Египетская литература. Москва. 1920.
12. Х. Кинк. Египет до фараонов. Москва. 1964.
13. М.Матье. Древнеегипетские мифы. Москва, Ленинград. 1956
14. М.Матье. Искусство Древнего Египта. Москва, Ленинград.1961
15. М.Матье. Искусство Древнего Египта. Москва.1970.
16. В.Павлов. Скульптурный портрет в древнем Египте. Москва. 1937.
17. В.Павлов, С.Ходжаш Египетская пластика малых форм. Москва. 1985.
18. Я.Липинская, М.Марценяк. Мифология Древнего Египта. Москва. 1970.
19. Г.Картер. Гробница Тьтанхамона. Москва. 1959.
20. А.Лосев. Античная мифология. Москва. 1957.
21. Н.Кун. Мифы и легенды древней Греции. Ташкент. 1986.
22. В.Виппер. Искусство Древней Греции. Москва. 1972.
23. Ю.Кольпинский. Великое наследие античной Эллады. Москва. 1963.
24. Н.Дмитриева, Л.Акимова. Античное искусство. Москва. 1988.
25. Буддизм: история и культура. Москва. 1989.
26. А. Тютчев. Искусство Индии. Москва. 1958.
27. Г.Пугаченкова. Искусство Гандхару. Москва. 1987.
28. В.Косидовский. Евангельские сказания. Москва. 1965.

29. Л.Климович. Книга о Коране. Его происхождение и мифологии. Москва. 1988.
30. Е.Резван. Адам и бану. Адам в Коране. К истории понятий первочеловек и человечество. (Ислам, религия, общество, государство). Москва. 1984.
31. Э. Исмаилова. Пророки и легендарные личности ислама в миниатюре. Общественное мнение. Ташкент. 1999.
32. Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. Москва. 1986.
33. Х.Узтурк. Ислом асослари. Тошкент. 1992.
34. А. Хасанов. Макка ва Мадина тарихи. Тошкент. 1992.
35. Мухаммад пайғамбар тарихи. Тошкент. 1993.
36. Диншунослик асослари. Тошкент. 1995.
37. У.Жўраев, Й.Саиджонов, Дунё динлари тарихи. Тошкент.1998.
38. М.Дрезден. Мифология древнего Ирана. Москва. 1977.
39. Мери Бойс. Зороастрийцы. Верования и обычаи. Москва. 1987.
40. И. Рак Мифы древнего и средневекового Ирана. Санкт-Петербург.1998.
41. Д.Уилбер. Персеполь. Москва. 1977.
42. Г.Пугаченкова, О.Галеркина. Миниатюры Средней Азии. Москва.1979.
43. Л.Ремпель. Цепь времен. Ташкент. 1987.
44. Е.Березиков. Легенды и тайны Узбекистана. Ташкент. 1991.
45. Г.Снесарев. Реликту домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва. 1969.
46. Ю. Рапопорт Из истории религии Хорезма. Москва. 1971.
47. Г.Дресвянская, И.Джаббаров Духи, святые, боги Средней Азии. Ташкент. 1993.
48. Е.Абдуллаев Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право. Ташкент. 1998.
49. Д. Мингбоева. Тимсоллар тилсими. Т.:2008
50. Р. Ражабов. Қадимги дунё тарихи. Т.: 2009
51. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи.Т.: 2008